

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**



**“ҚУРИЛИШДА ИННОВАЦИЯЛАР, ЭНЕРГИЯТЕЖАМКОР  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР, БИНОЛАР ВА ИНШООТЛАРНИНГ  
КОНСТРУКЦИЯВИЙ ВА СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИГИ”**

мавзусида Халқаро миқёсида илмий-техник конференция  
материаллари тўплами

Наманган шаҳри

7-9 ноябрь 2019 йил

**“Қурилишда инновациялар, энергиятежамкор технологиялар, бинолар ва иншоотларнинг конструкциявий ва сеймик хавфсизлиги”** мавзусида  
Халқаро миқёсидаги илмий-техник конференция материаллари тўплами

Тўпламга **2019 йил 7-9 ноябрь** куни институтда ўтказилган **“Қурилишда инновациялар, энергиятежамкор технологиялар, бинолар ва иншоотларнинг конструкциявий ва сеймик хавфсизлиги”** мавзусида Халқаро миқёсидаги илмий-техник конференция иштирокчиларининг илмий маъруза материаллари киритилган.

НамМҚИ, 7-9 ноябрь, 2019 йил, Наманган шаҳри

#### **Тахрир ҳайъати:**

т.ф.д. Ш.Ш.Кенжабоев, доц.С.И. Умархонов, т.ф.д. доц. С.Ж.Раззақов, ф-м.ф.д. М.Дадамирзаев, проф. А.Р.Пичугин, проф. Л.В. Ильина, проф. Ғ. Ғуломов, проф. Ш. Юлдашев, проф. Н.Бойбобоев, проф. М.Исмоилов, проф. В. Хожибоев, ф-м.ф.д. Ю.Апаков, т.ф.д. проф. И.Шамшидинов, т.ф.д. Р.Рустамов, т.ф.д. В.Турдалиев, т.ф.д. Р.Солиев, доц. Ш.Абдурахманов, проф.А.Хамидов, доц.Х.Алимов, доц. А. Тўхтабоев, т.ф.н. Ж.Холмирзаев, доц. О.Жакбаров, т.ф.н. Т.Жўраев.,Ф. Ирискулов

*Конференция материаллари тўплами Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг 2019 йил 5 ноябрдаги 4-сонли Илмий кенгаши Қарорига асосан чоп этишига тавсия этилган.*

**REPUBLIC OF UZBEKISTAN**  
**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY**  
**SPECIALIZED EDUCATION**  
**NAMANGAN ENGINEERING – CONSTRUCTION INSTITUTE**



**INTERNATIONAL CONFERENCE ON THE TOPIC OF**  
**“INNOVATIONS IN CONSTRUCTION, ENERGY-SAVING**  
**TECHNOLOGIES, CONSTRUCTION AND SEISMIC SAFETY**  
**OF BUILDINGS AND STRUCTURES”**

Namangan

7-9 November 2019

The collection of materials of the International conference on the theme of  
**"Innovations in construction, energy-saving technologies, construction and seismic safety of buildings and structures"**

The collection includes scientific-materials of the International conference participants on the theme of **"Innovations in construction, energy-saving technologies, construction and seismic safety of buildings and structures"**

held on November 7-9, 2019

NECI, November 7-9, 2019 Namangan city

#### **Editorial Board:**

d.t.c.Sh.Sh.Kenjaboiev, doc.S.I.Umarxonov, d.t.c. S.J.Razzakov, d.p-m.s. M.Dadamirzaev, prof.A.R.Pichugin, prof.L.V.Ilina, prof. G. Gulomov, prof. Sh. Yuldashev, prof. N.Boyboboev, prof. M.Ismoilov, prof. V. Xojiboiev, d.p-m.s. Yu.Apakov, d.t.c. prof. I.Shamshidinov, d.t.c. R.Rustamov, d.t.c. V.Turdaliyev, d.t.c. R.Soliev, doc. S.Abduraxmanov, prof. A.Xamidov, doc. X.Alimov, doc. A. Tuxtaboiev, c.t.s. J.Xolmirzaev, doc. O.Jakbarov, c.t.s.T.Juraev, F. Iriskulov

The collection of the conference materials is recommended for publishing in accordance with the Resolution of the Scientific Council of Namangan Engineering-Construction Institute No. 4 of November 5, 2019.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь кунги ПФ-5847-сонли фармонида кўра Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилиниши бугунги кунда олий таълим муассасаларига янада кўпроқ вазифаларлар ва мақсадларни белгилаб берди.

Концепцияда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, Республика олий таълим муассасаларини босқичма-босқич халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингларида ўз муносиб ўринларини эгаллашлари, ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш, инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш, ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва бошқа бир қатор устувор йўналишлар белгилаб олинган.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сонли **“Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарори ва 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335 сонли **“Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Қарорларида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда қурилиш материаллари саноатининг талаб юқори бўлган йўналишлари бўйича мутахассисларга таълим бериш юзасидан ўқув режалари ва инновацион ўқув курсларини ишлаб чиқиш, шунингдек, замонавий ўқув-методик адабиётлар, қўлланмаларни тайёрлаш ҳамда фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни кучайтириш лозимлиги, ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида ҳам илмий-тадқиқот ишларини амалиётга жорий этиш ўта муҳимлиги таъкидланган.

Юқоридаги қарорлардан келиб чиқиб, илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш учун олий таълим муассасаларида конференциялар ташкил этилмоқда, шунга мос равишда 2019 йил 7-9 ноябрь кунлари институтда **“Қурилишда инновациялар, энергиятежамкор технологиялар, бинолар ва иншоотларнинг конструкциявий ва сейсмик хавфсизлиги”** мавзусида Халқаро миқёсдаги конференция ўтказилиш белгиланган.

Ушбу конференцияда қурилишда инновациялар, энергиятежамкор бино ва иншоотларни лойиҳалаш, биноларни лойиҳалашда ахборот коммуникация

технологиялари ўрни, замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялари, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда кимёвий технологияларни ўрни, бинолар ва иншоотларнинг конструкциявий мустаҳкамлиги ҳамда сейсмик ҳавфсизлиги, йирик бино ва иншоотларни қуришда қурилиш машиналари ва механизмлари, электроэнергетика соҳаларининг масалалари муҳокама қилиш, тизимлаштириш ва умумлаштириш, шунингдек, соҳаларни ривожлантиришга қаратилган масалаларни муҳокама қилиш ва хулосалар ишлаб чиқишни мақсад қилиб олинган.

Мазкур тўпламга Республика ва хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, мутахассислари, докторантлари ва мустақил изланувчилари ҳамда иқтидорли талабаларининг қурилишда инновациялар, энергиятежамкор технологиялар, бинолар ва иншоотларнинг конструкциявий ва сейсмик ҳавфсизлиги муаммоларининг долзарб устувор йўналишларида олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари киритилган. Илмий тўплам материаллари олий таълим муассасалари ўқитувчилари, корхона ва ташкилотларнинг мутахассислари ҳамда ёш ижодкорлар учун амалий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

*НамМҚИ ректори  
Ш.Ш.Кенжабоев*

**ОПРЕДЕЛЕНИЕ НАПРЯЖЕННО-ДЕФОРМИРОВАННОГО  
СОСТОЯНИЯ ПРОСТРАНСТВЕННОЙ МОДЕЛИ ЗДАНИЯ**

*В.В.Молодин*

*(Новосибирский архитектурно-строительный университет, Россия),*

*С.Ж.Раззаков, А.С.Жураева*

*(Наманганский инженерно-строительный институт)*

**Аннотация:** В статье приведены сведения о программе расчета - «SEISM-STAB-BUILDING» на сейсмические нагрузки и пример использования разработанного программного комплекса.

В период развития современного строительства и активизации сейсмических процессов вопросы сейсмостойкости, обеспечение и оценка их конструкционной и сейсмической безопасности зданий считаются наиболее актуальными.

Исходя из этого авторами разработана комплексная программа расчета, для определения динамических характеристик и напряженно-деформированного состояния зданий при сейсмических воздействиях. Ниже приведены результаты расчета прямоугольной двухэтажной модели здания, полученные с использованием комплекса SEISM-STAB-BUILDING [1].

На рис.1а представлена исходная модель двухэтажного здания. Его реальная геометрия задается выполнением первого шага, указанного на блок-схеме. На рис.1б – результат выполнения второго шага, представляющего автоматическое разбиение исходной модели на прямоугольные конечные элементы.




**Рис. 1. Исходная модель здания (а) и ее конечно-элементная дискретизация  
прямоугольными элементами (б)**

После формирования матриц масс и жесткости (3 и 4 шаги) и решения однородной системы (5-шаг) получены три формы и соответствующие собственные частоты, показанные на рис.2 (а-в) в разных ракурсах.

а)  $\omega_1=12,3$  Гц;  $T_1=0,077$  сек

б)  $\omega_2=19,3$  Гц;  $T_2=0,058$  сек




**Рис.2. Собственные частоты и соответствующие формы колебаний: первая (поперечный сдвиг - а); вторая (продольный сдвиг - б); третья (кручение - в)**

В результате выполнения 6-го шага создается нагрузка от каждой формы колебаний, номер которой совпадает с номером формы.


По приложенной нагрузке определяются перемещения в узлах (7-шаг), по формулам Коши – деформации и по ним – напряжения в элементах по закону Гука.

Результаты выдаются (8-шаг) в файле SEISM.BAR, где указан номер узла, его линейные перемещения (три значения по осям) и углы поворота (три значения); затем номер узла; нормальные напряжения (три значения – по осям X,Y,Z) касательные (три - в плоскостях XY, YZ и ZX), главные (три) и эквивалентные напряжения.

На рис.3 показаны касательные напряжения в стенках при первой форме колебаний здания - при поперечном изгибе (рис.3а) и второй форме – продольных колебаниях (рис.3б). В левом верхнем углу каждого рисунка указаны значения напряжений в зависимости от окраски участка, а также максимальные и минимальные значения напряжений. Результаты показывают максимальные значения напряжений (1,85 МПа) на торцах здания при первой форме колебаний (рис.3а) и 1,11 МПа на продольных стенах – при второй (рис.3б). Далее полученные значения сравниваются с расчетными сопротивлениями кладки срезу, на основе чего делается вывод о прочности стен и перекрытий.







**Рис.3. Поля распределений касательных напряжений в стенах здания при первой (а) и второй (б) формах колебаний, полученные с применением комплекса программ SEISM-STAB-BUILDING .**

**Выводы.** Расчеты показали, что максимальные значения сдвиговых напряжений в стенах здания составляют 1,85 МПа (для первой формы) и 1,11 МПа (для второй). Учет поправочных коэффициентов и интенсивности сейсмического воздействия, например, 7 баллов, в формуле сейсмической нагрузки (1) позволяет скорректировать полученные напряжения. Для первой формы это будет 0,78 МПа, для второй - 0,625 МПа.

Максимальные расчетные сопротивления на срез для стен кирпичной кладки составляют 0,8 МПа и 0,65 МПа. Для кладки камней и растворов более низких марок расчетные сопротивления не превышают 0,5 МПа, а значит в стенах нижнего этажа возможно появление трещин при 7-балльном землетрясении, а тем более при более интенсивных воздействиях. Это необходимо учитывать при строительстве.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Определение сейсмостойкости зданий из местных материалов. SEISM-STAB-BUILDING [Текст]: свид. №DGU 03902 Агентство по интеллектуальной собственности Республики Узбекистан: Авторское свидетельство для ЭВМ / С.Ж Раззаков.; заявитель и патентобладатель Наманганский инженерно-педагогический институт. - № 2016 0399; заявл. 29.06.2016. - Ташкент.

#### ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОСТРАНСТВЕННОЙ МОДЕЛИ ЗДАНИЯ

*к.т.н., доц. М.В.Мишинёв*  
*(Южно-Уральский государственный университет)*  
*доц.С.А.Холмирзаев, проф.С.Ж. Раззаков*  
*(Наманганский инженерно-строительный институт)*

*В статье приведены результаты расчета вычислительной программы NDS.FOR, предназначенной для определения напряженно-деформированного состояния пространственной модели здания с вертикальным каркасом.*

При расчете зданий использованы пространственные модели строений. Модель представляют собой пространственную коробку, в которой несущие

стены – это плоско напряженные пластины с проемами (окна и двери), а перекрытия - жесткие диски, опирающиеся на несущие стены. Исследовано несколько вариантов зданий. В одних стены усилены вертикальным деревянным каркасом, представляющим собой вертикальные стойки, расположенные по бокам проемов, в углах, а также с регулярным шагом по всему периметру стен. Соединенные по граням пластины образуют коробку с дополнительными вертикальными перегородками и горизонтальными дисками перекрытий. Основание коробки во всех расчетах принималось защемленным. Изгиб пластин не рассматривается.

Разработанная вычислительная программа NDS.FOR предназначена для определения напряженно-деформированного состояния каркасной пространственной модели здания [1]. В результате выполнения программы определяются различные компоненты напряжений в здании под действием статических и динамических, в частности, сейсмических нагрузок. По величине и характеру получаемых напряжений, определяются ослабленные зоны и эффективность работы каркаса. В программу заложен численный метод конечных элементов, позволяющий учитывать конструктивные особенности и различную степень конечно-элементной дискретизации.


Результаты работы программы продемонстрированы на примере расчета пространственной модели постройки с квадратным планом, в которой две противоположные панели усилены каркасом. Анализ результатов демонстрирует достоверность работы программы, дающей возможность подобрать геометрию и оптимальную конструкцию каркасного усиления для обеспечения прочности и сейсмостойкости строения.

Предлагаемый пример демонстрирует расчет пространственной модели строения, две противоположные панели которого усилены каркасом. Рассчитываемая модель представлена на рис. 1а, где концы вертикальных стоек каркаса обозначены цифровыми индексами.

Размер модели в плане составляет 4 м x 5 м, высота - 3 м. Эти параметры, а также координаты узловых точек элементов каркаса и физико-механические параметры материалов панелей задаются в подпрограмме исходных данных.

Нагрузка представлена собственным весом, а неравномерное распределение каркаса по периметру позволяет оценить различие вертикальных смещений и полей напряжений в панелях с каркасом и без него. Тем самым сделать вывод об эффективности установки каркаса и, при необходимости, скорректировать его конструкцию, расположение и геометрические параметры сечений.

Для расчета напряженно-деформированного состояния представленной модели (рис. 1а,б) применен метод конечных элементов с дискретизацией панелей плоскими прямоугольными элементами, а каркаса – балочными.



**Рис.1. Исходная (а) и конечно-элементная дискретизация (б) модели**


Применение процедуры МКЭ сводит задачу о напряженно-деформированном состоянии рассматриваемой модели к системе линейных алгебраических уравнений, решение которой определяет перемещения узлов, затем деформации и, наконец, компоненты напряжений. Такая процедура применена при создании предлагаемой программы.

В ходе выполнения программы на первом ее шаге вводятся геометрические параметры, нумеруются узлы исходной модели строения (рис.1а). Здесь вертикальный каркас учитывается только на фасадной и задней панели. А такие же по геометрическим параметрам боковые панели не содержат каркасных балок. Тем самым автор ставит своей целью показать влияние каркаса на напряженно-деформированное состояние различных панелей строения при воздействии на них одинаковой нагрузки. После произведенной разбивки исходной модели на конечные элементы (2-шаг) получается дискретная модель строения с каркасом, показанная на рис.1б.

Далее по известным формулам метода конечных элементов определяются элементарные матрицы и задаваемая нагрузка на узлы (3-шаг) и формируются общие матрицы жесткости и массы (4-шаг). На 5 шаге определяются перемещения узлов и по найденным перемещениям - напряженно-деформированное состояние модели (6-шаг).


В данном примере получены вертикальные перемещения узлов строения (рис.2) и эквивалентные напряжения  $\sigma_{экв}$  (рис.3), по которым определяется возможность перехода той или иной части постройки в область пластических деформаций (7-шаг). Действующая нагрузка в данном примере представлена собственным весом. Результаты, полученные по разработанной программе, представлены на рис.2 и рис.3.

1 000-05  
 2 000-05  
 3 000-05  
 4 000-04  
 5 000-04  
 6 000-04  
 7 100-04  
 8 400-04  
 9 700-04  
 Max = 0 000+00  
 Min = 0 000-04



**Рис.2. Распределение изолиний вертикальных перемещений модели**

1 0.0000 0.0000 0.0000  
 2 0.0000 0.0000 0.0000  
 3 0.0000 0.0000 0.0000  
 4 0.0000 0.0000 0.0000  
 5 0.0000 0.0000 0.0000  
 6 0.0000 0.0000 0.0000  
 7 0.0000 0.0000 0.0000  
 8 0.0000 0.0000 0.0000  
 9 0.0000 0.0000 0.0000  
 10 0.0000 0.0000 0.0000  
 11 0.0000 0.0000 0.0000  
 12 0.0000 0.0000 0.0000  
 13 0.0000 0.0000 0.0000  
 14 0.0000 0.0000 0.0000  
 15 0.0000 0.0000 0.0000  
 16 0.0000 0.0000 0.0000  
 17 0.0000 0.0000 0.0000  
 18 0.0000 0.0000 0.0000  
 19 0.0000 0.0000 0.0000  
 20 0.0000 0.0000 0.0000  
 21 0.0000 0.0000 0.0000  
 22 0.0000 0.0000 0.0000  
 23 0.0000 0.0000 0.0000  
 24 0.0000 0.0000 0.0000  
 25 0.0000 0.0000 0.0000  
 26 0.0000 0.0000 0.0000  
 27 0.0000 0.0000 0.0000  
 28 0.0000 0.0000 0.0000  
 29 0.0000 0.0000 0.0000  
 30 0.0000 0.0000 0.0000  
 31 0.0000 0.0000 0.0000  
 32 0.0000 0.0000 0.0000  
 33 0.0000 0.0000 0.0000  
 34 0.0000 0.0000 0.0000  
 35 0.0000 0.0000 0.0000  
 36 0.0000 0.0000 0.0000  
 37 0.0000 0.0000 0.0000  
 38 0.0000 0.0000 0.0000  
 39 0.0000 0.0000 0.0000  
 40 0.0000 0.0000 0.0000  
 41 0.0000 0.0000 0.0000  
 42 0.0000 0.0000 0.0000  
 43 0.0000 0.0000 0.0000  
 44 0.0000 0.0000 0.0000  
 45 0.0000 0.0000 0.0000  
 46 0.0000 0.0000 0.0000  
 47 0.0000 0.0000 0.0000  
 48 0.0000 0.0000 0.0000  
 49 0.0000 0.0000 0.0000  
 50 0.0000 0.0000 0.0000  
 51 0.0000 0.0000 0.0000  
 52 0.0000 0.0000 0.0000  
 53 0.0000 0.0000 0.0000  
 54 0.0000 0.0000 0.0000  
 55 0.0000 0.0000 0.0000  
 56 0.0000 0.0000 0.0000  
 57 0.0000 0.0000 0.0000  
 58 0.0000 0.0000 0.0000  
 59 0.0000 0.0000 0.0000  
 60 0.0000 0.0000 0.0000  
 61 0.0000 0.0000 0.0000  
 62 0.0000 0.0000 0.0000  
 63 0.0000 0.0000 0.0000  
 64 0.0000 0.0000 0.0000  
 65 0.0000 0.0000 0.0000  
 66 0.0000 0.0000 0.0000  
 67 0.0000 0.0000 0.0000  
 68 0.0000 0.0000 0.0000  
 69 0.0000 0.0000 0.0000  
 70 0.0000 0.0000 0.0000  
 71 0.0000 0.0000 0.0000  
 72 0.0000 0.0000 0.0000  
 73 0.0000 0.0000 0.0000  
 74 0.0000 0.0000 0.0000  
 75 0.0000 0.0000 0.0000  
 76 0.0000 0.0000 0.0000  
 77 0.0000 0.0000 0.0000  
 78 0.0000 0.0000 0.0000  
 79 0.0000 0.0000 0.0000  
 80 0.0000 0.0000 0.0000  
 81 0.0000 0.0000 0.0000  
 82 0.0000 0.0000 0.0000  
 83 0.0000 0.0000 0.0000  
 84 0.0000 0.0000 0.0000  
 85 0.0000 0.0000 0.0000  
 86 0.0000 0.0000 0.0000  
 87 0.0000 0.0000 0.0000  
 88 0.0000 0.0000 0.0000  
 89 0.0000 0.0000 0.0000  
 90 0.0000 0.0000 0.0000  
 91 0.0000 0.0000 0.0000  
 92 0.0000 0.0000 0.0000  
 93 0.0000 0.0000 0.0000  
 94 0.0000 0.0000 0.0000  
 95 0.0000 0.0000 0.0000  
 96 0.0000 0.0000 0.0000  
 97 0.0000 0.0000 0.0000  
 98 0.0000 0.0000 0.0000  
 99 0.0000 0.0000 0.0000  
 100 0.0000 0.0000 0.0000  
 Max=+4.85E-02  
 Min=-1.57E-04



**Рис.3. Распределение изолиний эквивалентных напряжений в стенах постройки**

Результаты, полученные по разработанной программе, показывают, что боковые панели, не усиленные каркасом, испытывают неравномерное сжатие (рис.2) и напряжения (рис.3), способные вызвать в них значительное деформирование, особенно вблизи фундамента. Усиление же панелей каркасом равномерно распределяет в них уровень напряжений, снижая его максимум.

**Выводы.** Полученные результаты показали, что усиление панелей каркасом равномерно распределяет в них уровень напряжений и снижает его максимум.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. №DGU 04072 Авторское свидетельство для ЭВМ / С.А.Холмирзаев, С.Ж. Раззаков, заявитель и патентобладатель Наманганский инженерно-педагогический институт. - № 2016 0555; заявл. 10.10.2016. - Ташкент

### АНАЛИЗ РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В ЗАКАМСКОМ РЕГИОНЕ РФ НА ПРИМЕРЕ Г. НАБЕРЕЖНЫЕ ЧЕЛНЫ

*проф. Ганиев М.М.*

*(Набережночелнинский институт  
Казанского федерального университета)*

Нововведения в строительной сфере являются составной частью инновационной деятельности: объект недвижимости, возведенный с применением новых материалов или с использованием новой технологии, является такой же инновацией, как и новые модели станков, приборов и другие изобретения. Инновации в строительстве, востребованные рынком, являются результатом интеллектуальной деятельности человека, творческого его процесса, открытий, изобретений и рационализаций.

Строительство безусловно нуждается в постоянном внедрении новых технологий, так как в современном мире темпы развития строительства очень велики, а устаревшие технологии и методы уже не справляются с поставленными временем задачами. Нововведения в процессе строительства становятся инновацией только тогда, когда человеческий труд исключается по максимуму. А это требует иного технического оснащения, что для

строительных компаний зачастую не всегда посильно.

Так, г. Набережные Челны, планирующий 13 декабря текущего года в масштабе всей страны широко отметить 50-летний юбилей начала строительства Камского автогиганта - КамАЗа, по масштабам и мощности которому не было равных в мировой практике, стал стартовой площадкой по внедрению новых технологий, материалов, оборудования и механизмов, имеющихся в стране к тому времени, в том числе с применением передовых зарубежных аналогов.

Одновременно со строительством комплекса крупнейших заводов за кратчайший срок был построен город с населением более полумиллиона жителей, оснащенной современной инфраструктурой того времени.

Тогда огромное внимание уделялось на подготовку кадров рабочих профессий и ИТР на местах, итогом потребности было создание нашего института. К примеру, к обучению инженеров-строителей взяли такие опытные руководители стройки, как директор домостроительного комбината, впоследствии преподаватель, профессор инженерно-строительного факультета нашего института Марат Бибишев, который впервые в строительстве многоэтажных домов массово начал применять фундаменты в вытрамбованных скважинах. Замена в полносборном крупнопанельном домостроении сварочных работ неразъемными болтовыми соединениями позволила в разы снизить сроки строительства. Эта инновация помогла вывести строения на новый уровень бизнес-класса.

А монолитно-каркасное строительство, которое взяло начало с площадки строительства города – это создание единой цельной устойчивой конструкции. С помощью данного способа строительства возведены и создаются здания с большим сроком службы, с облегченными конструкциями. Строительство стало возможным в короткие сроки за счёт возведения монолитного бетонного каркаса с использованием съёмной опалубки с применением технологий по ускорению набора соответствующей прочности бетонных конструкций. Этот метод сейчас используют очень многие строительные компании города. Так же инновацией является совмещение заводских сборных конструкций с монолитным домостроением, которое обеспечило более высокого качества и снижение сроков строительства при меньших счёт использования стеновых панелей и других заводских заготовок, опираясь на монолитный каркас. Так же настоящими инновациями являются экологические решения. Наличие в составе инженерно-строительного отделения двух высоко оснащенных кафедр «Химии и экологии» и «Промышленного, гражданского строительства» дает широкий спектр работ по научно-техническим исследованиям.

Инженерно-строительное отделение НЧИ КФУ является убеждённым приверженцем наиболее оперативного внедрения и апробации актуальных на рынке строительной индустрии технологических решений непосредственно в образовательном процессе. Обучающиеся высоко оценивают современные программные продукты и технологии, применяя во время занятий и при самостоятельной работе возможности интерактивного взаимодействия с



Применение виртуальной модели строительного объекта с применением Паспорта элемента, позволяет реализовать инновационную концепцию «Наряд на завтра» обеспеченного всем участникам строительства прогнозируемый конкретный объём работ на «завтра». Этот «Наряд» может быть единственным или являться частью «Аккордного наряда на такие же идентичные работы». У каждого Наряда имеется конкретный Исполнитель. Наряд имеет два раздела – «наряд на производство» и конкретный «нормативный блок».

А это даёт возможность качественно модифицировать всё строительное производство, сформировать конкурентные рыночные отношения, внедрить поэлементный контроль расходования средств и сформировать плацдарм инновационного развития всей индустрии.

### **КИЧИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДАГИ ИККИЛАМЧИ ЭНЕРГИЯДАН ТЕЖАМКОР ФЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.**

*т.ф.н., доц. Н.Ходжиев., т.ф.ф.д., PhD Ш.Жураев,  
ўқитувчи К.Қурбонов (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)*


***Аннотация:** Наманган вилояти иқлим шароити учун иккиламчи энергия сифатида қайта фойдаланиш имкониятлари, иссиқлик алмаштиргич қурилмасининг элементи сифатида метал қувур учун қобиргани қувур ичига жойлаштирилишидан иборат.*

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш, шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида ҳамда ижтимоий ҳаётда фойдаланиш учун етарли миқдорда энергия ресурсларига эга [1]. Ҳозирги кунда энергетика ресурслари ишлаб чиқариш ҳажми ички талабдан 15–20 фоиздан ортиқни ташкил қилмоқда. Натижада ёқилғи-энергетика комплексини тез ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг базавий соҳаси ҳисобланади ва муайян ишлаб чиқариш ва илмий-техник манбаига эга бўлиб, унинг ривожланишига салмоқли таъсир кўрсатади [5].

Шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистондаги энергия ресурсларининг умумий истеъмол баланси охириги ўн йилликда табиий газ 84–87 фоиз, мазут — 11–8 фоиз ва кўмир — 3,5–4,4 фоизни ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики, ёқилғи энергетика баланси шаклида энергетика хавфсизлиги талабларига оптимал жавоб бермайди. Маълумки, нефть ва газ захиралари бошқа давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам камайиб бормоқда, у бир неча ўн йилликларга, шу билан бирга кўмир захираси 250 йилдан кўпроқ муддатга етиши мумкин. Шундан хулоса қилиб, бугунги кўмирнинг Ўзбекистон энергетикасидаги роли пастлигини ҳисобга олган ҳолда уни ошириш учун фаоллик кўрсатиш зарур[2].

Ҳозирги кунда мавжуд кичик ишлаб чиқариш корхоналаридаги мўридан чиқаётган иссиқлик энергиясидан самарали фойдаланиш учун

қуйидаги тажриба қурилмаси яратилди. Тажриба қурилмасини "Муҳандислик коммуникациялари қурилиши" кафедрасига қарашли лаборатория хонасида тайёрланди.



**1-расм. Тажриба қурилмасининг тузилиши.**

1. Ички қобирғали қувур 2. Қобирғасиз қувур 3. Ёғочдан тайёрланган махсус каркас 4. Уголник 5. Пўлат стерженли тортқич 6. Хомут 7. Ёғочдан тайёрланган остки ва устки таянчлар. [6].








Штангенциркуль билан қувур намунани ҳар бир қисмини: қувурнинг ташқи ва ички диаметри, қувур қалинлиги ва қувур қобирғасининг эни ва бўйининг қалинлиги бўйича 5та қисмидан ўлчанади ( $d_1, d_2, d_3, d_4, d_5; t_1, t_2, t_3, t_4, t_5; b_1, b_2, b_3, b_4, b_5$ ) ҳар бир ёғининг ўртача арифметик қиймати сўнги натижа сифатида қабул қилинади [3].

$$d_{\text{ўр}} = \frac{d_1 + d_2 + d_3 + d_4 + d_5}{5} \text{ см}; \quad (1)$$

Бу ерда,  $d_{\text{ўр}}, t_{\text{ўр}}, b_{\text{ўр}}$ - намуна ўлчамларининг ўртача қийматлари, м.

Намуна қувурини штангенциркуль ёрдамида ўлчаш ишлари натижалари



Қурилманинг деталларининг эскиз кўриниши	1-натижа (см)	2-натижа (см)	3-натижа (см)	4-натижа (см)	5-натижа (см)	Ўртача натижа (см)
Қувур ички диаметри (см) 	5,2	5,25	5,16	5,18	5,2	5,2
Қувур қобирғасининг қалинлиги (пластина) (см) 	0,21	0,22	0,19	0,20	0,17	0,2
Қувур қобирғасини бўйи (пластина) (см) 	1,4	1,47	1,49	1,43	1,41	1,44
Қувур қалинлиги (см) 	0,2	0,22	0,2	0,24	0,23	0,218
Қувурнинг ташқи диаметри (см) 	5,71	5,67	5,68	5,65	5,67	5,676
						
2-расм. Қобирғасиз қувурни юзасини аниқлаш.	3-расм. Қобирғали қувурни юзасини аниқлаш.					

$$S_1 = \frac{\pi d^2}{4} \quad (2)$$

бу ерда,  $S_1$ -қобирғасиз қувурнинг юзаси (2-расм),  $\Pi=3,14$ ,  $d$ - қувурнинг ички диаметри, см;

$$S_1 = \frac{\pi d^2}{4} = \frac{3,14 \cdot 5,2^2}{4} = 21,23 \text{ см}^2$$

$S_2 = (S_1 - 4 \cdot ab)$  Бу ерда,  $S_2$ -қобирғали қувурнинг юзаси,

$S_1$ - қобирғасиз қувурнинг юзаси,  $a$ - қувур қобирғасини бўйи (пластина),

$b$ - Қувур қобирғасининг қалинлиги (пластина), см (3-расм);

$$S_2 = (S_1 - 4 \cdot ab) = 21,23 - 4 \cdot 1,44 \cdot 0,2 = 21,23 - 1,152 = 20,078 \text{ см}^2$$

Қобирғасиз ва қобирғали қувурларнинг сув сиғими фарқи.

$$A\% = \frac{S_1 - S_2}{S_1} \cdot 100 = \frac{21,23 - 20,078}{21,23} \cdot 100 = 5,4\%$$

Бундан кўришиб турибдики қобирғасиз қувур ичига қобирғаликка нисбатан 5,4% кўпроқ сув сиғар экан.

Иссиқлик ташувчининг қувурга нисбатан ишқаланиш юзаси.

$$F_1 = \pi d \quad (3)$$

Бу ерда,  $F_1$ - қобирғасиз қувурнинг ишқаланиш юзаси,

$\Pi=3,14$ ,  $d$ -қобирғасиз қувурнинг ички диаметри;

$$F_1 = \pi d = 3,14 \cdot 5,2 = 16,3 \text{ Иссиқлик ташувчининг мураккаб кесим}$$

бўйлаб ишқаланиш юзаси.  $F_2 = (\pi d + (2a + b) \cdot 4 - 4b)$  Бу ерда,  $F_2$ - қобирғали қувурнинг ишқаланиш юзаси,  $\Pi=3,14$ ,  $d$ -қобирғали қувурнинг ички диаметри; ,  $a$ - қувур қобирғасини бўйи (пластина),  $b$ - Қувур қобирғасининг қалинлиги (пластина), см;

$$F_2 = (\pi d + (2a + b) \cdot 4 - 4b) = (16,3 + (2 \cdot 1,44 + 0,2) \cdot 4 - 4 \cdot 0,2) = 27,82$$

Икки кесим юза бўйича фарқлари.

$$B\% = \frac{F_2 - F_1}{F_1} \cdot 100 = \frac{27,82 - 16,3}{16,3} \cdot 100 = 70,67\%$$

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Жойларда якка тартибда уй жойлар қуриш ишлари учун керак бўлган ғиштни пишириш жараёнларида ҳосил бўладиган иссиқ тутунлар атмосферага беҳуда чиқиб кетаётган иссиқлик энергиясидан иккиламчи энергия сифатидан фойдаланиш учун имкон берувчи махсус қурилманинг конструкцияси ишлаб чиқилди ва конструкция мўрининг горизонтал қисмида ўрнатиш белгиланди [4].

Қурилмани форфор буюм ва ғишт ишлаб чиқариш корхоналарининг технологик жараёнлари ажралиб чиқадиган иссиқлик энергиясидан иккиламчи энергия сифатида қайта фойдаланишни саноат миқёсида йўлга қўйилиши натижасида кўплаб иссиқлик энергиясини тежаш ҳисобига арзон иссиқ сув ишлаб чиқариш мумкинлиги ҳисобларда ўз аксини топди.

Таклиф этилаётган махсус қурилмага энг кам ўзгартиришлар киритилиб нафақат форфор буюмлар ва ғишт ишлаб чиқариш технологик жараёнларида, балки ундан қишқи мавсумда турар жой ва саноат биноларини иссиқлик билан таъминлашда ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шодиметов К., “Муқобил энергия манбалари ва улардан фойдаланишнинг афзалликлари”, “Адолат» газетаси”, 2011 й. 15 июль № 30.
2. “Жамият” газетаси, “Муқобил энергия манбалари: тараққиёт ва экологик хавфсизлик омили”, 2011 й. 5 август № 30.
3. Қудратов С., “Қайта тикланувчи энергия манбалари”, “Адолат” газетаси, 2011 й. 5 август. № 33.
4. ҚМҚ 2.04.07-96 “Иссиқлик тармоқлари” Ўзбекистон Республикаси Давлатархитектурақурилишқўмитаси. Т.: 1996 йил.64 бет.
5. Jurayev Sh. Determination of water permeability of local ground in field conditions// Indo - Asian Journal of Multidisciplinary Research, 2019, 5(1): - Pp.1592 – 1596.
6. Ходжиев Н.Р, Қурбонов К.М. «Фойдаланилган энергиядан иккиламчи энергия сифатида фойдаланиш учун яратилган қурилмани такомиллаштириш усуллари тадқиқ қилиш» // «Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши» журнали., Тошкент: 02.03. 2014 й. 41-42 бетлар.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲУДУДИДАГИ СУВ САҚЛАШ СИҒИМЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИ ЖАРАЁНИДАГИ ТАННАРХИ ТАҲЛИЛИ

*т.ф.д.,проф. А.Арифжанов  
(Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш муҳандислари институти),  
PhD Ш.Жураев, ўқитувчи М.Юлдашев  
(Наманган муҳандислик-қурилиш институти)*


***Аннотация:** Қурилишда маблағни иқтисод қилиш энг долзарб муаммолардан ҳисобланиб, ҳалқ хўжалиги тармоқининг ялпи материал ишлаб чиқариш маҳсулоти ҳажмининг учдан бир қисмини истеъмол қилади. Сув сақлаш ҳовузларидаги фильтрация жараёнининг камайириши учун сарфланадиган маблағни тежаши техник, ташкилий, иқтисодий омиллардан ва илмий – техник тараққиётнинг жадаллашувидан ва энергиятежамкор маҳсулотлардан комплекс фойдаланилгандагина ҳал қилиши мумкин.*

Ҳозирги кунда Мустақил Ўзбекистонда қурилиш соҳаси кенг қўламда ривожланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизни ўлкан қурилиш майдонига таққослаш мумкин. Сув сақлаш ҳовузлари, бино ва иншоотлар асосан индивидуал лойиха асосида қурилмоқда ва бунда янги меъморий ечимдаги қурилмалар қўлланилмоқда[1].


Ҳозирги кунда вилоятимизда ҳар бир таълим масканларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хажми 50 м<sup>3</sup>, 100 м<sup>3</sup> ва 150 м<sup>3</sup> булган

сув сақлаш сиғимлари қурилди, ва мажуд бўлганлари таъмирланди. Жумладан ушбу ёнғинга қарши сиғимларни 70 % - 100 м<sup>3</sup> га, 20 % - 150 м<sup>3</sup> га ва 10 %и -50 м<sup>3</sup> хажмли сув сиғимларига мос келади.

Сув сақлаш сиғимларини таннархини ҳисоблашда қурилиш объекти жойлашган ҳудуд ва у жойлашган ҳудудга қурилиш материаллари ва машина - механизмларни ни етказиб бериш асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Жумладан Наманган шаҳри ва Турақурғон, Уйчи ва Учқурғон туманларида жойлашган объектлар қурилиш материаллари ва машина – механизмларни етказиб бориш энг қулай бўлган ҳудуд ҳисобланади [2].



1-Расм. Наманган вилоятидаги таълим муассасаларида қурилган сув сақлаш сиғимлари миқдори гистограммаси.




2-расм Объектнинг кийматини бажарилган иш турлари бўйича тақсимланиши.

Наманган шаҳрида ва Тўрақурғон, Уйчи туманларида маҳаллий тош қарьерларида тошларни майдалаб фракцияли шағал ва майдаланган йирик қум ишлаб чиқарувчи тош тегирмонлари мавжуд, шунингдек йиғма темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқарувчи кўплаб корхона ва ташкилотлар мавжуд ва улардан қурилиш объектларига конструкцияларни ташиб бориш таннархи арзон тушади. Худди шу ҳудудларда теъмир йул станциялари ўтган булиб у ерда цемент, арматураларни ва гидроизоляция материалларини қабул қилиш омборлари мавжуд. Қурилишда ишлайдиган машина ва механизми булган корхона ва ташкилотлар юқорида қайд этилган ҳудудларда жойлашган.

Наманган вилояти марказидан узоқда жойлашган тоғли ва бориш қийин бўлаган ҳудудларда ҳам мактаб, коллежлар қурилди. Жумладан Поп туман Камчик девонига бошланишида жойлашган аҳолиси зич бўлган Чодак ҚФЙ,

Чоркесар ва Уйғурсой ҚФЙ, Янгикургон туманидаги Нанай, Парамон ҚФЙ, Чортоқ туманидаги Хазратишоҳ ва Балиқкул ҚФЙ худудларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Ушбу худудларга қурилиш конструкциялари ва материалларини ташиб бориш машина - механизмларни етказиб бориш объект таннархини 30-45 % га ортиб кетишига олиб боради [3].

Наманган вилоятида ҳажми 100 м<sup>3</sup> бўлган ёнғинга қарши сув сиғимини қуриш таннархи умумий ҳисобда ўртача 12-13 миллион сўм атрофида бўлади. Бу иншоотни қуриш жараёнида таннархини иш турлари бўйича тақсимлаганимизда ( 2 – расм ) бўйича кўринишга эга бўлади. Локал пешҳисоб бўйича таннархи 8,5 миллион сўм бўлади.




3-расм Объектни қуришда меҳнат сарфини тақсимланишда одам сони 362 одам -соатни ташкил қилди. Бажариладиган иш турлари бўйича меҳнат сарфини тақсимлаганимизда пойдевор ва девор ишлари умумий меҳнат сарфини 75 % ини ташкил қилди. Бунга сабаб пойдевор ва девор ишлари монолит бетондан тайёрланганлиги сабабли қўл меҳнати сарфи бошқа иш турларига нисбатан кўп бўлмоқда.

Ҳажми 100 м<sup>3</sup> сув сақлаш сиғимларининг қуришдаги умумий таннархини ишлатилган ресурслар бўйича таҳлил қилганимизда, энг катта харажат ишлатиладиган қурилиш материаллари ва йиғма темир-бетон конструкцияларига сарф бўлди. У умумий таннархнинг 87 %ини ташкил қилди. Ишчиларни иш ҳаққига тўланадиган харажат умумий таннархнинг 9 % ини ташкил қилмоқда. Энг кам харажат ишлатиладиган машина ва механизмлар учун сарф қилиниб у жами харажатнинг 4%ини ташкил қилди.

Ораёлма монтажи ва зина ўрнатиш ишларида йиғма темир-бетон конструкция қўлланилганлиги сабабли меҳнат сарфи умумий меҳнат сарфини 6 % ини ташкил этган.

Юқорида олинган натижаларни таҳлил қилар эканмиз қўйидаги умумий хулосага эга бўламиз.

1. Вилоятимида энг кўп қўланиладиган сув сақлаш сиғимлари, бу ҳажми 100м<sup>3</sup> иншоотлар ҳисобланади (1-расм). Ҳажми юқорида келтирилган ушбу сув сақлаш сиғимлари устида тадқиқот олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.



4-расм. Объектни қуришдаги қиймати унга сарфланадиган қурилиш материаллари, машина, механизм ва иш хакилари буйича тақсимланиш гистограммаси

2. Сув сақлаш сифимларини қуришда бажариладиган иш турлари буйича энг кўп талаб этадиган меҳнат сарфи, бу пойдевор ва девор ишлари бўлиб у умумий меҳнат сарфининг 75% и ёки 271 одам-соатдан иборат бўлди (3-расм). Бу иш турида кўл меҳнати кўп талаб қилади ва бажариладиган ишни механизациялаш орқали меҳнат сарфини камайтириш ва объектни қисқа муддатда топшириш имкониятига эга бўламиз.

3. Объектни таннархини ишлатиладиган ресурслар буйича таҳлил қилганимизда ишлатиладиган қурилиш материаллари ва йиғма темир-бетон конструкцияларига умумий таннархнинг 87 %ини ташкил қилди (4-расм). Маҳаллий қурилиш матерималларини ишлатиш орқали умумий таннархини камайтиришга эришиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Арифжанов А., Жураев Ш. Значение бентонита в изучении процесса фильтрации в гидротехнических сооружениях// Республика илмий-амалий конференцияси. Наманган 2013. –Б.146-148.
2. Арифжанов А., Жураев Ш. Определение водопроницаемости местных грунтов в полевых условиях// НамМТИ илмий техника журнали Наманган 2019. -№ 1. –Б.113-117.
3. Jurayev Sh. Determination of water permeability of local ground in field conditions// Indo - Asian Journal of Multidisciplinary Research, 2019, 5(1): - Pp.1592 – 1596.

#### ТУПРОҚ ЎЗАНЛИ КАНАЛЛАРДА ФИЛЬТРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

*т.ф.д.,проф. А.Арифжанов  
(Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
меҳанизациялаш муҳандислари институти),  
PhD Ш.Жураев, катта ўқитувчи Т.Қосимов  
(Наманган муҳандислик-қурилиш институти)*

**Аннотация:** Тупроқ ўзанли каналларда фильтрация сарфини назарий таҳлили ва мавжуд келтирилган формулалардан тўғри фойдаланиш назарий гидравлик жиҳатдан хулоса бериш имкониятини яратади.

Тупроқ ўзанли каналларда филтрация жараёнини ўрганиш ва уни камайтириш бўйича бир қанча олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Кўп ҳолатларда филтрация жараёнини камайтириш учун қўлланиладиган кўплаб кўрилган чора тадбирларнинг самараси пасайиб кетмоқда. Бунинг асосий сабаби кўп йиллик эксплуатация давомида оқим ҳаракатининг динамикаси, каналларнинг гидравлик ва гидрологик режимининг ўзгарганлиги туфайли юзага келмоқда. Бугунги кунга келиб эса филтрация сарфини аниқлаш, унинг миқдорини камайтириш бўйича самарали, кам харажат усуллардан фойдаланиш давр талаби бўлиб қолмоқда[1].

Каналларда содир бўладиган филтрация жараёнини Н.Н. Павловский, А.Н. Костяков, С.Ф. Аверьянов, Н.Н. Веригин, А.Я. Олейник ва бошқа олимларни келтириш мумкин.

Каналларда филтрация жараёни натижасида фойдасиз сув йўқолишлар содир бўлиши, грунт сувлари сатҳининг кўтарилиши, худудларни сув босиши ва ботқоқланиши, тупроқ шўрланиши, авариялик ҳолатларни вужудга келтириши мумкин. Ушбу ҳодисаларни рўй бериши орқали каналларнинг ФИК ни камайиб кетиши, зовур тизимларини лойиҳалаштиришини ва зовур сувларни олиб чиқиб кетишни талаб этиши, ўзлартирилиши мумкин бўлган қишлоқ хўжалиги ерларни фойдаланиш имконини тўхтатилиши, тупроқларни деградациясини рўй бериши ва каналнинг баъзи участкалардаги қирғоқларини ювилишига олиб келади келишини алоҳида эътироф этиш лозим[2].

Каналларда филтрация сарфини аниқлаш учун бир неча методлар мавжуд бўлиб, бу формулаларни қуйида кўриб чиқамиз.

Қопламасиз каналларда ва суғориш тизимларида асосий филтрация хисобини бажариш учун бир қатор боғлиқликлар мавжуд. Бу боғлиқликлар бир жинсли ва изотроп грунтлар учун филтрация Дарси қонуни бўйича олинган. Қуйидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳамма ҳолатлар учун каналлар ва суғориш тизимларида депрессиялик эгри чизиғи ёки унинг эгрилигини ҳосил қилувчи нукталарини ва унда булаётган филтрация сарфини аниқлаш мумкин. Бунда тизимнинг 1 пог.м узунликдаги филтрация сарфи ( $q$ ) ва грунтнинг филтрация коэффициент ( $k$ ) ни аниқлашдан иборат. Каналларда бўладиган филтрация сарфини аниқлаш қуйидаги кўринишга эга:

$$Q = k_f \cdot q_{\text{ч}} \cdot L \quad (1)$$

$q_{\text{ч}}$  - нисбий филтрация сарфи;  $L$  - каналнинг узунлиги;  $k_f$  - филтрация коэффициент.

Қуйида келтирилган формулалар бир жинсли ва изотроп грунтлардан ташқари бир жинсли анизотроп грунтлар учун ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда филтрация коэффициенти горизонтал йуналиши бўйича  $\kappa_2$  ва вертикал йуналиш бўйича  $\kappa_6$  га тенг. Бунинг учун ушбу анизотроп қисмини горизонтал катталиклари  $\sqrt{\frac{\kappa_6}{\kappa_2}}$  га ошириш керак. Анизотроп грунтлар учун

фильтрация сарфи куйидаги формула оркали аниқланиши мумкин[3]:

$$Q = \sqrt{k_B \cdot k_r \cdot q_c} \cdot L \quad (2)$$

Доимий ҳаракатдаги, тупроқ ўзанли ўрнатилган эркин сизилишдаги каналлардан сувнинг сизилиш исрофини ҳисоблаш қуйидаги боғланишлар бўйича бажариш лозим:

а) полигонал ва парабола шаклидаги каналлар учун:

$$Q_f = 0,0116 \cdot k_f \cdot (B + 2h) \quad (3)$$

б) трапеция шаклидаги  $\frac{b}{h} < 4$  да бўлган каналлар учун:  $Q_f = 0,0116 \cdot k_f \cdot \mu \cdot (B + 2h)$  (4)

$\frac{b}{h} > 4$  дан бўлса,  $Q_f = 0,0116 \cdot k_f \cdot \mu \cdot (B + A \cdot h)$  (5)

бу ерда:  $Q_f$  - 1 км каналнинг узунлигида сизиш исрофи сув сарфи,  $\frac{м^3}{с}$ ;  $k_f$  - каналнинг пастидаги замин тупроқнинг сизилиш коэффиценти,  $\frac{м}{сутка}$ ;

$B$  - каналнинг сув кесими бўйича кенглиги, м;  $b$  - канал тунинг эни, м;  $h$  - оқим чуқурлиги чуқурлиги, м.  $\mu$  ва  $A$  – коэффицентлар.

Агар асоси кўп қаватли бўлса сизилиш коэффицентини қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:

$$k_f = \frac{t_1 + t_2 + \dots + t_n}{\frac{t_1}{k_1} + \frac{t_2}{k_2} + \dots + \frac{t_n}{k_n}} \quad (6)$$

бу ерда:  $t_1 \dots t_n$  - қатламлар қалинлиги, м;  $k_1 \dots k_n$  - замин тупроқ қатламининг сизилиш коэффиценти,  $\frac{м}{сутка}$ .

Қопланган каналлардан сизишлар исрофини, 1 км га  $\frac{м^3}{с}$ , ҳисоблашни, таги ва қияликларни бир хил қалинликдаги қоплама билан қопланганда ва ўрнатилган эркин сизилишда қуйидаги формула бўйича аниқлаш тавсия қилинади:

$$Q_f = 0,0116 \cdot \frac{k_s}{t} \cdot \left[ b \cdot (h + t) + 2h \cdot \left( \frac{h}{2} + \frac{mt}{\sqrt{1 + m^2}} \right) \right] \cdot \sqrt{1 + m^2} \quad (7)$$

бу ерда:  $k_s$  - парданинг (тўсиқнинг) сизилиш коэффиценти,  $\frac{м}{сутка}$ ;

$t$  – қоплама қалинлиги, м;  $b$  – каналнинг ости кенглиги, м;

$h$  - ҳисобий сув сарфда, каналнинг тўлдирилиш чуқурлиги, м;

$m$  – қиялик коэффиценти.

Тўсилган сизилишнинг исрофини  $Q_n = f Q_f$  га боғлиқ равишда қабул қилиш мумкин [4]:

бу ерда:  $Q_f$  - сувнинг тупроқга эркин сизилиши вақтида сизилиш исрофи,  $\frac{м^3}{с}$ .

Каналда чекланган фильтрация сарфи (1-расм) қуйидаги формула оркали ифодалаш мумкин:




$$Q_f = \frac{2T \cdot (H_2 - H_1)}{\Delta L + \sqrt{\pi a t}} \quad (8)$$

бу ерда:  $T$ -қатламнинг сув ўтказувчанлиги ( $T=Kh_s$ , м /сут;  $h_s$ -грунт сувларининг қатлами, м;  $H_2$ -қаттиқ қатламдан канал сувли юзасигача бўлган сатх, м;  $H_1$ -канал пастги қисмидаги грунт сувлари оқимининг қатлами, м;  $\Delta L$ -канал тубидаги қўшимча қаршилик қиймати, м;  $a$ -грунтнинг сув ўтказувчанлик даражаси, м<sup>2</sup>/сут;  $t$ -ўрганилаётган объектнинг бир йилдаги ишлаш вақти, сутка.

Канал тубидаги қўшимча қаршилик қиймати қуйидагича аниқланади:

$$\Delta L = m \cdot cth \frac{0.5 \cdot B_p}{m} \quad (9)$$

бу ерда:  $m$ -каналнинг қиялик коэффиценти;  $cth$ -гиперболик тангенс. Ҳисоблаш учун қуйидаги ҳисоб схемасини қабул қиламиз:



Фильтрация сарфини аниқлашнинг ҳисоб схемаси

Каналда ярим чекланган фильтрация сарфи қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$Q_f = \frac{T \cdot (H_2 - H_1)}{\Delta L + l} \cdot \left[ \frac{\Delta L + l}{\Delta L + \sqrt{\pi a t}} + 1 + S_q(\tau) \right] \quad (10)$$

бу ерда:  $l$ -сувли қатламнинг ҳисобий узунлиги, м;  $S_q(\tau)$ -функция (1.2-жадвал).

$$S_q(\tau_2) = 2 \sum_{n=1}^{\infty} e^{-(n\pi)^2 \tau} \quad (11)$$

$\tau$  параметрни қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$\tau = \left[ \frac{\Delta L + \sqrt{\pi a t}}{\sqrt{\pi} \cdot (\Delta L + l)} \right]^2 \quad (12)$$

Каналда чекланмаган фильтрация қиймати қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Q_f = \frac{T \cdot (H_2 - H_1)}{\Delta L + l_1} \cdot \left\{ 1 + S_q(\tau'_2) + \frac{\Delta L + l_1}{\Delta L + l_2} + [1 + S_q(\tau''_2)] \right\} \quad (13)$$

Ҳозирги кунга келиб магистрал каналларда содир бўлаётган

филътрация жараёнини ва унинг натижасида ер ости сувлари сатхининг кўтарилишини ўрганиш энг долзаб муаммога айланиб бормоқда. Айнан бу муаммоларнинг ечими келажакда гидротехник иншоотларни барпо этиш ва уларни эксплуатация қилишда катта аҳамиятга эга. Мавжуд жараёни назарий таҳлил асосидаги гидравлик ҳисоб ишларини тўғри ташкил этиш, филътрация жараёнини камайтириш ва тўғри тавсиялар ишлаб чиқишда ижобий самарадорликка эришиш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Арифжанов А., Ибрагимов Ф., Жураев Ш. Катта Фарғона ва катта Андижон каналларида филътрация сарфини аниқлаш// Республика илмий-амалий конференцияси. Тошкент 2012. –Б.58-63.
2. Арифжанов А., Жураев Ш., Нодиров А. Катта Фарғона каналидаги филътрация жараёнини ўрганишда олиб борилган табиий дала шароитидаги изланишлар таҳлили// Халқаро илмий-техник конференция материаллари Самарканд 2014. –Б.4-8.
3. Арифжанов А., Жураев Ш. Қопламасиз каналлардаги филътрация миқдорини аниқлаш усулubi// Республика илмий-амалий конференцияси. Наманган 2013. –Б.113-115.
4. Жураев Ш., Қосимов Т., Бахритдинов А. Фарғона воийдиси ирригация тизимларида катта Фарғона ва Катта андижон каналларининг аҳамияти// Республика илмий-амалий конференцияси. Наманган 2013. –Б.111-113.

### **Грунтли иншоотлар қурилишида "Грунтдаги девор" усулининг ривожланган давлатлар амалиётида қўлланилиш самарадорлиги.**

*PhD. Ш.Жураев, магистр У.Жўраев, магистр Б.Шаропов  
(Наманган муҳандислик-қурилиш институти)*

***Аннотация:** Гидротехника қурилишида "Грунтдаги девор" усулининг қўлланилиши филътрация жараёнини камайитришда ижобий самарадорликка эришиши имконини беради.*

Филътрацияга қарши қурилмалар грунтли ёки грунтга мос материалдан қурилади. Уларнинг вазифаси тўғон танаси ва замини орқали ўтадиган сувни филътрацияга йўқолишларини камайитириш, гидравлик градиентларни пасайтириш, ҳамда пастки қиялик устиворлигини оширишдир. Уларни қуриш учун оғир соғ тупроқлар, гиллар, гилли бетонлар, бетон ва темир-бетон полиэтилен плёнкалар қўлланилади [1].


Филътрацияга қарши қурилмалар асосан грунтли тўғон турига, тўғон танаси ва заминдаги грунтлар тавсифига, қурилиш жойида кам филътрация коэффициентига эга бўлган грунтлар борлигига, тўғон баландлигига, сув ўтказувчи қатлам қийматига ва ишни бажариш шароитига кўра танланади.

Кўриб чиқилган у ёки бу турдаги филътрацияга қарши қурилмаларни ушбу муайян ҳол учун юқорида келтирилганларни ҳисобга олиб, ҳамда тўғон

танаси вариантларини техник-иқтисодий таққослаш асосида қабул қилинади. Мавжуд технологиялардан "Грунтдаги девор" усули турли хил грунтли ва ер ости иншоотлари, саноат, энергетика ҳамда фуқаролик иншоотларида қўлланилади [1].

"Грунтдаги девор" нинг асосий тамойиллари тупроқдаги, қазиш қудуқлари ва траншеялардаги қазишмаларнинг ривожланиши бўлиб, улар кам сув ўтказувчи ва қурилишнинг мустаҳкамлигини таъминлайдиган маҳаллий хом ашё ва турли хил материаллар билан тўлдирилади [2].

Грунтли иншоотларда асосан "Грунтдаги девор" усули юқори сув ўтказувчанлик хусусиятига эга аллювиал грунтларда филтрацион жараёнларни камайтириш мақсадида химоя элементлари яратиш учун ишлатилган ва бу иншоотдаги тўсиқларда филтрлаш учун анча ишончли химоя тўсиқларини ҳосил қилган. Бу ҳолатда ишлатиладиган хилма-хил материаллар бўйича турли хил яратилиш усуллари қўлланилади. Бентонит гили эритмасининг химояси остидаги траншеялар илгари (фойдаланишнинг дастлабки босқичида) "Драглайн" билан фойдаланилган бўлиб, кейинчалик лойли тупроқ ва юқори даражадаги сув ўтказувчан грунт аралашмалари билан тўлдирилган (гил пропорциялари махсус тадқиқотлар билан аниқланган). Кейинчалик (Касагранда фирмаси (Италия), Бауэр (Германия), Като (Япония), Солетанш (Франция)) томонидан махсус "Грунтдаги девор" ҳосил қилиш учун махсус машиналар ва фойдаланиш учун технологиялар ишлаб чиқарилди. "Грунтдаги девор" нинг тўлдириш материаллари структуранинг мақсадига ва унинг чуқурлигига қараб хилма-хил бўлиши мумкин ва бунда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш иқтисодий самара беради.



1-расм. "Грунтдаги девор" усулини қўлланилиши.

Мисол учун Саоланди тўғонининг танасида жойлашган "Грунтдаги девор" Хуанхе (Хитой) дарёси ўзанида қурилган бўлиб, 154 метр баландликка эга қурилган тўғонда 70 метр чуқурликка эга бўлган бетондан тайёрланган.

"Грунтдаги девор" усули қурилишнинг турли соҳаларида грунтли иншоотларни қуришда фаол қўлланилмоқда. [3].

- саноат соҳасида - кичик туннеллар, саноат биноларнинг пойдевори, чўкма тўплаш хажмлари (лой коллекторлари), кўмилган хажмли иншоотлар ва бошқаларда.

- фуқаролик бинолари соҳасида - ер ости гаражлари, пойдевори, назорат

кудукларида;

- транспорт соҳаси – темир йўл тунеллари, кўприкларда, метро тунелларида, ер ости магистралларида, мостлар тиркаларида;

- гидротехника соҳасида – тўғонларнинг филтрацияга қарши диафрагмаларида, суғориш каналларида, сув босиши мумкин бўлган ҳудудларнинг химоя деворларида, сув қувурлари учун ишлатиладиган насос станциялари ва бошқа шу каби махсус гидротехника иншоотларида [4].

"Грунтдаги девор" усули турли хил муҳандис геологик ва гидрогеологик шароитларда қўлланилганда самарали натижа беради ва кўп ҳолатларда қатлам ғишт деворлари, турли хил бириктиргичлар, сув чиқариш ва музлатиш жараёнларидан фойдаланишдан воз кечиш имкониятини яратади [4].

2. Очик пейзаж расмлар- тасвирий санъатнинг иштироки, аниқ рангтасвир, тушунтириш ашёлари, колорит, ёруғлик ва соя, чизикли ва ҳаволи переспектива.

3. Йил фаслларига қараб ландшафт кўринишини ўзгариши- вақт омилини ҳисобга олиш, фаслларни ўзгариш таъсири: фазовий, эгилувчан, ёруғлик ва парк пейзажларидаги ранглар тавсифи, пластик боғлиқлик, ёруғ-ранг тизими, боғ ва паркларнинг фазовий уч ўлчамли шаклланиши, уни қабул қилиш учун билиш импульсини бериш;

4. Кетма-кетлик- томошабин “расмларни” ташкил этиш кўринишини билиши вақт тизимининг асосий шартларидан биридир.

Статик шаклда устун келадиган сабаблардан бири кўз билан илгашдир, шу сабабли декоратив фавворалар, ҳовузлар, кулчалар ишлатилади. Ҳовузлар сув объектларини ташкил этишдаги таниқли ва машҳур формалардан ҳисобланади. Фавворалар ландшафт композицияларининг олд элементлари кўринишида – энг кўримлилик ва маъсулиятли жойларда жойлаштирилади. Фавворалар парkning, боғнинг, майдоннинг, сквернинг, хиёбонларнинг, пиёда кўчаларининг мунтазам жиҳозидир. У ҳайкалтарошлик асари кўринишда фазовий композиция ёки сув қурилмаси кўринишида ишланиши мумкин. Фаввораннинг ғоялари композицион-бадий ишланиши ижодий масала бўлиб, бунда у турли хилдаги шаклларга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида ландшафт ечимидаги боғ-паркларни лойиҳалашда чет эл ландшафтини ўрганиш ва уни амалиётга тадбиқ қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида айнан тоғ ён бағирларида Гуэл парки тажрибасидаги турли хилдаги дам олиш сайлгоҳларини андоза сифатида олиб қўллаш мумкин. Унда ландшафт кўринишларини амалий равишда қўлласа бўладиган ечимлар мужассамлашган. Ундан ташқари келгусида шаҳарларни тоғли ҳудудларда ташкил қилиб, унинг ён атрофида боғ-парклар ташкил қилиш борасида чет эл тажрибасидан оқилона фойдаланса бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, келгусида тоғли ҳудудларда ҳам шаҳарлар барпо этиб, унинг атрофида боғ-парк тизимини шакллантириш ва унда турли хилдаги дам олиш истироҳат боғларини барпо этса бўлади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси. Тошкент, ТАСИ, 2000.
2. Вергунов А.П. Ландшафтная композиция садов и парков. Под общей ред. М., Стройиздат, 1980.
3. Вергунов А.П. Архитектурно- ландшафтная организация крупного города. Л., Стройиздат, Ленинградское отделение, 1982.
4. Вергунов А.П. и др. Ландшафтное проектирование. М.
5. Горохов В.А., Лунц Л.В. Парки мира М., 1985.

## QURILISH XUDUDLARINI LOYIHALASHDA LANDSHAFT DIZAYN DASTURLARIDAN FOYDALANISH


*dots.S. Xashimov, magistrant H. Erkinov  
(Namangan muhandislik-qurilish instituti)*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada O'zbekiston va Turkiya davlatlarida qurilish sohasini o'sish ko'rsatkichlari qiyosiy tahlil etildi. Bu orqali YaIM(yalpi ichki mahsulot) ko'rsatkichiga qurilish sohasi o'sish ko'rsatkichi ham bog'liqligi ko'rsatildi. Aynan qurilish sohasini zamon talabida o'sishi uchun, bugungi kunda landshaft dizayn dasturlaridan qurilish hududlarini loyihalashda foydalanish o'rinli ekanligi bayon etildi.

Bugungi kunda yurtimizda davlat tomonidan olib borilgan islohotlar tufayli hashamatli binolar, barpo etilgan zamonaviy dam olish maskanlari, istirohat bo'glarini ko'rib, ayniqsa, Namangan shahridagi Mashrab nomli ko'ngil ochar maskan ko'zni quvontiradi. Bunday ishlarni amalga oshirishda loyihash ishlarini o'rni alohida ahamiyatga ega va ularni bajarish natijasida iqtisodiyotimizning o'sishiga ham bevosita hissa qo'shadi. Aniq ma'lumotlarga asoslanadigan bo'lsak, 2018 yil yurtimizda yalpi ichki mahsulot hajmi 407,5 trln. so'mni tashkil etdi va 2017 yil bilan taqqoslaganda 5,1 % ga o'sdi. Buning 0.5% qurilish sohasiga tu'g'ri keladi(1-rasm). Bu haqda Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlarida keltirilgan[1].

Bu natija bilan 200 dan ortiq davlat ichida O'zbekiston 86-o'rinda qayd etilgan[3]. Boshqa davlatlar bilan taqqoslab ko'rsak, masalan Turk davlati iqtisodiyoti 2018 yilning choragida 5,2 foizga o'sdi(aprel-iyun oylariga tegishli). Ushbu ko'rsatkichning 0,8 foizini bino-inshoot sohasi tashkil qiladi. Ichki yalpi mahsulotni tashkil etuvchi faoliyatlarga qaraganda, 2018 yilning birinchi choragida o'tgan 2017 yilning shu davriga nisbatan qurilish sohasi 6,9 foizga o'sgan[2]. Taqqoslash uchun aynan Turkiya davlatini olganimiz sababi shundan iboratki, yurtimizda amalga oshirilayotgan qurilish loyihalarining ko'p qismi shu davlat bilan hamkorlikda amalga oshirilmoqda.

2018 yilda YaIM o'sishida tarmoqlarning hissasi



1-rasm. O'zbekiston Respublikasida YAIM ning o'sishida tarmoqlarning hisssasi. Bu natija bilan 200 dan ortiq davlat ichida O'zbekiston 86-o'ringa qayd etilgan[3]. Boshqa davlatlar bilan taqqoslab ko'rsak, masalan Turk iqtisodiyoti 2018 yilning choragida 5,2 foizga o'sdi (aprel-iyun oylariga tegishli). Bundan inshoot sohasi 0,8 foizni tashkil qiladi. Ichki yalpi mahsulotni tashkil etuvchi faoliyatlarga qaraganda, 2018 yilning birinchi choragida o'tgan 2017 yilning shu davriga nisbatan qurilish sohasi 6,9 foizga o'sgan[2]. Taqqoslash uchun aynan turkiya davlatini olganimiz sababi, yurtimizda amalga oshirilayotgan qurilish loyihalarining ko'p qismi shu davlat bilan hamkorlikda amalga oshirilmoqda. Bugungi kunda yurtimizda mazkur sohada kadrlar yetishtirish borasida bir nechta oliy o'quv yurtlari mavjud. Shunga qaramay viloyat miqyosidagi yirik qurilish inshootlar chet ellik mutaxassislar tomonidan yaratilmoqda. Yurtimizda ko'plab keng ko'lamdagi qurilish loyihalari amalga oshirilmoqda. Bunday keng ko'lamdagi loyihalarni amalga oshirishda "landshaft dizayni" dasturi alohida ahamiyat kasb etadi. Landshaft dizaynini dasturini ishlab chiqish uchun esa, loyihalarni amalga oshirayotgan mutaxassislarga ushbu sohadagi, turli talablarga javob beradigan turli dasturlardan foydalanishni talab qiladi. Bunday dasturlarga *3ds Max, Envisioneer Express, Rubin* kabi dasturlarni keltirib o'tishimiz mumkin.

Autodesk 3ds Max dasturi orqali landschaft dizaynini osonlik bilan yaratish mumkin. Ushbu dastur mutaxassislar tomonidan keng ko'lamda qo'llaniladi, chunki u ijodiy ishni chegaralamaydi. 3ds Max muhitida realistik tasvirlar ham yaratilgan. Envisioneer Express dasturi ham landschaft dizaynida juda yaxshi funksiyalarga ega. Zest Envisioneer Expressda ob'ektlar, ayniqsa o'simliklarning ulkan kutubxonasi mavjud bo'lib, jonli loyihalarni yaratishga imkon beradi. Dastur yordamida siz loyiha uchun bashorat va chizmalar olishingiz mumkin. Envisioneer Express shuningdek, sahnaning yuqori sifatli eskiz vizuallashtirishni yaratishga imkon beradi. Rubin dasturi bog'dorchilikka qiziqqan odamlarga ishonch bilan maslahat beradigan dasturdir. Bu dastur oddiy 3D landschaft dizayn muharriri bo'lib, boshqa dasturlardan farqli o'laroq, u o'simlik kutubxonasiga ko'proq e'tibor beradi. Loyihada belgilangan talabga binoan biz uni turli dasturlar yordamida amalga oshirishimiz mumkin. Dasturni to'g'ri tanlash esa, loyihaning qay darajada mukammal dizaynga ega bo'lishini belgilab beradi.

Yurtimizda yetishtirilayotgan kadrlar salohiyatini yanada oshirish va zamon talabi darajasiga olib chiqish maqsadida landschaft dizayn dasturlarini yanada kengroq ko'lamda o'rganish hamda amaliyotga keng ko'lamda qo'llash maqsadga muvofiqdir. Buning natijasida yurtimizda qurilish sohasi hamda turizm sohasining yanada rivojlanishiga hissa qo'shamiz.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. [www.stat.uz](http://www.stat.uz).
2. [www.trt.net.tr](http://www.trt.net.tr).
3. World Development Indicators database, World Bank, 19 September 2019.
4. <http://samdizajner.ru>

## ХАЛҚИМИЗ МАДАНИЙ МЕРОС ҲАЗИНАСИНИ АСРАШ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ АСОСИДИР

ўқ. З.Р.Адилов (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

*Аннотация:* Ушбу мақолада бугунги кундаги мавжуд тарихий обидаларни ҳолатини янгидан ўрганиш, уларни жойлашган ўринларини таҳлил қилиш, бино ва иншоотларни қайтадан техник рўйхатдан ўтказиш, тарихий маълумотлар асосида уларни мазмун-моҳиятини бойитиш бўйича маълумотлар баён қилинган. Шунингдек, мақолада Наманган вилоятидаги тарихий обидаларни замонавий қиёфага келтириш асосида халқаро туризмни ривожлантириш бўйича муҳим масалаларга ҳам эътибор қаратилган.

Ўзбек халқи Марказий Осиёда энг бой ва қадимий маданий меросга эга бўлган халқ. Бу бойликларни юзага чиқариш, инсоният олдида ўзбек халқининг ҳақиқий маданий ва маънавий қиёфасини кўрсатиш - маданий меросимизни тиклашимизнинг таркибий қисми ҳамда, Ўзбекистонни оламга танитишнинг зарурий шартидир. Ҳар бир давр ва авлод ўзига хос маданий мерос яратади. Маданий меросга қараб давр ва авлодларга нисбатан ҳукм чиқарилади. Халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос бўлиб келаётган миллий қадриятлари узоқ тарихий жараёнларда шаклланган. Уларнинг ўтмиши 3 минг йилдан ортиқ даврни ўзида мужассамлаштирган Марказий Осиё цивилизациясини яратди.

Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан бугунги кунда халқимиз ҳаётининг кўп асрлик тарихий меросига эга бўлди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг кўҳна обидаларга ва тарихий кўчаларга эътибор янада кучайди. Кўплаб мадраса ва саройлар, турар-жой уйлари, ноёб ёдгорликлар таъмирлана бошланди. Шундай экан, уларни келажак авлодларга авайлаб асраб етказиш, ўтмиш меъморлари яратган ва барчани ҳайратга солиб келаётган ёдгорликлар билан танишиш, уларга алоқадор тарихий манбааларни қунт билан ўрганиб, уларни таъмирлаш кун тартибидаги муҳим вазифалардан бирига айланди. Зеро, маданий меросни чуқур эгаллаш, ундаги ижобий жиҳатларни узвий ривожлантириш келажак авлод маънавий такомил учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда моддий маданий мерос объектлари сони 7476 тани ташкил этиб, уларнинг 4308 таси археология, 2079 таси архитектура, 694 таси маҳобатли санъат объектлари, 395 таси диққатга сазовор жойлар бўлиб, мустақиллик йилларида уларни муҳофаза қилиш даъво сийсати даражасига кўтарилди [1].

Айни пайтда Наманган вилоятида ҳам туризм соҳасини ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоятда 282 та маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, шундан 103 таси архитектура ёдгорлиги, 155 таси археология ёдгорлиги, 8 таси монументал санъат асарлари, 16 таси диққатга сазовор жойлар, зиёратгоҳлардир.

Ўтмиш қадриятлари халқнинг бебаҳо маданий мероси ҳисобланади. Уларда асрлар тажрибаси жамланган, боболаримиз меҳнати мужассамлашган.

Ўтмишнинг биргина ёрқин зиёси заррачаси асрлар ўтса ҳам биз учун номаълум бўлган зимистонларни ёритиши мумкин. Мустақиллик биз архитекторлардан ва барча ижод аҳлидан маданий мерос ҳазинасига муносиб ёдгорлик ёки ёдномаларни излаб топиш, уларни чуқур ўрганиб мағзини чақиш, улар ташкил этган ижод пиллапояларидан кўтарилиб, янги замон маданияти равнақига хизмат қилиш каби ғоят масъул ва эътиборли ишлар кўламини кутиб турибди.

Ўзбекистон кейинги йилларда ўзининг кўплаб тарихий-меъморий ёдгорликлари, турфа хил иқлими ва тез суръатларда ривожланиши билан бутун дунё диққатини ўзига тортмоқда. Асрлар мобайнида Ўзбекистон Буюк ипак йўлининг савдо, савдогарлар ва саёҳатчилар, жўғрофияшунослар, истилочилар ва забт этувчиларнинг йўлида жойлашган эди. Айни пайтда эса, Ўзбекистон ташаббускор, маданият, тарих, анъана ва экзотик мамлакатларга қизиқувчилар учун мафтункор сайёҳлик йўналишларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистонда туризм соҳаси нисбатан янги бўлсада, у ривожланишда кўпгина соҳалардан олдинга чиқиб олди. Халқаро туризмни ривожлантириш учун бизнинг диёримиз жуда катта салоҳиятга эга.

Наманган вилоятидаги мавжуд тарихий обидаларни бугунги кундаги ҳолатини янгидан ўрганиш, уларни жойлашган ўринларини таҳлил қилиш, бино ва иншоотларни қайтадан техник инвентаризациядан ўтказиш, тарихий маълумотлар асосида уларни мазмун-моҳиятини бойитишдан иборат. Энг муҳими, ушбу туристик объектларга олиб боровчи йўл хариталарини тузиш, тегишли жойларда йўл кўрсаткич белгиларини ўрнатиш орқали вилоятимизга ташриф буюрувчи туристлар оқимини янада кучайтиришга эътибор қаратиш керак. Илмий тадқиқотлар давомида туристик маршрут йўналиши бўйлаб йўл ёқаларида туристлар учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида турли туризм объектларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича лойиҳа таклифларни ишлаб чиқиш бўйича ҳам муайян ишлар режалаштирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шу мақсадда яқин келжакда Наманган вилоятида ҳам замонавий санитар-гигиеник шохобчалар барпо этиш, туристик объектларга олиб боровчи йўл кўрсаткич белгиларини ўрнатиш, кўплаб замонавий ва барча қулайликларга эга меҳмонхоналар қуриш бўйича кенг қамровли ишларни амалга ошириш керак деб ўйлайман.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. ”Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 августдаги 3567-сонли Фармони.

## БИНОЛАРНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

*Н. Д. Тешабоева, А.А. Абдужалилов  
(Фаргона политехника институти)*

*Аннотация:* Мақолада ёқилғини энергияга айлантиришда, кўп ёки кам даражада атмосферага зарарли чиқиндилар чиқиб, атроф-муҳитни зарарлаши ва ерлардан интенсив фойдаланиш, хом-ашё қазиб олиш, қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар сонини қисқартириш, инсон яшаши учун табиий муҳитини камайтириш тўғрисида фикрлар юритилган.

Ер юзаси пайдо бўлгандан бошлаб, инсон куёш нурларидан фойдаланганиб келинган. Археологик маълумотлардан маълумки, яшаш учун инсонлар тинч, совуқ шамоллардан асрайдиган, куёш нури тушадиган жойларни танлашган. Куёш ҳақида афсоналар тўқилган, уни худолаштиришган. Қадимги Мисрда Ра – куёш худоси ҳисобланган. Биринчи машҳур гелиосистема деб бизнинг эрамизгача XV асрга мансуб Аменхонтета III ҳайкалини аташ мумкин. Ҳайкал ички томонидаги ҳаво ва сув камералари куёш нури таъсирида беркитилган мусиқали асбобни ҳаракатга келтирган. Қадимги Грецияда Гелиосга сифинишган. Бу худо исми ҳозирги кунда куёш энергетикаси билан боғлиқ кўпгина атамаларга асос қилиб олинган. Қадимги славянларда Дождьбо-куёш, иссиқлик ва ёруғлик манбаи илоҳийлаштирилган. Қадимда шундай сирли иншоотлар бўлганки, ҳозирги кунда улардан гелиоколлекторлар сифатида фойдаланилган деб тахмин қилишимиз мумкин.

Марказий Осиё хусусан Ўзбекистон қурилиш меъморчилиги ибтидоси бизнинг эрамизгача III асрга бориб тақалади. IX-X асрларда қурилган ва бизнинг давргача сақланиб қолинган кўпгина бинолар ва иншоотлар ҳақи равишда қурилиш санаъти чўққиси бўлиб ҳисобланади, XVI-XVII асрда Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкент ва бошқа шаҳарларда бунёд этилган бино ва иншоотлар юксак меъморий-қурилиш мактабидан далолат беради, бу бино ва иншоотларда шакл ва фазовий таркиб уйғунлиги, табиий-иқлим ва шаҳарсўзлик шароитлари ҳисобга олинган ички ва ташқи муҳит яққол намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Энергиядан рационал фойдаланиш ҳақида”ги қонуни ижроси энергетик ресурсларни асраш ва улардан рационал фойдаланиш, атроф муҳитни ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, инсон саломатлигини асраш ҳамда альтернатив қувват манбаларидан кенг фойдаланиш масалаларини белгилаш имконини беради. МЧЖ “Қурилиш-Гемосервис” махсус йирик корхонанинг ташкил қилиниши куёш системаларини Ўзбекистон ҳудудида қўллашнинг кенг дастурини ишлаб чиқиш имконини берди.

Маълумки, ёқилғини энергияга айлантиришда, кўп ёки кам даражада атмосферага зарарли чиқиндилар чиқиб, атроф-муҳитни зарарлайди. Ерлардан интенсив фойдаланиш, хом-ашё қазиб олиш, қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар сонини қисқартириш, инсон яшаши учун табиий


муҳитини камайтиради. Маълумки, қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ҳамда энергетика ресурсларини истеъмол қилишда бошланғич даражадаги энергиянинг 90% йўқотилади. Бу, биринчи навбатда истеъмолчига етиб боргунга қадар хом-ашёни кўпгина технологик жараёнлардан ўтиши ҳамда анъанавий энергия таъминоти қимматлашишига олиб келади.

Шунинг учун архитекторлар ва қурувчилар XXI аср меъморий лойиҳалашни ривожлантириш концепцияларини ишлаб чиқишда, шаҳар таркиби ва алоҳида биноларни ишчи лойиҳаларда табиий ресурсларни асраш ва иложи борича янги ҳосил бўлган энергия манбаалари ва биринчи навбатда қуёш энергиясидан самарали фойдаланишни ҳисобга олувчи лойиҳавий ечимларни кенгроқ қўллашлари талаб қилинади.

Янги ҳосил бўладиган манбааларга қуёш энергияси, шамол энергияси, (дарёлар) гидроэнергия, оқимлар, тўлқинлар, ернинг чуқур қатламлари энергияси. Мамлакатнинг иссиқлик балансида энергиянинг янги ҳосил бўлмайдиган манбаалари 90% ни, шундан 30% и нефть, 40% и газ, тошкўмир 20%ни ташкил қилади.

Бутун органик ёқилғи (нефть, газ, тошкўмир ва ҳ.к.) бу қуёш энергиясининг турли босқичларидан ўтиб, қайта шаклланиб миллион йиллардан кейин бизгача етиб келган кўриниши бўлиб, уларнинг тугаши ва қимматлашиши хавфи бор. Қуёш ерга юбораётган нур оқимининг қуввати ҳақиқатдан улқандир, ерга тушадиган 100% қувватнинг (ўрта ҳисобда 340 Вт 1кв.м.га тўғри келади) 47% и ер юзига тушади. Пассив қуёш системали турар жой уйларида ташқи иссиқлик қатламини иситишдан кенг фойдаланилади. (1-расм). Бундай қатламнинг машҳур варианты – Троб-Мимель деворидир, унинг таркиби бетон, ғишт ёки тошдан, жанубий фасадда жойлашган ва тўқ рангга бўялган.

Девордан унча узок бўлмаган масофада (600мм атрофида) шиша қоплама ишланади. Девор ва қоплама орасидаги исиган ҳаво иссиқлик ташувчи вазифасини бажаради ва ўз навбатида деворни иситади, девор аста-секин олинган иссиқликни хонага узатади (ҳарорат 3-5°C даражага ошиши мумкин). Шундай қилиб, бу конструкцияда коллектор ва аккумулятор вазифалари бирлашади.



1-расм. Пассив қуёш системали турар жой уйларида ташқи иссиқлик қатламини иситиш

Ҳаво айланиши учун махсус клапан ёки дарчалардан фойдаланилади. Ҳавони тортиш каналларни рухсати бўлган ер тўлаларга, у ҳолда бу системани хонани ёзги совитиш учун ишлатиш мумкин. (ҳаво ҳароратини 5-7°C га пасайтириш эҳтимоли бор). Ойнаванд ҳажми иситиш амалда тўғридан тўғри иситиш медификациясидир. Иссиқхона, атриум, оранжерия ойнаванд ҳажми уйнинг жанубий фасадига уланган ҳолда бўлиши мумкин ёки унинг ичкарасига курилади.

Иссиқхонада қизиган ҳаво табиий конвекция йўли билан, механик зўриқтириш каналлари ва оддий ускуналар системаси орқали бошқа хоналарга тарқалади. Одатда, иссиқхонадаги ҳарорат етарли даражагача етганда клапанни очилишини сўзловчи термостат ишга тушади.

Хулоса ўрнида шуни таъкитлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда курилайётган биноларни куёш энергиясидан фойдаланиб иситиш яхши самара бермоқда. Вахоланки бу табиий иситиш воситасидир.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Зоҳидов М.М., Норов Н.Н. Энергоэкономичное здание. М. Жилищное строительство. 3/2003.
2. Маракаев Р.Ю., Норов Н.Н. Ўзбекистон шароитида энергия самарали биноларни лойиҳалаш/ Ўқув-услубий қўлланма – Тошкент 2009 й.
3. Суханов И.С. Лучистая энергия солнца и архитектура – Тошкент: Фан, 1973 й. – 224 б.

## **ВЛИЯНИЕ КЛИМАТА НА СТРОИТЕЛЬСТВО ЗДАНИЙ**

*доц. М.Набиев, асс. У.А.Абдурахманов  
(Ферганский политехнический институт)*

***Аннотация:** В статье рассмотрен вопрос влияния климата на ограждающих конструкции и микроклимат жилых зданий.*

Узбекистан отличается большим разнообразием климатических условий, в частности для северной его части характерны резкая континентальность, засушливость, высокое значение температуры и интенсивности солнечной радиации в летний период, а также наличие пыльных бурь. Эти обстоятельства недостаточно учитываются в практике проектирования жилища и его ограждений, что приводит к ухудшению условий проживания в теплый период года, продолжающийся от семи месяцев в году на большей территории Узбекистана и до 8-9 месяцев в южных его районах.

Первоочередной задачей, в связи с разнообразием климатических условий Республики является районирование основных метеорологических воздействий в зависимости от степени их интенсивности. Это позволяет разработать для характерных районов конструктивно-планировочные и технические мероприятия по улучшению летнего микроклимата жилища и провести уточнение строительно-климатического районирования территории республики для жилищного строительства. [1,2]



На формирование микроклимата помещений большое влияние оказывают теплозащитные свойства их ограждений и соотношение площадей остекленных светопроемов и глухих участков.

Получившая в последнее время распространение в жилищном строительстве тенденция к чрезмерному увеличению площади остекления помещений приводит к перегреву жилища в летний период из-за воздействия солнечной радиации.

При ограничении площади светопроемов требованиями обеспечения нормативных величин естественной освещенности и использовании эффективных солнцезащитных средств возрастает влияние непрозрачных участков наружных ограждений на тепловой режим помещений.

В этой связи целесообразно рассмотреть предлагаемые критерии оценки теплоустойчивости наружных ограждений.

В СНиПе теплоустойчивость нормируется по амплитуде колебания температуры внутренних поверхностей конструкций  $A_{тв}$ . Такое нормирование недостаточно дифференцирует требования к теплоустойчивости различно ориентированных ограждений и не дает возможности оценить роль каждой наружной конструкции (стен, окон, покрытия), а также проветривания в формировании микроклимата помещений. В некоторых случаях, например, при естественном проветривании,  $A_{тв}$  значительно превышает норму, но из-за снижения среднесуточной температуры внутреннего воздуха максимальное значение ее приближается к комфортному в отличие от более теплоустойчивого но непроветриваемого помещения.

В современном жилищном строительстве развивается тенденция к снижению объемной массы наружных ограждений. Перспективным является применение многослойных навесных панелей из листовых материалов (асбестоцемента, алюминия, пластмасс) с эффективным утеплителем. Особенно целесообразно использовать их в сейсмических районах какими являются, в частности южные области Узбекистан. За счет малой массы стен (до 50 кг на кв. м) уменьшается сечение каркаса и стоимость фундаментов. Однако легкие конструкции, обладая достаточным термическим сопротивлением зимой, часто не удовлетворяют требованиям теплоустойчивости в летних условиях, что может привести к перегреву помещений. В связи с этим представляется перспективным применение легких конструкций с солнцезащитными экранами, отделенными от стены вентилируемой воздушной прослойкой.

Экранирование стен конструктивно может решаться в пределах одного этажа или же с расположением приточной и вытяжной зоны воздушной прослойки на существенно различных уровнях по высоте. При применении экранов на всю высоту здания приток в воздушные прослойки рекомендуется располагать на уровне перекрытия между первыми и вторыми этажами зданий, имея ввиду, что первый этаж в меньшей мере нуждается в защите от перегрева, в частности потому, что на его микроклиматический режим оказывает благоприятное воздействие соседство с грунтом. [1]

Появляется необходимость в изучении эффективности экранирования легких стеновых панелей в зависимости от типа и конструкции экрана. Актуальна разработка простого инженерного метода расчета теплоустойчивости таких ограждений.

В условиях климата Узбекистана в теплое время года в качестве основных метеорологических факторов уместно принять: температуру воздуха и ее колебания, солнечную радиацию, ветровую деятельность и, как следствие этих основных воздействий — низкую относительную влажность воздуха и пыльные бури.

На выбор типа жилого здания оказывает большое влияние сравнительная продолжительность в течение года видов погоды, определяющих режимы эксплуатации, отличающихся полным и длительным контактом с внешней средой или ограниченным ее использованием или даже защитой от нее. Первый режим характерен для теплой и отчасти жаркой погоды, а второй — для прохладной и холодной. Температурные условия, в соответствии с которыми определяются сроки начала и конца каждого вида погоды для южных районов страны устанавливаются по данным натурных наблюдений над современными многоэтажными кирпичными и панельными жилыми домами, обладающими, полным комплексом средств естественного регулирования микроклимата.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ильинский В. М., Строительная теплофизика (ограждающие конструкции и микроклимат зданий.) “Высшая школа” М. 1984 г.
2. Фокин К.Ф. Строительная теплотехника ограждающих частей зданий. Госстройиздат, М. 1972 г

### **ТАЛАБАЛАРНИ ҚУРИЛИШ-ЛОЙИХАЛАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА АКТДАН Фойдаланиш САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

*доц.З.С.Бузруков, талаба Ж.Икромов  
(Наманган муҳандислик-қурилиш институти)*

***Аннотация:** Ушбу мақолада талабаларни компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда лойиҳалаш ишларини амалга ошириш учун бугунги кунда жаҳон амалиётида қўлланилаётган замонавий дастурлаш тизимлари ҳақида батафсил маълумот берилган ҳамда улардан самарали фойдаланиш тартиби ҳақида зарур тушунтириш берилган.*

Дунёда илм-фан, технология ривожланаётган бир пайтда, ҳаётда яшаш тарзини янада эркинлаштириш устида жадал кенг имкониятлар яратилмоқда. Асосан бу муаммога ҳар соҳанинг ўз мутахассислари томонидан дуч келинаётгани ва буни ечими учун турли хил амалий-назарий ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда қурилиш-архитектура ёки архитектуравий дизайн

соҳасига кириб келаётган талаба ёшлар бир муаммога дуч келмоқда, бу ҳам бўлса архитектор бўлиш учун энг аввало, ўзимизда қандай қобилиятларни шакллантиришимиз ва замон талабидаги компьютер технологияларнинг қайси туридан фойдаланиш муҳимлиги ҳақида ҳалигача тўлиқ маълумот излашмоқда. Ушбу мақолада ана шу шулар ҳақида қисқача маълумотлар бериб ўтамиз.

**AutoCAD** - бу Autodesk томонидан ишлаб чиқилган икки ва уч ўлчовли компьютер ёрдамида лойиҳалаш ва чизиш дастури ҳисобланади. Дастурнинг биринчи версияси 1982 йилда ишлаб чиқилган. AutoCAD ва унга асосланган ихтисослаштирилган иловалар машинасозлик, қурилиш, архитектура ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилинади. Дастур 18 тилда мавжуд бўлиб, AutoCAD лицензиясининг нархи 4195 долларга тенг. Агар сиз йилига 1250 долларлик техник хизматга обуна бўлмасангиз, сиз AutoCADдан ҳеч қандай муҳим янгиланиш ва техник ёрдам ололмайсиз. Яна кенг тарқалган ёндашув - бу AutoDeskнинг обуна хизматидан фойдаланиш. AutoCAD-нинг ойлик обунаси ойига \$210 туради, бу жуда ҳам қиммат, бир йиллик обуна қиймати эса \$1680 долларни ташкил этади.

**Autodesk 3ds Max** - бу 3D анимациялар, моделлар, ўйинлар ва тасвирларни тайёрлаш учун профессионал 3D компьютер графика дастуридир. У Autodesk Media ва Entertainment фирмалар томонидан ишлаб чиқилган. У моделлаштириш қобилиятига ва плагинларнинг мослашувчан архитектурасига эга ва Microsoft Windows платформасида ишлатилиши керак. Ушбу видео ўйинларни ишлаб чиқувчилар кўплаб тижорат студиялари ва архитектура визуал студиялари томонидан тез-тез ишлатилади. Бундан ташқари, у фильм эффектлари ва филмни олдиндан визуализация қилиш учун ишлатилади. Моделлаштириш ва анимация воситалари учун 3 ds Max нинг сўнгги версияларида имкониятлар яна ҳам кенг яратилган. 3ds Max дастурининг доимийлик лицензия нархи \$5775 ни ташкил қилади.

**ARCHICAD** - бу Macintosh ва Windows учун архитектура BIM CAD дастури, венгриялик Grafisoft компанияси томонидан ишлаб чиқилган. ARCHICAD бутун атроф-муҳитни - бинолар, интерьерлар, шаҳар жойлари ва бошқаларни лойиҳалаш жараёнида эстетика ва муҳандисликнинг барча умумий жиҳатлари билан шуғулланиш учун компьютер ёрдамида ечимларни таклиф этади. Мазкур дастурнинг AutoCADдан фарқи шундаки, AutoCADда фойдаланувчи 2D сатрдан расм чизади. ARCHICAD маҳсулдорликни сезиларли даражада оширишни таклиф этади ва қурилиш жараёнига асосланган яхшироқ мувофиқлаштирилган дизайнга ва компьютер моделига эга. AutoCAD да бу хусусият мавжуд эмас. ARCHICAD -17 янги лицензиясини сотиб олиш нархи тахминан \$4995 га тўғри келади.

**SketchUp** - бу 3D-моделлаштиришнинг кенг қўламли архитектура, интерьер дизайни, ландшафт архитектураси ва видео ўйинлар дизайни лойиҳаларида фойдаланиладиган баъзи номларни айтиб бериш учун ишлатилладиган дастур. Дастур расм чизиш функциясини, сиртни ишлашни ўз ичига олади ва кенгайтма омборидаги учинчи томон плагинларини қўллаб-қувватлайди. SketchUp иккита версияда чиқади - бепул SketchUpMake ва

ушбу SketchUpPro \$ 695 нархланади.

**ЛИРА** - бу замонавий дастурий таъминот тўплами бўлиб, у конструкцияларнинг мустаҳкамлиги ва устуворлигини рақамли автоматлаштирилган лойиҳалаш асосида таҳлил қилиш учун мўлжалланган.

**Blender** - бу анимацион филмлар, визуал эффектлар, санъат, 3D босма моделлар, ҳаракат графикаси, 3D интерфаол дастурлар ва компьютер ўйинларини яратишда ишлатиладиган бепул ва очик манбали 3D компьютер графикаси дастурий воситасидир.

Blender - бу очик манбали визуал эффектлар ва ҳаракат графикаси дастури. Blender қуйидаги вазифалар учун ишлатилиши мумкин:

Кўпбурчаклар ёрдамида 3D моделлаштириш; 3D анимация; видео таҳрирлаш (асосий) бириктириш (видео ва ҳаракатсиз) зарралар; суюқ /тутун/ олов симуляцияси.

Юқорида келтириб ўтилган анимация дастурларни қулайлиги шундаки, архитектура соҳасида диплом ҳимоя қилмоқчи бўлганлар учун, суюқликлар, тутун эффектлар, парчаланиш, деталлар ҳаракати ва ҳ.к. симмулацион буйруқлар мавжуд бўлиб, архитектура соҳасида жуда қулай фойдаланиш мумкин.

**Adobe Photoshop** - бу растрли тасвирларни таҳрирлаш, график дизайн ва рақамли санъат учун кенг фойдаланиладиган дастур. Дизайн ва таҳрирлаш жараёнида чуқурлик ва мослашувчанликни таъминлаш, шунингдек, бирлаштиришда деярли ҳар қандай нарсага қодир кучли таҳрирлаш воситаларини тақдим этиш учун қатламлашдан фойдаланилади.

**Adobe Illustrator** - бу Adobe Inc томонидан ишлаб чиқилган ва сотиладиган векторли график муҳаррири. Энг сўнгги версия Illustrator CC 2018 йил октябр ойида сотувга чиқарилди ва маҳсулот каторидаги 23-чи авлод ҳисобланади. Adobe Illustrator PC Magazine томонидан 2018 йилда энг яхши векторли график таҳрирлаш дастури сифатида кўриб чиқилди. Illustratorni Creative Cloud нинг бир қисми сифатида ойига атиги \$ 20,99 ни ташкил қилади.

**Lightroom** - сизга расмларингизни импорт қилиш, тартибга солиш, бошқариш ва топишга ёрдам беради. Ўз навбатида Lightroom - бу ягона воситага бирлаштирилган фотосуратларни бошқариш ва расмларни таҳрирлашга хизмат қилади. Adobe Photoshop-дан фарқли ўлароқ, Lightroom - бу зарарли бўлмаган таҳрирловчидир.

**CorelDraw**-энг яхши фойдаланиладиган дастурдир. CorelDraw - векторли лойиҳалаш дастури, логотиплар, флекслар, рисоалар, таклифномалар карталари асосида ҳар қандай векторли дизайн яратиш учун фойдаланилади. Бу Corel Corporation томонидан ишлаб чиқилган, шунинг учун у Corel's Graphic Suite номи билан ҳам танилган.

Хулоса қилиб айтганда, техник инновацион тараққиёт ва илмий информацияларнинг ошиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда, талаббалар томонидан мустақил билим олиш, мотивацияни ривожлантириш, фаолликни ошириш замонавий ўқитишнинг муҳим масаласидир. Талабаларнинг лойиҳалаш жараёнларини юқори савияда амалга оширишлари учун уларга

лойихалашда қўлланиладиган замонавий дастурлаш тизимларидан самарали фойдаланиш мотивациясини шакллантириш муҳимдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Основы автоматизированного проектирования. М.: Издательство МГТУ имени Н.Э Баумана, 2002. 333 с.
2. Ш.Р. Низомов, С.Ю. Маткаримов. Компьютер дастурлари асосида қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш ва лойихалаш (темирбетон конструкцияларини лойихалаш). 1- қисм. Тошкент, Фан ва технология, 160 бет.
3. С.К. Рузимов. Компьютер саводхонлиги. Тошкент, Ношир, 2011 й., 368 бет

### **УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОНСТРУКЦИИ ЭНЕРГОСБЕРЕГАЮЩЕЙ ВОДОПОДЪЁМНОЙ ГИДРОТАРАННОЙ УСТАНОВКИ**

*к.т.н., доц. М.К. Негматов, маг. Ж.Р. Пулатов  
(Наманганский инженерно-строительный институт)  
ст. преп. М. Мадрахимов, маг. А.Р. Иброхимов  
(Ферганский политехнический институт)*

***Аннотация:** Статья посвящена вопросам совершенствования конструкций энергосберегающей водоподъёмной установки. Обоснован выбор объекта исследования и область применения водоподъёмной установки в хозяйствах Наманганского региона.*

В настоящее время как в Республике Узбекистан, так и в странах Центральной Азии, уделяется большое внимание на использование экологически чистых-возобновляемых источников энергии наряду с традиционными видами энергии, использование которых особенно актуально в отдаленных регионах республики, где централизованная энергосистема является труднодоступным.

В этих местностях существенную помощь могут оказать водоподъёмные гидротаранные установки. Гидротаранная установка может успешно автономно работать для орошения дач, фермерских хозяйств, а также для временного водоснабжения войсковых частей и подачи воды на пожаротушение из открытых источников, особенно в местах с дефицитом электроэнергии.

Действие установки основано на известном физическом явлении «Гидравлического удара», теория которого была разработана проф. Николаем Жуковским более сто лет назад.

Основным недостатком гидротаранных установок является их низкая производительность, что ограничивает их широкое использование. Поэтому в настоящее время основное внимание исследователей должно быть сосредоточено на выявлении путей повышения их производительности.

Общим направлением научно-исследовательских работ кафедры «Строительство и монтаж инженерных коммуникаций» НамИСИ является:

очистка природных и сточных вод; гидравлика трубопроводов; улучшение санитарно-гигиенической обстановки и решение общих проблем охраны природной среды.

Работа выполняется с такими партнерами, как Наманганское управление насосных станций, автоматики и связи, Наманганское государственное унитарное предприятие «НАМАНГАНВОДОКАНАЛ», ряд фермерских хозяйств Туракурганского и Касансайского районов - которые могут представлять необходимую поддержку для дальнейшего использования результатов исследований.

Целью настоящих исследований является определение эффективности применения водоподъемной гидротаранной установки для орошения и водоснабжения в условиях Наманганской области.

Нами поставлены следующие задачи: разработка принципиальной технологической схемы подъема воды для горных и предгорных районов из открытых водоисточников, разработка лабораторной и опытной промышленной водоподъемной таранной установок, определение оптимальных рабочих параметров и усовершенствование конструкции, существенно повышающей производительность водоподъемной гидротаранной установки.

Для решения поставленных задач экспериментальные исследования были запланированы состоящими из двух этапов.

На первом этапе будут проведены исследования на модели водоподъемной установки, смонтированной в лаборатории НамИСИ.

Второй этап исследований, основной задачей которого являлись уточнение и проверка результатов лабораторных исследований в производственных условиях с выездом в Туракурганский и Касансайский районы Наманганской области.

Выбор этих районов в качестве базы исследований обосновывался следующими соображениями.

1. Туракурганский и Касансайский районы находясь от г. Наманган соответственно в 15,0 и 25,0 км связаны одним автодорожным кольцом и через их территорию протекает река Касансай, в которой водоподъемные таранные установки будут устанавливаться впервые.

2. На территории этих районов сосредоточены более 300 фермерских хозяйств, дач, зон отдыха и других объектов, они имеют одинаковые реальные проблемы как в отношении водоснабжения, так и в энергообеспечении, являются потенциальными пользователями результатов наших исследований. Выбранные «объекты исследований» предоставят всю необходимую информацию и поддержку для проведения исследования и затем используют результаты исследований.

Кроме этого, результаты исследований будут внедрены в учебный процесс НамИПИ при проведении занятий по дисциплинам «Гидравлика», «Механика жидкостей и газов», «Основы водоснабжения и канализации», «Насосы и насосные станции», а также при выполнении студентами курсовых, дипломных работ и магистерских диссертаций.

## ЛИТЕРАТУРА

1. Штеренлихт Д.В. Гидравлика: Учебник для вузов.—М.:Колос, 2004, стр. 292-93.
2. Овсепян В.М. Гидравлический таран и таранные установки – М.: Машиностроение, 1968. – 124с.
3. Негматов М.К., Муминов М., Уришев Г. «Гидравлик таран қурилмаларини ҳисоблашга доир». В материалах Республиканской научно-практической конференции «Современные тенденции развития строительства инженерных коммуникации». Фергана. 2012. стр.40-42.
4. Негматов М.К., Нодиров А.Р., Абдухалилов М.Х., «Оқар сув энергиясидан фойдаланувчи гидравлик насос қурилмаси». В материалах Республиканской научно-технической конференции «Актуальные проблемы использования альтернативных источников энергии» Карши. 2014. стр.45-46.

## ШАҲАРСОЗЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КЎП ҚАВАТЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ САҚЛАШ ЖОЙЛАРИ БИНОЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

доц.З.С.Бузруков, А.Мамасобиров  
(Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

*Аннотация:* Ушбу мақолада шаҳарсозликни замонавий талаблар асосида ривожлантириш мақсадида кўп қаватли автотураргоҳларни лойиҳалашга қўйилган бугунги кун талаблари асосида баён қилинган ва янги лойиҳа таклифи келтирилган.

Автомобил аҳолининг узоғини яқин қиладиган, ҳаёт сифатини оширадиган воситалардан бири. Мамлакатимиз кўчаларида автомобил қатнови бир зум тинмайди. Машиналар кўплигидан тирбандликлар юзага келмоқда. Тўхташ жойлари етмай, кўп қаватли автотураржойлар барпо этилмоқда. Аҳолининг юртимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар билан таъминланиш даражаси тобора ўсмоқда. Агар 2000 йилда ҳар 100 оилага ўртача 20 та енгил автомобил тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 71,4 тага етган. Оилаларнинг 31 фоиздан ортиғи иккитадан енгил автомобилга эга. Мустақиллик йилларида халқимиз турмуш даражаси нақадар юксалганини биргина шу жихат орқали ҳам англаш, ҳис қилиш мумкин.

Бу кўрсаткичлар мамлакатимизнинг жадал ривожланаётгани, халқимиз фаровонлигининг ошиб бораётганидан далолатдир. Тарихан қисқа даврда, ўз кучимиз, ўз ақлу-заковатимиз билан шундай улкан муваффақиятларга эришаётганимиз эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон шаҳарлари ривожланишининг ҳозирги босқичи бир қатор долзарб муаммоларни илгари сурмоқда. Булар замонавий бино ва

иншоотларни барпо этиш, бино ва иншоотларнинг функционал-режавий, архитектуравий-бадий кўринишини такомиллаштириш, шаҳар худудидан унумли фойдаланишдан иборат.

Транспортнинг турлари ва сонининг кўпайиши, кўча харакатининг сўнгги йилларда кескин ортиши муносабати билан бош режаларни ишлашда эски услублардан воз кечиб, янги инновацион услублардан фойдаланишни тақозо этади. Транспорт тизимининг янги талабларига мос равишда худудни функционал зоналаштириш, янгича транспорт тугунлари ва магистраллар тизимини шакллантирган ҳолда янги шаҳарлар ёки туманларни режалаштириш, транспорт тармоғини режалаштириш муаммосига хизмат кўрсатишнинг жамоат транспортларида ёки шахсий автотранспортларда ташкил қилиш бўйича ўзаро муносиблигини аниқлаш катта таъсир кўрсатади.

Дарҳақиқат, бундай шароитларда асосий бўлиб, автомобилларнинг тўхташ жойлари билан таъминланиш саволи кўндаланг бўлиб, уларнинг транспорт тармоғидаги аҳамияти жуда муҳимдир. Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, чет эл давлатларида қатновдан фойдаланишнинг юқори даражаси уларнинг юқори натижасини кўрсатади, бунда автомобил тўхташ жойлари бошқа худудлардан келувчи ва шу шаҳар аҳолисининг барча транспортларини кўча йўлнинг ўтказиб юбориш қобилиятига таъсир қилмасдан транспортлар тартибга солинади.

Амалий тажрибаларда бундай муаммолар тўлиқ ўрганилмаган бўлиб, ўрганилиши керак бўлган муҳим масалалар қаторида туради. Уни қўллаш бўйича тавсия ва йўриқлар мавжуд эмас [1].

Автомобиллар сони йил сайин кўпайиб бориши уларни сақлаш учун етарлича автотураргоҳларни қуришни талаб этади. Айниқса, шаҳар жойларида бунга талаб ва эҳтиёж тобора ортмоқда. Шу маънода, автомобилларни қўйиш жойларини қуриш, улардан фойдаланиш тартиб-қоидалари ҳамда фуқароларнинг уларга амал қилишига доир муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиниши табиий эҳтиёж ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, автомобилларни қуйидаги сақлаш жойларини ва иншоотларини яратиш мақсадга мувофиқдир:

- кўп қаватли яшаш уйлари худудида 25-200 автомобиллар доимий сақлаш учун очиқ автосақлаш жойлари, махсус майдонларда кичик туманларнинг 30-50% талабини қондирадиган ҳамда иқлим шароитларини кўзда тутган ҳолда барпо этиш;

- белгиланган жойларда 100-500 тагача автомобил учун мўлжалланган кўп қаватли 2-5 рампали гаражлар қуриш;

- ер ости 1-3 қаватли 50-300 тагача автомобилга мўлжалланган ер рельефидан келиб чиқиб, гараж - сақлаш жойларини қуриш;


- шаҳар марказий қисмларида автомобилларни вақтинчалик сақлаш учун 4-5 ва ундан юқори қаватли (ер усти ва ер ости) 200-1500 автомобил гараж-сақлаш жойлари, шу билан бирга механизациялашган сақлаш иншоотлари яратиш;

- шаҳар тарихий ёдгорликлари, атроф-муҳит ва ландшафт



муҳитларини авайлаган ҳолда, магистрал автойўл остки қисмларида кўп ярусли ер ости сақлаш жойларини барпо этиш.

Такдим этилаётган лойиҳа иши Наманган шаҳрининг автомобиллар гавжум жойларига қуриш учун мўлжалланган бўлиб, унда янги типдаги алоҳида архитектуравий ечимга эга бўлган кўп қаватли автотураргоҳ биносининг лойиҳа таклифи ишлаб чиқилган [2],[3].



Кўп қаватли автотураргоҳ биносининг меъморий-режавий ечими мураккаб шаклда лойиҳаланган бўлиб, 327 автомобил сифимига эга. Лойиҳада автомобил сақлаш жойлари, автомобилларга хизмат кўрсатиш хоналари ҳамда маъмурий хўжалик ва техник хизмат кўрсатиш хоналаридан иборат. Бино 5 қаватдан иборат бўлиб, унинг умумий майдони 2362 м<sup>2</sup> га тенг. Бинонинг биринчи

қаватида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, эҳтиёт қисмлар магазини ва маъмурият хоналари жойлашган. Иккинчи ва бешинчи қаватлар асосан автомобилларни сақлаш жойларига мўлжалланган. Бино ўзига хос фазовий композицион тузилишга эга бўлиб, унда доимий кургазма павильонларини лойиҳалаш меъёрлари асосида муайян ўзига хос ички фазо яратилган.

1-расм. 5 қаватли 327 ўринли автотураргоҳ биноси лойиҳа таклифи

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда айниқса, кўчаларда кундан-кунга автомобиллар сонининг ошиб бораётганлиги ва шаҳар чорраҳаларида автомобиллар ҳаракатидаги мавжуд тирбандликларни инобатга олган ҳолда шаҳарларнинг транспорт инфратузилмасини истиқболли ривожлантириш, шаҳарсозлик тамойиллари нуқтаи-назаридан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ва кўп қаватли автомобилларни сақлаш жойларини лойиҳалаш жуда муҳимдир.

#### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Қадирова Н.Б. Автомобил тўхташ жойлари ва гаражларни жойлаштиришни илмий асосда режалаштириш. Магистрлик диссертацияси. СамДАҚИ, 2015 й.
2. Убайдуллаев Х.М., Абдурахманов Ю.И., Сейтмаматов М.Б. Жамоат бинolari типологияси. Тошкент, 2002.
3. Қасимова С.Т., Шожалилов Ш., Ходжаев С., Арабова С. Йўл транспорт иншоотлари. Ўқув қўлланма, 1 ва 2-қисм, ТАҚИ, 2003 йил.

# QURILISH YO'NALISHI MAVJUD OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA TEXNIK FANLARNING O'QITISHDA ILG'OR AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH.

**(“O'qituvchi-60” elektron doskasi va o'quv-uslubiy dasturi misolida )**

*dots. Yo.Tillaboyev, dots. J.Daminov, k.o`qt.,I.Najmiddinov,  
k.o`qt., Sh.Isaboyev, Magistrant Yo.Raxmatullayev,  
(Namangan muhandislik-qurilish instituti)*

***Annotatsiya:** oliy ta'lim tizimida olib borilayotgan islohotlarning bir bo'lagi sifatida, malakali muhandis-quruvchilarni raqobatbardosh kadrlar etib tayyorlash, jamiyatimizning quriish industriyasini rivojlanishini bosh omili hisolanadi.*

Bugungi kunda ta'lim sohasi zamonaviy texnologiyalar bilan, yangi innovatsion g'oyalar bilan yo'g'rilgan holatda rivojlantirilmas ekan, bilimli, ilg'or, tajribali kadrlarni tayyorlash muammosi hal qilinmay qolaveradi.

Bu esa nafaqat ta'lim tizimiga, balki jamiyatning barcha sohalarining rivojiga o'zining aks ta'sirini ko'rsatadi. Shu bois, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 apreldagi “Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora –tadbirlari to'g'risida”gi PF-2909-sonli qarori qabul qilindi. Mazkur qaror ijrosi yuzasida 2030 yilgacha oliy ta'lim tizimi konsepsiyasi ishlab chiqildi va amaliyotga tadbiriq etilmoqda.

Prezidentimiz o'z ma'ruzalarida: “Bugun biz davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan yangilashga qaratilgan innovatsion rivojlanish yo'liga o'tmoqdamiz. Bu bejiz emas, albatta. Chunki zamon shiddat bilan rivojlanib borayotgan hozirgi davrda kim yutadi? Yangi fikr, yangi g'oyaga, innovatsiyaga tayangan davlat yutadi. Innovatsiya – bu kelajak degani. Biz buyuk kelajagimizni barpo etishni bugundan boshlaydigan bo'lsak, uni aynan innovatsion g'oyalar, innovatsion yondashuv asosida boshlashimiz kerak”,-deb aytib o'tilgan edi.

Oliy ta'lim muassasalardagi texnik fanlar Nazariy mehanika, Materiallar qarshiligi va Qurilish mexanikasi fanining mavzularini yoritishda, ilg'or axborot texnologiyalardan foydalanish, yangi avlod mutaxassislarni o'z sohasini yetuk kadrlari bo'lib tarbiyalashda asosiy omil sifatida ko'rilmogda.

Shundan kelib chiqib, barcha sohalarda bo'lgani kabi ta'lim sohasida ham axborot kommunikatsiyalari vositalari hamda usullaridan keng foydalanishni ko'zda tutish muhim ahamiyat kasb etadi.

Ta'lim sohasidagi qo'llanilayotgan ilg'or axborot texnologiyalarining asosiylaridan biri – interfaol elektron doskalari hisoblanadi. Bu mo'jiza doskalar zamonaviy texnologiyalar rivojlanishining eng yuqori cho'qqilaridan hisoblanadi. Ular oddiy markerli doskalar kabi ko'rinishga ega bo'lib, ularda yozilayotgan har bir matn, grafik ko'rinish, chizma, jadval kabilar daqiqalarda tez kompyuter ekranida paydo bo'ladi. elektron doskalarining asosiy afzalliklari quyidagilar:

- ma'lumotni tahrirlash ko'lamining kengligi;
- natijalardan nusxa olish, elektron pochta orqali jo'natish, saqlash

- imkoniyatlarining mavjudligi;
- matn, tovush, animatsiya, grafiklardan birgalikda foydalanish imkoniyatining kengligi;
- virtual auditoriya yaratish imkonida namoyon bo'ladi.

Yozib olingan ma'lumotlar fayl ko'rinishida saqlanadi va oddiy printerda chop etilishi mumkin. Interfaol elektron doskada yozilgan matn va grafik ko'rinishlar rangli markerlar bilan shakllantirilishi hamda printer rangli bo'lgan hollarda chop etiladigan nusxalar ham rangli bo'lishi mumkin. Ranglardan foydalanish ma'lumotlarni ajratish va uni samarali qabul qilishga imkon beradi.

Interfaol elektron doskalar aqliy hujumlar uchun ajoyib vositadir. Unda yozilgan axborotlarni, nafaqat muhokama qilish davrida xotirada saqlanadi, balki uni ketma-ket tiklash imkonini ham yaratadi.

Interfaol elektron doskalarga ulangan multimedia-proyektorlar multimediali muhitda ishlash uchun, axborotlarni internet orqali, magnitofon, kompyuter, DVD-disklar, flesh xotira yoki videokameralar bilan taqdimot tipida namoyish qilish uchun sharoit yaratadi.

Interfaol elektron doskalarda yozilgan barcha axborotlar ketma-ketligini kompyuterda namoyish etish uchun dasturiy ta'minotlarda imkoniyatlar ishlab chiqilgan bo'lib, bunday namoyish etishlar ham to'g'ri, ham teskari holda amalga oshirilishi mumkin.

Asosiy vositalar "Troakboard" elektron doska, electron magnitli ruchka, ekran, proyektor, talabalar bilimni baholashda ishlaydigan O`qituvchi-60 dasturi.

"Troakboard" elektron doskasi va o`quv-uslubiy dasturi yordamida mavzuni yoritishda odatiy ma`ruza, taqdimotlar, mashg`ulot orasida savol javoblar, har turli o`yin tarzida talabalarni bilim saviyasini oshiriladi.

Natijada olgan bilimlarini nazariy mexanikadan amaliy mashg`ulot darslarida turli hil masalalarni yechishga tadbiiq eta oladilar.

Hulosa shu bo`ladiki, mavzular bo`yicha o`qitishning yangicha usullari, pedagogik va axborot texnologiyalardan muntazam foydalangan holda talabalarga fanning mazmunini yoritishdan iborat bo`ladi.

Bu kabi ishlarni amalga oshirishda elektron o`quv-uslubiy dasturi ni amaliy foydaliligi yuqori deb baholaymiz.

#### **ADABIYOTLAR:**

1. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 apreldagi "Oliy ta`lim tizimini yanada rivojlantirish chora –tadbirlari to`g`risida"gi PF-2909-sonli qarori
2. I.A.Karimovning "Yuksak bilimli va intellektual rivojlangan avlodni tarbiyalash – mamlakatni baqaror taraqqiy ettirish va modernizatsiya qilishning eng muhim sharti" mavzusidagi Halqaro konferensiyada so`zlagan nutqidan. – Toshkent, 2012 yil, 17 fevral.
3. R.Ishmuhammedov, A.Abduqodirov. Ta`limda innovatsion texnologiyalar. T.,2008

## АЛГОРИТМИЧЕСКИЙ МЕТОД ПЛАНИРОВАНИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННЫМИ СИСТЕМАМИ

доц. И.Х.Норматов

(Ташкентский университет информационных технологий)

А.М.Норматов, Д.Х.Ибрагимов

(Наманганский инженерно-строительный институт)

***Аннотация.** В статье излагаются теоретические основы алгоритмизации управления производственными системами (ПС) на основе их стандартного описания для создания алгоритмических моделей управления, используемых при управлении инструментальным цехом. Дается анализ процессов решения задач при построении алгоритма управления ПС. Предлагается описание процесса решения задачи оперативного управления инструментальным цехом на основе алгоритмического подхода, дается модель построения алгоритма управления ПС. В автоматизированной системе оперативного управления инструментальным цехом используются метод сетевого планирования и двух уровневая система приоритетов - приоритетов заказов и операций.*

Система управления обычно представляет собой трехуровневую систему, реализующую функцию проектирования (планирования) и управления производственным процессом [1].

Верхний уровень - организационно-оперативное управление - формирует производственные задания для конкретных локальных систем управления программным оборудованием. На этом уровне строятся все необходимые стационарные таблицы функционирования (ТФ) производственной системы (ПС) [1]. Стационарные ТФ детализируются и преобразуются в динамические ТФ управляющих мониторов для каждого рабочего места (РМ).

Второй уровень - локальное управление на основании стационарных ТФ - загружает в управляющие мониторы соответствующие технологические циклы(ТЦ), а затем инициирует процесс запуска РМ в соответствии с эталонными стационарными ТФ и осуществляет контроль над выполнением операций по заданным управляющим монитором ТФ.

Нижний уровень представляет собой управляющие мониторы в виде автоматов с магазинной памятью. На данном уровне осуществляется последовательное выполнение операций по заданному управляющему монитору динамической ТФ.

Экспериментальным путем исследуя различных составов керамзитобетона с добавкой КДж-3, содержанием 0,6 и 1,0% от массы цемента выявлено, что высокие показатели эффективности компонентов наблюдались при содержании добавки 1,0%. Физико-механические и свойства керамзитобетона с КДж-3 исследованы путём изготовления 3 серий призмы образцов близнецов размерами 4x4x16 см. Первая серия контрольные образцы без добавки, вторая – с добавкой КДж-3, содержанием – 1,0%. Сроки испытания – 1, 3, 7, 14 и 28 суток после твердения. Результаты испытаний представлены в табл. 2 и 3.

Таблица 1 Лабораторный состав керамзитобетонной смеси

Наименование материала	Состав бетонной смеси, кг		
	на 1 м <sup>3</sup>	контрольные на 7 л замеса	с добавкой КДж-3 на 7 л замеса
Цемент	353	2471	2471
Керамзитовый песок фрак. 0-5 мм	407	2849	2849
Керамзит фрак. 5-10 мм	446	3122	3122
Вода, л	260	1820	1750
Содержание добавки КДж-3 от массы цемента	0,6%	2,1	14,7
	1,0%	3,5	24,5



Исследованиями установлено, что плотность керамзитобетона с введением комплексной химической добавки КДж-3 увеличивается на 8-10%. Введение в составов керамзитобетона добавки КДж-3 повышает прочность керамзитобетона во все сроки твердения. Прирост прочности наблюдается в возрасте 1 сут. На 6%, 3 сут. на 48%, 7 сут. на 87%, 14 сут. на 83% и 28 сут. на 67% по сравнению с проектной прочности керамзитобетона.

**Таблица 2 Результаты исследования прочности при сжатии керамзитобетона с комплексной химической добавкой КДж-3**

№	Наименование образцов	Содержание добавки в % от массы цемента	Средняя плотность, кг/м <sup>3</sup>	Осадка конуса, см	Прочность при сжатии керамзитобетона (МПа) в возрасте и прирост его (%), сутки				
					1	3	7	14	28
1	Контрольные	0	1289	5	$\frac{6,1}{100}$ 0	$\frac{8,6}{100}$	$\frac{9,8}{100}$	$\frac{11,3}{100}$	$\frac{12,5}{100}$
2	Твердение в нормальных температурных условиях	0,6	1367	5	$\frac{5,1}{83}$	$\frac{10,9}{126}$	$\frac{16,4}{167}$	$\frac{18,1}{160}$	$\frac{18,3}{146}$
3	Твердение в нормальных температурных условиях	1,0	1386	5	$\frac{6,5}{106}$	$\frac{12,8}{148}$	$\frac{18,4}{187}$	$\frac{20,7}{183}$	$\frac{20,9}{167}$

**Таблица 3 Результаты Исследования прочности при изгибе керамзитобетона с комплексной химической добавкой КДж-3**

№	Наименование образцов	Содержание добавки в % от массы цемента	Средняя плотность, кг/м <sup>3</sup>	Осадка конуса, см	Прочность при изгибе керамзитобетона (МПа) в возрасте и прирост его (%), сутки				
					1	3	7	14	28
1	Контрольные	0	1289	5	$\frac{1,6}{100}$ 0	$\frac{1,9}{100}$ 0	$\frac{3,5}{100}$ 0	$\frac{3,6}{100}$ 0	$\frac{3,8}{100}$ 0
2	Твердение в нормальных температурных условиях	0,6	1367	5	$\frac{1,8}{112}$ 2	$\frac{2,1}{110}$ 0	$\frac{3,6}{102}$ 2	$\frac{4,6}{127}$ 7	$\frac{4,9}{128}$ 8
3	Твердение в нормальных температурных условиях	1,0	1386	5	$\frac{1,9}{118}$ 8	$\frac{2,5}{131}$ 1	$\frac{3,8}{108}$ 8	$\frac{5,4}{150}$ 0	$\frac{5,6}{147}$ 7

**Заключение.** Таким образом, экспериментальным путем исследуя различных составов керамзитобетона с добавкой КДж-3, содержанием 0,6 и

1,0% от массы цемента выявлено, что высокие показатели эффективности компонентов наблюдались при содержании добавки 1,0%.

### **СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ**

1. Яковлев Г.И., Первушин Г.Н., Керене Д.Я., Полянских И.С., Пудов И.А., Хазеев Д.Р., Сеньков С.А. Комплексная добавка на основе углеродных нанотрубок и микрокремнезема для модификации газосиликата автоклавного твердения.// «Строительные материалы» (Москва) 2014 г. №1-2 ст.3-7
2. Самигов Н.А., Джалилов А.Т., Каримов М.У., Самигов У.Н., Мажидов С.Р. Физико-химическая структура цементных композиций с суперпластификатором нового поколения.//Журнал.«Композиционные материалы» № 3.2016г.С.71-75.
3. Каримов М.У., Джалилов А.Т. Изучение ИК спектров суперпластификатора и влияние его на прочность цементного камня.// «Новые полимерные композиционные материалы» Материалы X международной научно-практической конференции. Нальчик. 2014. – с. 119-122.
4. Samigov N.A., Djalilov A.T., Karimov M.U., Sattorov Z.M. Durability of concrete composition with the complex chemical additive KDj-3. // 20. Internationale Baustofftagung. 12.-14. September 2018. F.A.Finger-Institut für Baustoffkunde Bauhaus-Universität Weimar. // Weimar Bundesrepublik Deutschland. Ibausil.Tagungsband 2. S. 2-1039 – 2-1044.

### **ВЛИЯНИЕ КЕРАМЗИТА НА СВОЙСТВА ПЕНОБЕТОНА**

*Н.А. Самигов, Х.А. Маматов  
(Ташкентский архитектурно-строительный институт)*

*Аннотация* На основании проведенного анализа и лабораторных опытов предварительно можно заключить использования пенобетона с керамзит.

Керамзит используемые в качестве заполнителем в пенобетоне, не только экономят ресурсы, но и улучшают свойства пенобетона. В этой статье термические свойства пенобетона из керамзит были изучены в ходе экспериментов, и результаты были проанализированы. [1,2]

Влияние керамзита на прочность пенобетона изучается в данной статье. Сухая плотность пенобетона, используемого в этом эксперименте, составляет 600 кг / м<sup>3</sup>, который в основном используется в пенобетоне для сохранения тепла в строительстве. [3,4]

Для проведения экспериментальных исследований использовали портландцемент завода «Кувасайцемент» марки ПЦ400 Д20, состав пенобетона (табл.1, 2), марка теплоизоляционная и конструктивный пенобетонной М800.

Экспериментальным путем исследуя различных составов пенобетона что высокие показатели эффективности компонентов наблюдались при содержании керамзита конструктивный пенобетона с керамзита исследованы путём изготовления 2 серий призмы образцов близнецов размерами 4x4x16 см. Первая серия контрольные образцы, вторая – с керамзита. Сроки испытания – 1, 3, 7, 14 и 28 суток после твердения. Результаты испытаний представлены в табл. 3.

Таблица 1 Лабораторный состав с песком теплоизоляционная и конструктивный пенобетонный смеси

№	Наименование материала	Состав пенобетонной смеси, кг	
		на 1 м <sup>3</sup>	контрольные на 5 л замеса
1.	Цемент	300	1500
2.	Песок фрак. 0-5 мм	300	1500
3.	Пено	50	250
4.	Вода, л	160	800

Таблица 2 Лабораторный состав с керамзитом теплоизоляционная и конструктивный пенобетонный смеси

	Наименование материала	Состав пенобетонной смеси, кг	
		на 1 м <sup>3</sup>	контрольные на 5 л замеса
.	Цемент	300	1500
.	Керамзит фрак. 0-5 мм	300	1500
.	Пено	50	250
.	Вода, л	180	900

Введение в состав теплоизоляционная и конструктивный пенобетона керамзит повышает прочность теплоизоляционная и конструктивный пенобетона во все сроки твердения.

Таблица 3 Результаты исследования прочности при сжатии теплоизоляционная и конструктивный пенобетона

№	Наименование образцов	Средняя плотность, кг/м <sup>3</sup>	Прочность при сжатии конструктивный пенобетона (МПа) в возрасте и прирост его (%), сутки				
			1	3	7	14	28
1	С песком	800	<u>0.38</u> 100	<u>0.47</u> 100	<u>0.64</u> 100	<u>0.91</u> 100	<u>1.2</u> 100
2	С керамзитом	850	<u>0.57</u> 150	<u>0.73</u> 155	<u>1.01</u> 158	<u>1.4</u> 154	<u>1.85</u> 154

**Заключение.** Таким образом, экспериментальным путем исследуя различных составов керамзитопенобетона.

### **СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ**

1. Сандан А.С. Влияние технологических факторов на структуру керамзитопенобетона.// Вестник Тувинского государственного университета 2011/3
2. Wu, Y., Tan, X., Liu, Q., Chen, W., Meng, X., Deng, X., Li, W. / Структурный пенобетон с легким заполнителем и полипропиленовым волокном: проектирование изделия с помощью ортогональных испытаний // Полимеры и полимерные композиты. Том 24, выпуск 2, 2016 год, страницы 173-178
3. Yu, X.G., Hu, L., Gao, C., Wu, G.L. / Влияние известняка на прочность пенобетона // Расширенные исследования материалов Том 1058, 2014, страницы 145-148
4. 24. Kilincerlan, Ş., Kaya, Z.R. / Использование отходов хромита в качестве заполнителя при производстве пенобетона // Арабский журнал наук о Земле Том 11, номер 18, 1 сентября 2018 года

### **ЭФФЕКТИВНЫЙ СПОСОБ УЛУЧШЕНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ОБСТАНОВКИ В РАЙОНАХ ТЕПЛОВЫХ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЙ**

*проф.А.Х.Алиазаров, доц. Н.С.Нарзуллаев, магистрант У.И.Жураев  
(Наманганский инженерно-строительный институт)*

Во всем мире в настоящее время 38% электроэнергии производится из угля, в основном на электростанциях, использующих пылевидное угольное топливо [1,2], запасов которого хватит более чем на 200 лет .

Разведанные запасы угля в Узбекистане составляют 1900 млн. тонн, в том числе бурого – 1853, каменного – 47, прогнозные ресурсы составляют 5760, из них бурого угля – 5188,2; каменного – 571 млн. тонн [3].

Как видно из вышеуказанного, более 70% добываемого угля – это бурый уголь Ангреновского месторождения, который является низкокалорийным и высокозольным. Кроме того, основные исследования проводились на золах Ферганской и Папской ТЭЦ, а также на золах Ангреновской ТЭС, где используются бурый уголь Ангреновского месторождения.

В настоящее время на Ново-Ангреновской и Старо-Ангреновской ТЭС после сжигания бурого ангреновского угля при получении электроэнергии скопилось более 50 млн. тонн угольной золы, объем которой ежегодно увеличивается на 1,5 млн. тонн, которая занимает огромные территории, при ветре поднимается в атмосферу и создает экологически опасную ситуацию в окружающей среде [4].

Проведенные физико-химические анализы показывают(таблица 1, 2,3), что есть много отраслей где можно использовать зол тепловых электростанций.

Таблица 1

## Химический состав используемых материалов

Наименование материала	Химический состав, мас. %										
	SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	CaO	MgO	SO <sub>3</sub>	TiO <sub>2</sub>	Na <sub>2</sub> O	K <sub>2</sub> O	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	ппп
Зола Ферганской ТЭС	52,99	18,23	8,05	4,90	1,57	0,49	0,96	0,63	1,85	0,17	9,46
Зола Ангренской ТЭС	38,50	15,75	4,60	14,0	2,90	1,53	0,52	0,73	0,11	2,73	17,32
Зола Папской ТЭС	61,1	21,89	9,65	5,7	0,60	0,58	0,89	0,72	1,65	0,20	9,25

Таблица 2

## Физические характеристики золы Ферганской ТЭС

Плотность, $\rho$ , кг/м <sup>3</sup>	Объемная масса, $V$ , кг/м <sup>3</sup>	Удельная поверхность, $S$ , см <sup>2</sup> /г	Водопотребность, %	Активность по поглощению извести, %	Модуль активности, $M_a$	Модуль основности, $M_o$
2100	1080	2950	39	16,5	0,34	0,08

Таблица 3

## Фракционный состав золы Ферганской ТЭС

Содержание фракций, % . мкм							
0-5	5-10	10-20	20-30	30-40	40-60	60-80	> 80
0,7	2,2	8,1	16,5	30,4	13,8	16,7	11,6

Все отмеченное выше полностью относится и к золам от сжигания твердого топлива, использование которых началось еще в 1935-1937 г.г., когда были установлены их пуццолановые свойства, а широкое внедрение в качестве добавок к цементам и бетонам можно отнести к 60-м годам.

С 50-60-х годов прошлого столетия зола нашла широкое применение в производстве цементов, бетонов и растворов как пуццолановый компонент. В присутствии щелочей зола проявляет свои вяжущие свойства и хорошо сочетается в цементной композиции.

В соответствии с современными представлениями о структуре многокомпонентных материалов, введение золы в состав цементных систем представляет собой наполнение вяжущего, так как зола является типичным высокодисперсным наполнителем. Такой подход к цементно-зольным системам весьма важен, т.к. позволяет использовать методы расчета оптимального наполнения вяжущего и получать экстремумы прочностных показателей с позиций полиструктурной теории композиционных

строительных материалов.

Следует отметить, что есть много областей использования золы тепловых электростанций, где можно использовать в виде теплоизоляционного материала, минеральных удобрений, в дорожном строительстве как основания асфальтов и другие. Есть много способов получения полезных свойств золы, так например, получения сухой строительной смеси путем механического дробления, извлечение полезных элементов химическим путем дающий возможность получения качественного комплексного минерального удобрения и путем ситового разделения получить как основания дорожном строительстве на территориях ТЭС, способствующий улучшения экологической обстановки в районах расположенных тепловых электростанций.

#### **СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:**

1. web: [www.dti.gov.uk/cct/](http://www.dti.gov.uk/cct/)
2. web: [www.ugleman.ru](http://www.ugleman.ru)
3. Шаисламов А.Ш., Бадалов А.А., Шаисламов У.А. Экологические аспекты развития энергетики Узбекистана. В кн: Энергосберегающие технологии и окружающая среда труды межд.конф. 2004 год, Иркутск. - с. 359 - 363
4. Таджиев К., Дядик А., Сафоев М. Золоы – Ангренского угля. Освоение комплексной технологии извлечения ценных компонентов из золы. Экологический вестник. №6, Ташкент. -с.20

#### **ПОРОВАЯ СТРУКТУРА И МОРОЗОСТОЙКОСТЬ БЕТОНА**

*доц. М.А.Мирзажанов, (Ферганский политехнический институт)*

*Аннотация:* Рассматриваются влияние параметров поровой структуры на морозостойкость бетона. Приводятся математические уравнение зависимости морозостойкости мелкозернистого бетона от параметров его поровой структуры.

Среди показателей, определяющих качество строительных материалов, в том числе цементных бетонов, особое значение имеет их морозостойкость. На важность и сложность проблемы обеспечения требуемой морозостойкости бетона, эксплуатируемого в условиях климата Республики Средней Азии, указывает то обстоятельство, что ежегодный ущерб, приносимый народному хозяйству от преждевременного разрушения бетонных и железобетонных сооружений в результате воздействия то низких, то высоких температур и переменной влажности, исчисляется десятками миллионов долларов. Поэтому, изучение факторов, влияющих на морозостойкость бетона является одной из актуальных задач современной науки о бетоне.

Механизм разрушения бетона от совместного воздействия воды и мороза сложный, и по этому вопросу существует множество различных

гипотез (кристаллизационный давления льда, гидравлическое давление в капиллярах при отжати воды из зоны замерзания, гидравлическое давление в порах и капиллярах, различие в коэффициентах линейного различие льда и скелета заполнителей и т.д.) [1,3,4]. Дискуссии о справедливости той или иной гипотезы о причинах разрушения бетона при замораживании и оттаивании продолжают и отдать предпочтение какой-либо из них пока не представляется возможным.

Целью данной работы явилось изучение взаимосвязи морозостойкости мелкозернистого бетона с параметрами его поровой структуры.

В исследованиях, качестве вяжущего был использован портландцемент марки М-400 Д0 АО «Кувасайцемент» (ГОСТ 10178-85). Бетонные смеси приготовились из мелкозернистого щебня Файзабадского карьера (Узбекистан). Исследования проводились на образцах-кубах с ребром 10 см, изготовленных из мелкозернистой бетонной смеси с объемной концентрацией цементного теста 0,35; 0,4 и 1,0 и водоцементным отношением 0,30; 0,35; 0,40 и 0,45. Объемную концентрацию цементного теста в бетонных смесях устанавливали с учетом водопотребности песка по методике МИСИ [5].

Испытания образцов на морозостойкость были проведены в соответствии с УзРСТ 10060-95 [2]. Одновременно на идентичных образцах определяли: объем общих и открытых пор, показатели среднего размера пор и однородности пор по размерам [6].

Кроме того, для оценки объема «резервных» пор был использован коэффициент замкнутости пор ( $K_{зп}$ ), который определялся как отношение открытой пористости бетона к его общей пористости.

Математическая обработка полученных данных методом наименьших квадратов показала, что зависимость морозостойкости бетона от параметров его поровой структуры подчиняется линейным и параболическим закономерностям и аппроксимируются уравнениями, представленными в таблице.

Таблица.

**Уравнение зависимости морозостойкости бетона от параметров его поровой структуры.**

Уравнение регрессии	Коэффициент корреляции
$F = a + bC_{цк} - (C+dC_{цк}) П_{общ}$	0,572
.	
$F = a + bC_{цк} - (C+dC_{цк}) П_{отк}$	0,689
.	
$F = a + bC_{цк} - (C+dC_{цк}) K_{зп}$	0,761
.	

$$F = C_{\text{цк}} 10^{\alpha\lambda\alpha+b - (C + d\alpha)\lambda} \quad 0,873$$

$$F = C_{\text{цк}} 10^{\alpha\lambda\alpha+b - (C + d\alpha)\lambda K_{\text{зп}}} \quad 0,916$$

где F - морозостойкость бетона, цикл;

$C_{\text{цк}}$  - объемная концентрация цементного теста в бетонной смеси;

$P_{\text{общ}}$ ,  $P_{\text{отк}}$  - общая и открытая пористость;

$\alpha$ ,  $\lambda$  - показатели среднего размера пор и однородности пор по размерам;

a, b, c, d – коэффициенты регрессии.

Корреляционным анализом полученных зависимостей установлено, что наиболее слабыми являются связи морозостойкости бетона с его общей и открытой пористостью. Это указывает на то, что общая и открытая пористость не являются достаточными чувствительными показателями, связывающими морозостойкость бетона с его поровой структурой. Наиболее чувствительными являются показатель среднего размера пор, коэффициенты условно-замкнутости и однородности пор по размерам, также объемная концентрация цементного теста в бетонной смеси. Учет этих показателей позволили значительно повысить связь морозостойкости бетона с его поровой структурой, о чем свидетельствуют полученные значения коэффициента корреляции.

Выявленная тесная корреляционная связь между морозостойкостью и показателями поровой структуры даёт возможность достаточно точно прогнозировать морозостойкость бетона.

На основе проведенных исследований был разработан метод ускоренного прогнозирования бетона, который в настоящее время используется нами при составлении и опубликовании «Методических рекомендаций по прогнозированию морозостойкости бетона по параметрам структуры его пор».

#### ЛИТЕРАТУРА:

1. Горчаков Г.И. и др. Состав, структура и свойства цементных бетонов. М., Стройиздат, 1976, 144 с.
2. ГОСТ 10060-2012 Бетоны. Методы определения морозостойкости
3. Грапп В.Б., Каплан А.С., Розенберг Т.И. Зависимость морозостойкости бетонной с добавками электролитов от параметров поровой структуры. //Неразрушающие методы испытаний строительных материалов и конструкций. №2, Рига, 1976, с.211-221.
4. Иванов Ф.М., Гладков В.С., Виноградов О.А. Определение морозостойкости бетонов ускоренным методом // Труды



координационного совещания по гидротехнике, вып 45, «Энергия», Л., 1985, с 16-26.

5. Рекомендации по оперативному производственному контролю морозостойкости бетона, КТБГМПСМ, МИСИ, М., 1981, 16 с.
6. Мирзажонов М.А., Чеховский Ю.В., Касимов И.К. Способ определения параметров структуры порового пространства образцов капиллярно-пористого материала. Автор. Свидетельство №818267, 11 с.

## **АСФАЛТ ЙЎЛЛАРИ УЧУН НЕФТ ҚУЙИҚАСИДАН БОҒЛОВЧИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИК ҚУРИЛМАСИ**

*к.и.х. Б.А.Шукуруллаев, к.и.х. О.Ю. Исмаилов  
(ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти)*

***Аннотация:** Мақолада нефтни қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш жараёналарида ҳосил бўладиган нефт қуйқаларидан асфалт йўллари учун боғловчи олиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида яратилган ярим ишлаб-чиқариш қурилмаси ва уни ишлаш принциплари келтирилган.*

Маълумки, турли хил нефт қуйқаларини чуқур қайта ишлаш кўп босқичли, мураккаб технологик ва оғир меҳнат талаб қиладиган жараён ҳисобланиб, юқори энергия талаб қилувчи кўзгалмас конструкцияга эга катта габарит ўлчамли қурилмалар туркумига киради.

Шу сабабдан янги технология асосида суюқ нефт қуйқаларидан асфалт йўллар учун боғловчилар олиш технологик жараёнини соддалаштириш, енгил ва мураккаб бўлмаган конструкцияга эга суюқ нефт қуйқаларидан боғловчи олиш технологиясини яратиш муҳим вазифа ҳисобланади.


Юқоридаги талабларга мос равишда асфалт йўллари қопламалари тайёрлашниш учун узлуксиз режимда ишловчи тажриба қурилмаси яратилди (1-расм). Ушбу қурилма инновацион технология ҳисобланиб, у қуйидаги технологик параметрларга эга:

Маҳсус тайёрланган 1 м<sup>3</sup> ҳажмли таг қисми бурчак остида ясалган идиш 1 га суюқ нефт қуйқалари қуйилади. Сўнгра газ қувури 18 орқали колонна 3 таг қисмига газ ёқилади ва бир вақтни ўзида ҳаво жўмраги 17 орқали оксидловчи ҳаво (200 КПа, 260-280 °С) оқими колонна қуйи қисмидан барботаж усулида берила бошланади. Колоннадан чиқаётган иссиқ оқим қувур 23 орқали суюқ нефт қуйқасини сакловчи идиш 1 орқали ўтиб, нефт қуйқасини керакли ҳароратгача (50-55°С) қиздиради. Сўнгра, жўмрак 2 аста секинлик билан очилиб, 350-400 °С гача кўтарилган колонна колоннанинг пастки секциясига юборилади. Суюқ нефт қуйқаси таркибидаги енгил учувчан фракциялар буғланиб, колонна юқорисига қараб ҳаракатланади ва 8 қувур орқали буғ фракциясини совитиш учун конденсатор 9 (конденсатордаги енгил фракциялар сув ёрдамида совитилади) орқали конденсацияланиб, конденсат йиғиш учун ўлчамли колба 13 га тушади. Ушбу ўлчамли колбада конденсацияланган фракцияларни буғланиш ҳарорати орқали аниқлаб

фракцияларга ажратиш учун хизмат қилади. Ҳар бир фракция ўзининг фракцион таркиби бўйича алоҳида идишларга қуйиб олинади.

Фракцияларни колоннадан чиқишдаги ҳарорати 16 термометрлар орқали, колоннадаги босим 7 манометр орқали кузатиб турилади. Ортиқча босим чиқариш клапани 6 орқали атмосферага автоматик тарзда чиқиб туради. Суюқ нефт қуйқаларига оксидловчи ҳаво бериш натижасида ҳосил бўлган ароматик углеводородларни сақловчи газлар 10 фильтр орқали тозаланиб 12 қувур орқали атмосферага чиқариб юборилади. Колонна ичига нефт қуйқаси таркибидаги енгил фракцияларни ажратиш аниқлигини ошириш учун махсус тарелкалар 5 жойлаштирилган ҳайдалади. Боғловчи таркибида қолган механик қўшимчалар 21 қувур орқали 22 идишга йиғиб олинади. Колоннанинг куб қисмидаги қолдиқ масса (тайёр боғловчи) 19 жўмрак орқали 20 идишга йиғиб олинади. Олинган қолдиқ масса асфалт йўллари учун боғловчи сифатида ишлатиш мумкин. Тажриба қурилмасида жараён узлукли ва узлуксиз тарзда амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, доимий равишда фракцияларга ажратиш ва оксидлаш жараёни амалга оширилади [1,2].

Суюқ нефт қуйқасидан оксидлаш йўли билан боғловчи олишда, 1 тонна суюқ нефт қуйқасидан 85 % гача боғловчи, 6,6 % енгил фракция, 8,2 % сув ажралиб чиқади ва технологик жараёндаги йўқотишлар 0,2 % дан ортмайди. Ушбу усул билан суюқ нефт қуйқаларидан боғловчи олиш усули энг самарали усул ҳисобланиб, нефт қуйқасининг кимёвий таркибидан келиб чиқиб, 70-90 % гача боғловчи олиш имконияти мавжуд.



**1-расм. Суюқ нефт қуйқасидан боғловчи олиш қурилмасининг технологик схемаси:** 1-хом ашё учун идиш; 2-хом ашёни сарфини ростлаш учун кран; 3-хайдаш колоннаси; 4-колоннанинг ўчоқ қисми, 5-тарелкалар, 6-ортиқчи босимни чиқариш учун клапан; 7-колоннадаги босимни ўлчаш учун манометр; 8-буғ фракциясини чиқариш қувури; 9-фракцияни совутиш учун конденсатор, 10-фильтр, 11-фильтрланган масса чиқиш жўмраги, 12-тозаланган газ чиқиш жойи, 13- совиган фракцияларни тўпланиш жойи, 14-фракцияни йиғиш учун идиш, 15-ўчоқни азбест қопламаси, 16-термометрлар, 17- оксидловчи ҳаво учун қувур, 18-газ қувури, 19-тайёр маҳсулот учун қувур, 20- тайёр маҳсулот учун идиш, 21-тайёр маҳсулот таркибидан механик қўшим-чаларни ажратиш учун жўмрак, 22-механик қўшимчаларни йиғиш учун идиш, 23-ёнган газ тутунини чиқариш учун қувур,

*24-суюқ нефт шламларини тарки-бидаги меҳаник қўшимчаларни ажратилиш қувури, 25-колоннанинг бетон асоси.*

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Shukurullaev Botir Amanboyevich, Yusupov Farhod Makhkamovich Commercial oil sludge as a source of binder for asphalt-concrete roads and their quality//Austrian Journal of Technical and Natural Sciences. January – February № 7–8, 2018, pp.72-76.
2. Б.А. Шукуруллаев, Ш.Б.Ҳамидов Получение окисленного связующего из промышленных нефтешламов «Актуальные проблемы очистки нефти и газа от примесей различными физико-химическими методами» Сборник трудов Республиканской научно-практической конференции 27 апрель 2019. с. 121-123

### **ЎЗБЕКИСТОН ИССИҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИДА АСФАЛЬТБЕТОН ҚОРИШМАСИ ВА АСФАЛЬТБЕТОН УЧУН ТЕХНИК ТАЛАБЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

*к.т.н. А.М. Карабаев*

*(Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти)*

*С.З. Курбонов (АЙИТИ)*

***Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон иссиқ-иқлим шароити учун асфальтбетон қоришмаси таркибини яратиш устида сўз юритилади. Бунинг учун хориж тажрибаси мисол қилиб келтирилади.*

Бугунги кунда Ўзбекистондаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, ички хўжалик йўллари ва шаҳар кўчаларида ҳаракат жадаллигининг ортиши, фасллардаги ўзгаришлар натижасида ишлаб чиқарилаётган асфальтбетон қоришмалари меъёрларини қайта кўриб чиқиш зарурияти туғилмоқда. Маълумки, юртимизда сўнги йилларда ёз фаслининг иссиқ бўлиши, инерт материалларни майдаловчи цехларда чақик тош ва кумнинг меъёрий талабларга мос келмаслиги, тўлдирувчи сифатида минерал кукундан фойдаланмаслик ва қовушқоқ йўлбоп нефт битумларининг кўрсаткичлари ҳар бир минтақага мувофиқмаслиги оқибатида турли хилдаги муаммолар юзага чиқмоқда. Шунингдек, сўнги 10 йилда Марказий Осиё давлатларида автомобиль йўллари соҳасида ўз иқлимига мос стандартлар ишлаб чиқилиши ва йўл-қурилиш материаллари ишлаб чиқишни дунё стандартларига мослаш оқибатида бир қатор натижаларга эришилди. Мисол учун, Қозоғистон Республикасида СТ РК 1225-2013 “Автомобиль йўллари ва аэродромлар учун асфальтбетон қоришмаси ва асфальтбетон. Техник шартлар” [1] стандарти ишлаб чиқилди. Ушбу стандартнинг юртимизда қўлланилаётган ГОСТ 9128-2013 “Автомобиль йўллари ва аэродромлар учун асфальтбетон, полимерасфальтбетон қоришмаси, асфальтбетон ва полимерасфальтбетон. Техник шартлар” [2] билан фарқларини санаб ўтамиз.

1. СТ РК 1225-2013 да қоришмаларнинг донадорлик таркибини аниқлашда чақиқ тош учун 2,5; 5; 10; 15; 20; 40 mm думалок элаклар билан бирга тўртбурчак элаклар мос равишда 2,0; 4,0; 8; 12; 16; 32 mm ўлчамлари берилган. Ушбу ҳолат ГОСТ 9128-2013 да кўрсатилмаган. Нафақат Қозоғистон Республикаси, балки юртимизда ҳам хорижий давлатлардан келтириляётган аксарият асфальтбетон корхоналари ва тош майдалаш цехларида тўртбурчак элаклардан фойдаланилади. Ушбу цехлардан чиқган маҳсулотлар стандарт талабларига мос келмаслиги оқибатида асфальтбетон қоришмасининг хоссалари ўзгаришига олиб келмоқда.

2. СТ РК 1225-2013 техник шартларининг 5.14 бандида асфальтбетон қоришмаси учун қуйидаги 1-жадвалда кўрсатилаган кўрсаткичлар ва уларнинг талаблари келтирилган:

1-жадвал

Иссиқ, майда донали ва қумли асфальтбетон қоришмаси ва асфальтбетон учун коэффицентлар

Кўрсаткичлар номи	Қиймати
Турғунлик, кN, барча турдаги марка I қоришмалар учун	6-12
Оқувчанлик, mm	3-5
Шартли қаттиқлик коэффиценти, кN/mm, барча турдаги марка I қоришмалар учун, камида	1,25

Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш синов усули ГОСТ 12801-98 “Материалы на основе органических вяжущих для дорожного и аэродромного строительства. Методы испытаний” [3] да кўрсатилмаган. Шу сабабли, Қозоғистонда асфальтбетон қоришмаси ва асфальтбетонни синаш усули СТ РК 1218-2013 “Материалы на основе органических вяжущих для дорожного и аэродромного строительства. Методы испытаний” [4] синов усулини ишлаб чиқилган ва юқорида кўрсатилган кўрсаткичларнинг синов усуллари ушбу синов усулига киритган.

Юқоридаги кўрсаткичлар иссиқ, қуруқ иқлим шароитида асфальтбетон қопламада турли хилдаги нуқсонлар (ғилдиркасимон излар, кўндаланг ва бўйлама норавонликлар, бузилишлар ва ҳ.к.) олдини олиш учун зарурдир.

3. ГОСТ 9128-2013 стандартида нафақат асфальтбетон қоришмаси ва асфальтбетон, балки полимерасфальтбетон қоришмаси ва полимерасфальтбетон бўйича талаблар ҳам киритилган. СТ РК 1225-2013 да эса фақатгина асфальтбетон қоришмаси ва асфальтбетон учун талаблар киритилган. Россия Федерацияси, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларида полимерасфальтбетон қоришмаси ва полимерасфальтбетон ишлатиш билан бирга чақиқ тош-мастикали асфальтбетон қоришмасидан фойдаланиш амалиётга кенг тадбиқ этилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қўлланиляётган асфальтбетон қоришмаси ва асфальтбетоннинг фойдаланишдаги асосий камчилиги иссиқ, қуруқ иқлим шароитида қопламаларда ғилдираксимон излар ҳосил бўлишидир. Шунингдек, қишнинг совуқ кунларида “совуқ-илиқ” даврларида қопламада кўндаланг ва бўйлама ёриқлар ҳосил бўлишидир. Шунингдек, қоришма учун

қўлланилаётган инерт материаллар ва боғловчи (битум)нинг физик-механик хоссалари техник-фойдаланиш қопламанинг кўрсаткичларига таъсир кўрсатмоқда. Қуйидаги 2-, 3-жадвал ва 1-, 2 – расмларда бугунги йўл-қурилиш ишларида қўлланилаётган асфальтбетон қоришмалари, уларни инерт материалларининг физик-механик хоссалари кўрсатилган:

2-жадвал

Шағалдан олинган чақик тош, қум, минерал кукун ва қовушқоқ йўлбоп нефт битумининг физик-механик хоссалари

Кўрсаткичлар номи	Ўл.би р.	Меъёрий хужжат талаби	Амалда	
1	2	3	4	
<b>Чақик тош фр. 5-10 mm ГОСТ 8267-93 бўйича</b>				
Донаадорлик таркиб	d		90-100	98,3
	0,5 (d+D)	%	30-60	66,2
	D		10 гача	9,8
	1,25 D		0,5 гача	0,0
Ейилиш бўйича маркаси	%		10 гача, М 1000	8,3
Емирилиш бўйича маркаси	%	25 гача, И1	21,0	
Чақилган зарралар миқдори	%	80 (60) камида	72,4	
Игнасимон ва япалоқсимон зарралар миқдори	%	10-15, 2 гуруҳ	11,1	
Чанг ва гил миқдори	%	Кўпи билан 1	0,2	
<b>Чақик тош фр. 10-20 mm ГОСТ 8267-93 бўйича</b>				
Донаадорлик таркиб	d		90-100	99,9
	0,5 (d+D)	%	30-60	26,5
	D		10 гача	22,1
	1,25 D		0,5 гача	0,0
Ейилиш бўйича маркаси	%		10 гача, М 1000	7,6
Емирилиш бўйича маркаси	%	25 гача, И1	22,4	
Чақилган зарралар миқдори	%	80 (60) камида	59,4	
Игнасимон ва япалоқсимон зарралар миқдори	%	10-15, 2 гуруҳ	13,9	
Чанг ва гил миқдори	%	Кўпи билан 1	0,1	
<b>Чақик тош фр. 20-40 mm ГОСТ 8267-93 бўйича</b>				
Донаадорлик таркиб	d		90-100	91,3
	0,5 (d+D)	%	30-60	22,1
	D		10 гача	0,0


	1,25 D		0,5 гача	0,0
Ейилиш бўйича маркаси		%	10 гача, М 1000	8,3
Емирилиш бўйича маркаси		%	25 гача, И1	20,8
Чақилган зарралар миқдори		%	80 (60) камида	49,3
Игнасимон ва япалоқсимон зарралар миқдори		%	10-15,2 гурух	14,3
Чанг ва гил миқдори		%	Кўпи билан 1	0,0
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	
<b>Қум фр. 0-5 mm ГОСТ 31424-2010 бўйича</b>				
Йириклик модули	Мк		3,5 дан юқори	3,55
Қум гуруҳи			Бойитилган йирикликда	
Қум синфи			II	
10 mm дан йирик зарралар миқдори		%	5 гача	6,8
5 mm дан йирик зарралар миқдори		%	15 гача	29,3
0,16 mm дан кичик зарралар миқдори		%	10 гача	5,3
№ 063 элакдаги қолдиқ		%	65-75	63,2
Чанг ва гил миқдори		%	10 гача	2,8
Кесаклашган лойлар миқдори		%	2 гача	0,3
<b>Минерал кукун ГОСТ 16557-2005 бўйича</b>				
Донадорлик таркиб, оғирлик бўйича: кичик 1,25 mm « 0,315 » « 0,071 »		%	камида 100 камида 90 70-80	100 98,8 55,2
Ғоваклик, %, кўпи билан		%	35	34,3
Минерал кукун ва битум аралашмасининг кўпчиши, %, кўпи билан		%	2,5	1,5
Намлик, % оғирлик бўйича, кўпи билан		%	1,0	0,0
<b>Йўлбоп, қовушқоқ нефт битуми, марка БНД 60/90</b>				
Игнани ботиш чуқурлиги, 25 °С хароратда		0,1 mm	61-90	85
0 °С хароратда		0,1 mm	Камида 20	17
Юмшаш харорати, камида		°С	47	47
Чўзилувчанлиги, 25 °С хароратда, камида		cm	55	57
Чўзилувчанлиги, 0 °С хароратда, камида		cm	3,5	4
Мўртлик харорати, камида		°С	-17	-8
Чакнаш харорати, камида		°С	230	<230
Қиздирилгандан кейинги харорат		°С	5	3

Ўзгариши, кўпи билан			
Пенетрация индекси		- 1,0	-0,6
		÷+1,0	

3-жадвал

Иссиқ, йирик донали ғовак асфальтбетон физик-механик хоссалари


Кўрсаткичлар номи	л.	Меъерий ҳужжат талаби	Амалда
Сув шимувчанлик		4,0-10,0	8,9
Минерал зарралар ғоваклиги		Кўпи билан 23	15,0
Қолдиқли ғоваклик		5,0-10,0	8,4
Зичлик	/cm <sup>3</sup>	-	2,28



1-расм. Йирик донали ғовак асфальтбетон қоришмаси донадорлик таркиби

Юқоридаги 1-2 расмлардан шу нарса аниқ бўлдики, инерт материаллар донадорлик таркиби стандарт талабларидан фарқ қилганлиги боис, “синишлар” ва “ноодатий” кўринишлар ҳосил бўлмоқда. Бу 2-жадвалда кўрсатилганидек, чақик тош, кум ва минерал кукуннинг хоссалари меъёр талаби даражасида эмаслигидадир.

Юқоридаги 3-жадвалда иссиқ, йирик донали ғовак асфальтбетон физик-механик хоссалари кўрсатилган бўлиб, кўрсаткичлар меъёрнинг юқори чегарасига яқин. Ушбу қоришма қопламага ётқизилгандан кейин, натижалар меъёр талабидан чекинишларга олиб келади. Ушбу кўрсаткичларни яхшилаш учун эса, барча инерт материаллар ва боғловчиларни кўрсаткичларини амалиётдаги натижалар билан гормонизация қилиш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга тўғри келади.



2-расм. Йирик донали ғовак асфальтбетон қоришмаси донадорлик таркиби

Таҳлиллар шуни кўрсатадики МДХ мамлакатлари учун ишлаб чиқилган ГОСТ 9128-2013 “Автомобиль йўллари ва аэродромлар учун асфальтбетон, полимерасфальтбетон қоришмаси, асфальтбетон ва полимерасфальтбетон. Техник шартлар” Ўзбекистон шароитига мос келмайди. Ушбу йўналишда кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши тақозо этилади.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. СТ РК 1225-2013 “Автомобиль йўллари ва аэродромлар учун асфальтбетон қоришмаси ва асфальтбетон. Техник шартлар”
2. ГОСТ 9128-2013 “Автомобиль йўллари ва аэродромлар учун асфальтбетон, полимерасфальтбетон қоришмаси, асфальтбетон ва полимерасфальтбетон. Техник шартлар”
3. ГОСТ 12801-98 “Материалы на основе органических вяжущих для дорожного и аэродромного строительства. Методы испытаний”
4. СТ РК 1218-2013 “Материалы на основе органических вяжущих для дорожного и аэродромного строительства. Методы испытаний”

#### ЁНГИНГА ЧИДАМЛИ ТЎҚИМАЧИЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ ЯРАТИШ БОРАСИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

*м.и. М.Р.Досчанов (Ёнгин хавфсизлиги институти),  
проф. А.С.Рафиқов (Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти)*

**Аннотация.** Мазкур мақола оловбардош композиция билан ишлов берилган тўқимачилик материалларининг хусусиятлари тадқиқига бағишланган. Пахта матосига оловбардош композиция билан ишлов бериш шароитлари ва композиция таркиби тадқиқ этилди. Ишлов берилган тўқимачилик материалларининг ёнгандаги газсимон маҳсулотларини ёриглик ўтказувчанлиги, туташ давомийлиги ва тутун ҳосил бўлиш коэффициенти аниқланди.



Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳақидаги қонунчилик асосларига биноан корхона маъмурияти ишчи ва хизматчиларни бепул шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаши, уларни сақлаш, ювиш, қуриштириш ва дезинфекциялаш, дезактивациялаш ва таъмирлаш ишларини бажариши керак. Бошқа тармоқлар сингари тўқимачилик саноати корхоналари ишчиларини ҳам махсус коржома, пояфзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш кўзда тутилган.

Юқори ҳароратга чидамли ҳимоя кийимлари ассортиментини яхшилаш ва кенгайтиришнинг долзарблиги инобатга оладиган бўлсак бу ўз навбатида антипиренларига бир неча талабларни қўйиши табиий ҳолдир. Масалан; ўтга чидамлик (ишлов олган тўқима материал ўтни эркин тарзда сўндириши ва қисман ёнишдан кейин ўз тузилишини сақлаб қолиш имкониятига эга бўлиши), танлаб олинган антипирен албатта арзон бўлиши, антипирен билан ишлов берилган тўқима материал узок муддат хизмат қилиши ( камида 5-7 йил ёки ундан ҳам кўпроқ), антипирен билан ишлов берилган мато яхши ташқи кўринишга эга бўлиши (тўқима материалнинг ранги ва маҳсулот сифати бўйича ҳеч қандай чекловларга эга бўлмаслиги керак), антипирен билан ишлов олган материал тозалаш вақтида тозалаш воситалари таркибларига юқори бардошлик ва маиший ифлосликлардан енгил тозаланиш хусусиятига эга бўлиши керак.

Бундан ташқари оловбардошлик хоссасини берувчи антипирен билан ишлов олган тўқима материал гипоаллергик хусусиятга эга бўлиши ( жумладан махсус ҳимоя кийимлари бўлса ундан фойдаланилганда турли хилдаги аллергия касалликларини келтириб чиқармаслиги, паздоз олган материални қайта ишлашда юқори технологик хусусиятга эга бўлиши (бичиш ва тикишда яхши кесилиши, статик электирланмайдиган бўлиши лозим).

Яна бир жуда муҳим жиҳати борки, бу ҳам бўлса оловбардошлик хоссасини беришда фойдаланиладиган антипирен таркиби захарли бўлмаслиги жуда муҳим саналади. Бундан ташқари ёниш маҳсулотларининг захарли бўлмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади. Антипиреннинг таркиби захарсиз бўлганидан кейин уни қўллаш соҳаларини кенгайтирилади.

Илмий тадқиқод натижалари шуни кўрсатади-ки, оловбардош матолар сифатида тавсия этилган тўқимачилик материаллари вақт ўтиши билан ўз хусусиятларини ўзгартиради, яъни ёнғин пайдо бўлганда матонинг ёниши кузатилади.

Бунинг асосий сабаби, антипиренларни мато ичига тўқимачилик кирмаслигидандир, шунингдек тавсия этилаётган антипиренларни тўқимачилик материалларига оловга бардошлигини ошириш бўйича усулларни ўрганилмаганлиги ҳисобланади. Бундай усулнинг мавжуд эмаслиги, турли газламаларнинг ёнишининг ўзига хослиги ёниш оқибатида толанинг термик парчаланишидан ажраладиган маҳсулотларнинг кимёвий таркибига ва уларнинг характериға боғлиқ бўлади.

Тўқимачилик матоларига алангадан сақловчи хосса бериш учун улар таркибига алангаланишни секинлаштирувчи ёки ёниш жараёнининг айрим

бочкичларига барҳам берувчи антиптренилар қўшилади.

Таркибида материалларга ёниш ҳароратида ёнмайдиган газлар ажралиши билан парчаланадиган моддалар (борат кислотаси, акрил эмульсия, корбамид, аммофос ва полиакриламид) ва ёниш чоғида ҳаво билан материал орасида ёнмайдиган плёнка (парда) ҳосил қилувчи-каллоген бўлган антипиренни тўқимачилик материалларини оловбардошлигини ошириш мақсадида, целлюлоза толали матога шимдирилади.

Антипирен шимдирилган матони ёндириб кўрилганда, мато ёнмасдан чўғланганлиги кузатилди. Маълум вақт ўтиб, матони ювиб, қуритилган сўнг ёндирилганда матонинг ёниши кузатилди. Бу эса ёмғирли кунда ювишга (хўл ишловлар беришга) об-ҳаво ва ёруғлик ҳамда бошқа физик-кимёвий таъсирларга турғунлик берувчи, алангадан сақловчи пардозлашнинг универсал усули ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатади.

Матонинг оловбардошлик хусусиятларини узайтириш мақсадида, бир неча усул бўйича тадқиқот ўтказиш мақсадида қуйидаги тартибда изланиш олиб борилиб Ўзбекистон Республикаси Ёнғин хавфсизлиги муаммолари бўйича Илмий-текшириш маркази лабораториясида ГОСТ 28157-89 “Пластмасса. Модда ва материалларнинг аланга тарқалиш тезлигини аниқлаш” қурилмасида тажриба синов ишлари ўтказилди.

Намуналарни ГОСТ 28157-89 талаблари бўйича 125x12x0,1 мм ўлчамда кесиб олинди. Тажриба аввал ГОСТда келтирилган А-услуг бўйича ўтказилди. Бунда барча намуналар (горизонтал ҳолатда) 30 секунд давомида текширилганда, намунага аланга тегиб турган қисми ёнди ва горелка олингандан сўнг мато аланганишдан тўхтади.

ГОСТ талабига асосан А-услуг бўйича намунага горелка ёрдамида аланга таъсир этирилганда намуна алангаланишдан тўختаса, ушбу тажрибани Б-услуг бўйича ўтказиш кераклиги белгилаб қўйилган.

Шунинг учун матолар Б-услуг бўйича (вертикал ҳолатда) текширилди.

Бунда аланга намунанинг пастки қисмига 10 секунд давомида таъсир этирилади. Агар у ҳолда ҳам намуна ёнмаса намунага аланга яна бир бор 10 секунд давомида таъсир этирилади. Намуна ёнадиган бўлса у ҳолда унинг ёниб тугаш вақти ва чўғланиш вақти ўлчанилади.

Намуналарнинг текшириш жараёнида қуйидаги натижалар олинди:

Намуна тартиб рақами	Намунага оловнинг таъсир этиш вақти, сек	Намунанинг эркин ёниш вақти, сек	Намунанинг охиригача ёниш вақти, сек	Чўғланиш вақти, сек	Хулоса
№1	10 секунд	-	-	48,6	ёнмади
№2	10 секунд	-	-	22	ёнмади
№3	10 секунд	-	-	20,4	ёнмади

Б-услугда намунага аланга таъсир этирилгандан сўнг, чўғланиш кузатилди. Бунда ёнувчи томчи ҳосил қилиши кузатилмади. №3, №2 синов намуналар ГОСТ 28157-89 бўйича ПВ-0 тоифага, №1 синов намунаси ПВ-1 тоифага мувофиқлиги аниқланди[1].

Юқорида таъкидланганидек, ёниш вақтида ажралиб чиқаётган тутуннинг таркибий қисмини “нормал газ” деб аталувчи (кислород, азот, карбонат ва углерод оксиди) моддалар ташкил этувчи ис газининг ҳаётига жиддий хавф солади. Шунинг учун тавсия этилаётган оловбардош матоларнинг тутун ҳосил қилиш коэффициентини аниқлаш талаб этилади. Бунинг учун тутун ҳосил қилиш коэффициентини аниқлаш формуласидан фойдаланилди.

$$D_m = \frac{V}{Lm} \ln \frac{T_0}{T_{min}} \quad (1)$$

$V$  – туташ камерасининг ҳажми, м<sup>3</sup>;

$L$  – туташган газли муҳитдаги ёруғлик нурунинг узунлиги, м;

$m$  – намунасининг массаси, кг;

$T_0, T_{min}$  - ёруғлик нурунинг бошланғич ва якуний кўриниш даражаси, %.

Сўнгра алоҳида ўлчамларнинг ўртача арифметик қиймати ҳисобланиб, охириги қиймат сифатида 2 та тенг кам кўрсаткич қабул қилинади. Туташ коэффициенти бўйича материаллар ШНК 2.01.02-04 "Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги" меъёрий ҳужжати бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади [2].

**Туташ хусусияти бўйича материалларнинг таснифланиши**  
**Жадвал**

Т/р	Туташ хусусиятига бўйича гуруҳлар	Туташ коэффициенти Дж, м <sup>2</sup> /кг
1.	T <sub>1</sub> (оз туташ қобилиятига эга бўлган)	≤50
2.	T <sub>2</sub> (мўътадил туташ қобилиятига эга бўлган)	50-500
3.	T <sub>3</sub> (юқори туташ қобилиятига эга бўлган)	>500

**АДАБИЁТЛАР**

1. ШНК 2.01.02-04 "Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги". ЎзР Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, Тошкент -2005 йил.5-7-бет.
2. N.A.Samig'ov va boshqalar. Bino, inshootlar va ularning yong'inga bardoshliligi. Qurilish materiallari va ularning yong'in sharoitidagi chidamliligi. "Tafakkur" nashriyoti, -Toshkent – 2010 yil. 43-46-bet.

**ЮҚОРИ САМАРАДОР ОЛИГОМЕР АНТИПИРЕНЛАРНИНГ**  
**АҲАМИЯТИ**

*доцент И.И.Сидиков, м.и.С.Қ.Жумаев (Ёнғин хавфсизлиги институти)*

**Аннотацияси:** Мақолада маҳаллий хомашёлар асосида олинган олигомер антипиренлар билан ишлов берилган ёғоч материалларининг ёнғинбардошлик даражасини камайтириш бўйича маълумотлар ёритилган.

Бугунги кунда муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан “Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб

чиқариш”га алоҳида эътибор берилаётгани ҳам бежиз эмас, албатта. Ҳозиги пайтда маҳаллийлаштирилган корхоналар нафақат ички бозорни тўлдириб бормоқда, балки улар экспорт бозорига ҳам чиқмоқда. Илмий-техник тараққиётнинг ривожланиши билан бир қаторда замонавий қурилишлар ҳам ўзига хос ривожланиб бормоқда. Замонавий қурилишларда ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари кенг қўлланилиб келмоқда. [1]

Маълумки, ёғоч материалларни ёнғиндан ҳимоялашдаги энг самарали усуллардан бири бу уларни антипиренлар билан ишлов бериш ҳисобланади. Лекин, аксарият антипиренлар ёниш жараёнида инсон организмга салбий таъсир қилувчи ва атроф муҳитни зарарловчи заҳарли газлар ажралиб чиқади. Шунинг учун қурилиш материалларини ёнғиш хавфини самарали ва экологик тоза бўлган антипиренлар билан камайтириш муаммоси долзарблигича қолмоқда.

Ёғоч материалларини қурилишда қўлланилиш даражасини ошириш, унинг ёнувчанлик даражасини пасайтириш мақсадида унинг ёнувчанлик даражаларини камайтирувчи антипиренлар муаллифлар тамонидан ишлаб чиқилган бўлиб, булар маҳаллий хом ашё асосида тайёрланган олигомер антипиренларни қўллаш билан юқоридаги камчиликларини бартараф қилиши мумкин. [3]

Шунинг учун ҳозирги кунда самарадорлиги юқори бўлган олигомер антипиренлар олиш ва қўллаш мутахассислар томонидан жуда катта амалий ҳамда илмий қизиқиш уйғотмоқда. Янги синтез қилинган маҳаллий хом ашё асосида тайёрланган олигомер антипиренларнинг ажойиб хусусиятларидан шунини айтиш мумкинки – ушбу олигомер антипиренлар юқори ҳароратга чидамли, буғланиб учиб кетмайди, экология ва инсонлар саломатлигига таъсир қилмайди ҳамда улар қаттиқ кукун ҳолдаги модда бўлиб, уларни бир жойдан иккинчи жойга кўчиришда ҳеч қандай муаммо туғдирмайди. [4]

Қўлланиладиган материалларни аниқлашда Ўрта Осиё ва республикамиз ҳудудида қурилган ва қурилаётган бино ҳамда иншоотларнинг конструктив материали сифатида кенг қўлланилган ва қўлланилаётганлигини инобатга олиб ёғоч материалларининг нина баргли яъни, қайрағоч (сосна) жинсли ёғочлар танлаб олиниб, уларга турли хил таркибли антипиренлар шимдириш орқали ёнувчанлик даражалари аниқланди.

Антипиренларнинг самарадорлиги ГОСТ 16363-98 «Средства огнезащитные для древесины. Методы определения огнезащитных свойств» меъёрий ҳужжати бўйича аниқланди. [2] Дастлаб, олигомер антипиреннинг самарали миқдорини аниқланиши учун 5, 10, 15, 20, 25 фоиздан иборат антипирен аралашмаси тайёрланиб, ёғоч материалларига шимдириш (ботириб олиш ва чуқур шимдириш) ҳамда сепиш орқали текширилди.

Куйида олигомер антипиреннинг самарали миқдорини аниқланиши учун 5, 10, 15, 20, 25 фоиздан иборат антипирен аралашмаси тайёрланиб, ёғоч материалларига шимдириш (ботириб олиш ва чуқур шимдириш) ҳамда сепиш орқали текширилгандаги кўрсаткичлар жадвали келтирилди.


Маҳаллий хомашёлар асосида олинган олигомер антипиреннинг

самарли миқдори  
1 -жадвал

т/р	Ўрнатилган кўрсаткичлар	Ишлов берилмаган ёғоч	Текширув натижалари				
			5%	10%	15%	20%	25%
1.	Оғирлигини йўқотиши, гр	87	16	10,2	8,3	7,8	<b>Қуриш жараёни мураккаблашди</b>
2.	Оғирлигини йўқотиши, %	65	11,5	7,1	5,6	5,2	
3.	Ёнувчанлик гуруҳи	Г3	Г2	Г1	Г1	Г1	
4.	Мустақил ёниш вақти, сек	270	48	4	2	0	
5.	Узунлиги бўйича талофат даражаси, %	100	30	18	11	10	


Текшириш натижаларидан кўриниб турибдики, 20 %ли таркиб энг оптималлиги билан бошқаларидан яққол ажралиб турди.

Маҳаллий хомашёлар асосида олинган антипиреннинг самарали миқдори қуйидаги диаграммада кўрсатилди.



Олигомер антипиренлар таъсир қилинган намуналар керамик қувурга (реакция камерасига) тушурилган жараёнда максимал ҳарорат 260 °С га ҳам етмади. Айрим ҳолларда тажрибанинг давомийлиги 200-500 сек.га етказилганда ҳам намуналарда мустақил ёниш вақти мавжуд бўлмади.

Маҳаллий хомашёлар асосида олинган антипиреннинг самарали миқдори қуйидаги диаграммада кўрсатилди.



Кўрсатилган жадвал ҳамда диаграммалардан кўриниб турибдики, 20%ли таркиб энг яхши натижани берди. 25%ли таркиб билан ёғоч материалларига ишлов берилганда унинг қуриш жараёни секинлашди ва бу эса ёғочнинг маълум миқдорда эгилишига олиб келди.

Муаллифлар томонидан маҳаллий хом ашё асосида тайёрланган антипиренлар яратилган (АДЖ-11) антипирен ёғоч материалларига таъсир қилинганда яъни, антипирен моддасини ёғоч материалларининг юзасига суртиш оқали ёғоч уларнинг ёнувчанлик даражасини II гуруҳга шунингдек, автоклав қурилмасида шимдирилган ёғоч материалларининг ёнғинга бадҳошлилик даражасини I гуруҳга ўтказишга эришилди.

Шунингдек, маҳаллий хомашёлар асосида олинган антипиренларни танлашнинг ўзига хос хусусиятлари бири, яъни антипиреннинг целлюлоза билан кимёвий таъсири, бунинг оқибатида ёнишнинг асосий алангаланиш фазасидаги ишлатилган материалдан чиқаётган иссиқлик миқдори камайтирилди.

### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг 2017 йил 19 апрель кунидаги “Маҳаллийлаштириш ва экспорт масалалари муҳокамаси”га бағишланган йиғилиши.
2. ГОСТ 12.1.044-89 “Пожаровзрывоопасность веществ и материалов”.
3. ШНК 2.01.02-2004 “Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги”.
4. И.И.Сиддиков, и др. Антипирен на основе отходов промышленности. Материалы научно-технической конференции “Прогрессивные технологии получения композиционных материалов и изделий из них ” 28-29 апреля 2015 г. ГУП “Фан ва тараккиёт”.

### АСФАЛЬТОБЕТОН ҚОПЛАМАЛИ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШ УЧУН МАХАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА КОМПОЗИЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

*А.Ш.Насриддинов, З.Т.Мунаввархонов, М.Б.Бойдедаев  
(Наманган муҳандислик-қурилиш институти)*

*Аннотация:* Мақолада автомобил йўлларини сақлаш ва таъмирлаш учун маҳаллий хом ашёлар асосида битумнинг хоссаларини яхшилашга қаратилган ҳамда композиция таркибидаги минерал материалларни битум ёрдамида ўзаро боғланиш хусусиятини яхшиланишига қаратилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

**Кириш.** Мустақиллик йилларида йўл хўжалиги соҳасининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан юксак аҳамиятга эга экани унинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини бошқариш тизими, автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларига йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда ана шу йўлларнинг бугунги кундаги ҳолати

билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳал этилмасдан қолмоқда.

Бугунги кунда Республика автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 184000 км дан кўпроқни ташкил этади. Жумладан, умумфойдаланувда бўлган автомобилйўллар тармоғи – 42695 км, минтақавий автомобиль йўллари(ички хўжалик автомобиль йўллари, шаҳар, шаҳар типдаги посёлкалар, қишлоқ ватуман марказлари кўчалари)-116560 км, идоравий инспекторлик йўлларитармоғи – 24750 км ни ташкил этади. Республикадаги умумий фойдаланишда бўлган автомобил йўллари тармоғи ўзнавбатиди Халқаро аҳамиятдаги (3981 км), давлат аҳамиятидаги (14105 км) ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йўллари (24609 км) га бўлинадилар.

**Ишнинг мақсади.** Автомобил йўллари учун маҳаллий ва иккиламчи органик ва ноорганик хом ашёлар асосида механик, эксплуатацион ва термобарқарорлик хоссалари яхшиланган, арзон, ишлаш муддати узайтирилган физик-кимёвий модификацияланган асфальтобетон композициясини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш ҳамда уларни бетон асосида йўл қопламаларини қурилишида қўллашдан иборат.

**Тадқиқот объекти ва усуллари.** Тадқиқот объекти сифатида БНД 60/90 битуми, щебен, қум, госсипол смола, резина кукуни, сўндирилган оҳак, иккиламчи поливинилхлорид, озекерит кукуни танлаб олинди.

ГОСТ ларда қабул қилинган талабларга мос ҳолда юмшаш ҳарорати, 25<sup>0</sup>С ҳароратда чўзилувчанлик, игнани ботиш чуқурлиги, бетон билан боғланиш мустаҳкамлиги, сув шимувчанлик ва композицион материалларни физик-механик хоссаларини аниқловчи бошқа стандарт усуллардан фойдаланилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг тахлили.** Юқори адгезияли ва физик-механик хусусиятга эга бўлган, кескин ўзгарувчан иқлим шароитида силжишга ва ёрилишга бардошли (юмшаш ва мўртлик ҳарорати юқори бўлган) композицион асфальтобетон ишлаб чиқиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Мақсадга эришиш йўлида бир қатор асфальтобетон қопламасини таркибини ўрганиб, таҳлил қилиб чиқилди. Силжиш ва ёрилишларга сабаб, асфальтобетон қопламасини таркибидаги шебен билан битум орасидаги боғланиши ва асфальтобетон қопламалари таркибидаги эркин битумлар ҳисобига экан. Бу муаммони бартараф этиш мақсадида бир қатор илмий изланишлар олиб борилди. Ишлатилаётган битумларни физик-хоссаларини текшириб ГОСТ талаблари билан солиштирилди.

(1-жадвал)

Кўрсаткичлар номи	Норма ГОСТ 11952-66 бўйича		Олинган натижалар	
	БНД 60/90	БНД 40/60	БНД60/90	БНД40/60
Игна ботиш	61-90	41-60	60	50

чукурлиги(пенетрация): 25 <sup>0</sup> С да 0 <sup>0</sup> С да (ГОСТ11501-65)	20	13	25	16
Юмшаш ҳарорати, <sup>0</sup> С, (ГОСТ11505-66)	47	51	45	49
Фрааса бўйича мўртлашиш ҳарорати, <sup>0</sup> С, (ГОСТ11507-65)	-15	-12	-15	-10
Чўзилувчанлик 25 <sup>0</sup> С, мм, (ГОСТ11505-65) камида	55	45	54	44
Сув шимувчанлиги, %, (ГОСТ11508-65)	0,3	0,3	0,25	0,25

#### Битумларни солиштирма характеристкалари

При осмотре аварийного состояния здания выявлено следующее : ширины раскрытия трещин достигает 2-10 мм , основная масса трещин расположена на уровне 1-2 этажей,выше реже ; в фундаменте также имеются трещины ,ширина которых достигает 3-4 мм;

Отбор образцов грунта под фундаментами в местах просадки при ускоренных методах определения влажности показал, что значение влажности достигает 18-19 % со степенью влажности до  $S_r = 0.65$

Здание учебно-производственных мастерских было построено в 1967 году.Глубина залегания фундаментов 1,0-2,0 м,фундамента столбчатые.

По данным изысканий установлено , что грунты оснований фундаментов представлены лессовидными суглинками и супесями мощностью до 20 м, маловлажные, реже влажные. УГВ залегает на глубине более 20 м.

Региональная подьема УГВ на участке исследования по многолетним наблюдением не сжудается.

Исследование грунтов в основании фундаментов аварийного здания

показали, что там залегают сильнопросадочные лессовидные грунты разведанной мощностью до 20 м.

Утечка воды на водопроводных сетях способствовала дополнительному увлажнению грунтов основания, следствием чего явилось их неравномерная просадка, приведшая здание в аварийное состояние. Несмотря на неоднократные замочивания грунтов с северной и западной стороны основания здания остаточная суммарная величина просадки от собственного веса грунта здесь сохранилось и составляет по шурфу № 1-12,7 см, по шурфу 4-8,5 см

При осмотре аварийного остояния было выявлено, что интенсивная просадка грунтов основания фундаментов привела к деформациям корпуса мастерских следующего характера : несущие колонны на столбчатых фундаментах сильно сели в центральной части здания.

Оседание колонн привело к разрыву несущих стен по швам, к отрыву порядка 15 см, плит перекрытий, а также к их сдвигу, а местами к провисанию, к осыпанию штукатурки по швам в потолке центральной части здания, к трещинам и раскрытию цементных полов, где ширины щелей достигла 5-8 см. Определение влажности показало увеличение ее до 25,1 % со степенью влажности  $S_r=0.88$ . Анализ результатов обследования аварийных объектов, изучения нормативных документов и литературных источников показал, что грунты региона практически не изучены с позиции влияния выщелачивания солей на изменение физико – механических свойств грунтов. Это связано с тем, что грунты региона считаются незасоленными, а содержание и состав солей при этом не учитывается.

#### **СПИСОК ЛИТЕРАТУРА.**

1. Абелев Ю.М, Абелев.М.Ю. Основы проектирования и строительства на просадочных макропористых грунтах. М.Стройиздат. . 271 с.
2. Абелев.М.Ю., Джумашев У.Г. Строительство на засоленных грунтах. М, 1978, -46с.
3. Былова В.С. О распространение и просадочности лессовых пород. М.196 стр.
4. Изменение свойств грунтов под влиянием природных и антропогенных воздействия ( ст.науч.тр) Ред.Р.С.Зиангирова.М.Стройиздат,1981.
5. Крутов В.И. Основания и фундаменты на просадочных грунтах. Киев, Будивельник, 1982.-224 с
6. Куликова З.В. Формирование инженерно- геологических особенности засилованных пород аридной зоны. Автореферат. дисс. канд. геол.- мин. наук-М, 1983.-25 с
7. Петрухин В.П, Алсперович С.В. Деформируемость оснований сложенных загипсованными грунтами при горизонтальной фильтрации выи.- Тр. НИИОСТ вып. 77-84. 1988. 3-10 с

## КЎП ҚАВАТЛИ ҚУЙМА ТЕМИРБЕТОН СИНЧЛИ РОМЛАРНИ ҲИСОБЛАШДА БЕТОННИНГ ҲАҚИҚИЙ ИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

доц. А.Т.Мирзааҳмедов, Ў.А.Мирзааҳмедова, С.Ғ.Ғуломиддинов  
(Фарғона политехника институти)

*Аннотация:* Қуйидаги мақолада кўп қаватли қуйма темирбетон синчли ромларни ҳисоблашда бетоннинг ҳақиқий ишини ҳисобга олган ҳолда, ҳисоблаш алгоритмини яратилган ва сонли мисоллар натижаларини таҳлил қилинган.

Бетон ва темирбетоннинг қурилишда кенг қўлланилиши ва яхлит темирбетон конструкциялари ва уларни олдиндан зўриқтирилиши лойиҳалашда бетоннинг вақт ўтиши билан судралувчанлиги, зўриқиш релаксацияси, бетоннинг киришиши, тугунларнинг бикрлиги, эластиклик модулини ошиб бориши ва мустаҳкамлигини вақт бўйича ошиши каби факторларни ҳисобга олишни талаб қилмоқда.

Бетон ва темирбетон конструкцияларининг вақт ўтишига боғлиқ жараёнларини текшириш икки қисмдан иборат бўлади. Биринчидан, бу жараённи ўзи нималардан иборатлигини аниқлаш ва унинг кучланганликдеформация ҳолатига таъсирини ўрганиш. Иккинчидан, вақтга боғлиқ ўзгарувчи жараёнларни реология, механика ва математика қонунлари асосида темирбетон конструкцияларини ҳисоблаш алгоритмларини яратиш [1].

Кўплаб ўтказилган тажриба ва тадқиқотлар шуни кўрсатдики, юк остида ишлаётган темирбетон конструкцияларида бетоннинг судралувчанлиги, тугунларининг бикрлиги таъсиридан бетоннинг бошланғич деформацияси чизиксиз ривожланар экан. Темирбетон конструкцияларида деформациянинг ошиши бетон ва арматура орасида зўриқишларнинг қайта тақсимланишига олиб келади. Бетоннинг ҳақиқий ишини ҳисобга олиш темирбетон конструкцияларини мустаҳкам қилиб лойиҳалашга олиб келади.

Бетоннинг ҳақиқий ишини ҳисобга олиш темирбетон конструкцияларини мустаҳкам қилиб лойиҳалашга олиб келади [2].

Бетоннинг ҳақиқий ишини ҳисобга олишда элементларнинг кўндаланг кесим бикрлиги қуйидаги формуладан аниқланади:

$$D = EJ = E_b^{un} \frac{bh^3}{12} + E_s A_s \frac{E_s}{E_b^{bp}} \left(\frac{h}{2} - a\right)^2 + E_s' A_s' \frac{E_s'}{E_b^{bp}} \left(\frac{h}{2} - a'\right)^2$$

бу ерда:

$$E_b^{bp} = \left\{ \frac{\xi_y}{\sigma_b} + \frac{\left[1 + \eta_k \frac{\sigma_b}{R_b} m_k\right]}{E_m} - \frac{1}{\sigma_b} \sum_{j=1}^i \left[1 + \eta_n \left(\frac{\sigma_b^{cp}}{R_b}\right) m_n\right] \left[c \cdot (t_i, t_j) - c \cdot (t_i, t_{j-1})\right] \right\}$$

$$E_b^{un} = \varphi E_b^{bp}$$

$\eta_k, \eta_n, m_k, m_n$  - чизиксиз деформация параметрлари;

$E_s$  - арматуранинг эластиклик модули;

$\sigma_b$  - бетонда ҳосил бўладиган зўриқиш;

$c \cdot (t_i, t_j)$  - судралувчанлик ўлчами;

$$\varphi = \frac{2(1+m) + n_\sigma}{1 + 2m + 2n_\sigma}$$

бу ерда:  $n_\sigma$  - меъёрий зўриқишнинг чизиксиз ўлчови  $0 \leq n_\sigma \leq 1$ ;

$m$  - кучланганлик ҳолати параметри.

Изланишлар шуни кўрсатадики, горизонтал кўчишларни ҳисоблаш муҳандислик усули кўп қаватли рама ярусларининг тугун бурчак бурилишлари бир – бирига тенглигидир ва бунинг ҳисоб схемасида (1-расм) берилганлигидир. Бунда  $\delta$  - қават устунининг ҳар бир узунлиги бўйича умумий бикрлиги;  $r$  - қаватда гиригелларнинг умумий бикрлиги;  $l$  - устун узунлиги;


$n$  - қават сони.

Ҳамма қаватларга бир вақтда қўйилган горизонтал юклардан кўп қаватли рамадаги кўчиш:

$$y = \delta_{k1} F_1 + \delta_{k2} F_2 + \dots + \delta_{kn} F_n$$

Қаватлар сони  $n \geq 6$  бўлганда ромлардаги кўчиш, агар яруслардаги кўндаланг кучларни ҳисобга олсак:

$$Q_k = \sum_{i=k}^n F_i, \quad i \geq k$$



1- расм. Кўп қаватли ромнинг ҳисоб схемаси ва кўчиши.

ҳар бир қаватнинг чизикли қийшайиши:

$$y = \sum_{i=1}^k \Delta_i,$$

$$\Delta_i = Q_i C_i,$$

$$y = \sum_{i=1}^k Q_i C_i$$

Кўп қаватли раманинг силжиш бикрлиги бу горизонтал куч, қийшайиш бурчаги бирга тенг бўлганда:

$$\varphi = K_c / 1 = 1$$

$$K = 1 / c$$

$$\text{ёки } K = 12 / [1(s^{-1} + r^{-1})]$$

Бетоннинг вақтга боғлиқ эластиклик модули унинг ҳақиқий ишини ҳисобга олиш шартларидан бири ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бондаренко В.М. Некоторые вопросы нелинейной теории ползучести бетона. Харьков, изд-во Харьковского университета, 1968 г.
2. Яшин А.В. Ползучесть бетона в раннем возрасте. В сб. «Исследование свойств бетона и железобетонных конструкций», М, Госстройиздат, 1969 г.

### **СПОСОБ УСИЛЕНИЯ МОНОЛИТНОЙ ЖЕЛЕЗОБЕТОННОЙ РАМЫ КАРКАСА ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ЗДАНИЯ**

*доц. Й.М.Махкамов, С.М.Мирзабабаева  
(Ферганский политехнический институт)*

***Аннотация:** В статье приводятся предложения по усилению монолитного железобетонного ригеля покрытия производственного цеха в рамках работ по реконструкции объекта. Даны схемы расположения арматуры усиления и последовательность выполнения работ.*

При обследовании несущих железобетонных конструкций цеха грубого дробления горных пород АО «Кувасайцемент» было установлено, что в результате длительной эксплуатации, воздействия силовых факторов, в том числе крановых и сейсмических нагрузок, в монолитных ригелях поперечной рамы здания образовались опасные нормальные и наклонные трещины. Расчетами определено, что в средней части пролета ригеля возникают максимальные изгибающие моменты равные 442 кН·м и растягивающие продольные усилия величиной 7,45кН. Для усиления ригеля был предложен монолитный железобетонный вариант (рис.1), который был одобрен специалистами и руководством комбината. Расчетами было определено количество устанавливаемой арматуры усиления. Усиление ригеля рамы каркаса здания выполняется в следующей последовательности:

- удаляется кровельное покрытие и выравнивающая стяжка по полосе шириной 80 см над ригелями поперечных рам. Производится разметка мест просверления круглых отверстий  $\varnothing 15$  см согласно прилагаемой схеме;
- просверливаются отверстия в плите монолитного покрытия здания для бетонирования усиления ригелей рам;
- производится очистка поверхности покрытия и ригеля рамы, перед бетонированием поверхности ригеля и плиты покрытия, соприкасающиеся с бетоном усиления, тщательно промывают водой под напором;




Рис.1. а - схема усиления ригеля поперечной рамы здания; б – схема расположения отверстий для бетонирования усиления ригеля; в – разрез по 1-1; г – разрез по 2-2

- согласно предложенным схемам производится усиление верхней части колонн посредством уголковых профилей L75x6, L50x5 и соединительных планок из листовой стали посредством электросварки; привариваются опорные столики из L50x5, L63x6, L75x6 для крепления арматурных стержней каркасов усиления ригелей и установки опалубки в торцах ригелей;
- устанавливается на проектное положения верхний каркас усиления ригеля рамы К-3;
- подводятся поочередно к проектному уровню каркасы К-1 и К-2 и закрепляются при помощи замкнуты хомутов из  $\varnothing 10A-I$  путем взаимной сварки; концы хомутов заггибаются и они обхватывают нижние стержни каркасов К-1 и К-2. В местах стыковки каркасов К-1 и К-2 при помощи дополнительных продольных стержней диаметром 12–14 мм и хомутов они объединяются в единый пространственный каркас;
- производится крепление стержней каркаса К-3 в торце ригеля к элементам усиления верхней части колонн – к L75x6 путем вертикального сгиба концов стержней с последующей их сваркой к уголковым

профилям. Также должны быть приварены арматурные стержни каркаса К-2: в торце элемента 2Ø16А-II сгибают и приваривают к L75x6 усиления колонны, также 2Ø10А-I сгибают горизонтально и закрепляют аналогично; средние стержни К-2 - 2Ø16А-II крепятся к L50x5, установленным к вертикальным уголкам усиления колонн при помощи сварки на уровне низа ригеля рамы в месте примыкания к колонне с внутренней стороны; производится правильность установления элементов усиления;

- устанавливают опалубку для бетонирования усиления ригеля и производится бетонирование усиления ригеля рамы мелкозернистым тяжелым бетоном класса В20. Бетонирование выполняется через отверстия под давлением и производится тщательное вибрирование при помощи глубинных вибраторов; усиление каждого ригеля рамы должно выполняться путем непрерывного бетонирования.

Выполнение рекомендаций по усилению несущих конструкций покрытия позволяет привести техническое состояние здания отвечающим требованиям действующих норм проектирования и эксплуатации [1-3].

#### **ЛИТЕРАТУРА:**

1. Гринберг В.Е. и др. Контроль и оценка состояния несущих конструкций зданий и сооружений в эксплуатационный период. - Л.: Стройиздат, 1982.
2. Й.М.Махкамов, С.М.Мирзабабаева. Юқори ҳароратлар остида эгилувчи темирбетон конструкцияларда ёриқларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланиши, деформациялари ва бикрлиги. ФарПИ ИТЖ ФерПИ (STJ FerPI),2019,№3, 160с.

### **НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ҚУРИЛАЁТГАН ЖАМОАТ БИНОЛАРИДАГИ ПОЙДЕВОР ГИДРОИЗОЛАЦИЯ ИШЛАРИНИНГ УМУМЛАШГАН ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ**

*доц. Н.Хожиев, доц.Х.Алимов, кат.ўқит. О.Чўлпонов, З.Жалолов  
(Наманган муҳандислик-қурилиш институти)*

***Аннотация:** Мақолада Наманган вилоятида қурилаётган жамоат биноларидаги пойдевор гидроизоляция ишларига кетган ишчи кучи, материал ва машина-механизация сарфини тан нархи таҳлил қилинган. Гидроизоляция ишлари учун ишлатиладиган битумни ўрнига қўллаш мумкин бўлган янги материал таснифи келтирилган.*

Ҳозирги кунда кундан-кунга кўп қавтли бинолари қуриш оммалашиб, шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига-кўрк қўшилмоқда. Бу бинолари узок умр кўришини таъминлаш учун уни турли хил ташқи муҳит таъсиридан яъни қор ёмғир сувларидан, тупроқнинг намлиги ва ер ости сувларидан ҳимоя қилиш талаб қилинади. Бинонинг асосий юк кўтаувчи конструкцияси пойдевор ҳисобланади. Бинонинг пойдевор кучли ва ташқи муҳитлардан ҳимояланган



бўлса, бинонинг умри ҳам шунча узаяди. Шунинг учун ҳам пойдеворни юқори талаблар бўйича химоя қилишимиз зарур. Агар пойдеворга бир оз талофат етадиган бўлса, бинонинг узок муддатга хизмат қилиши кескин камайиши мумкин. Ҳозирги даврда қурилаётган биноларимиз гидроизоляция қилишда асосан битумдан фойдаланиб келинмоқда. Битумга бўлган талаб кескин ортиб борганлиги ва битум материалнинг танқислиги йўлсозликдаги асфальбетон қопламасини тайёрлашда ва мавжуд биноларини ер ости қисм конструкцияларини гидроизоляция қилиш ишларида тез бажаришда қийинчиликлар вужудга келмоқда. Ҳозирги кунда 1 тонна битум нархи 5500000 сўм ни ташкил қилмоқда.

Битумнинг тан нархи кейинги пайтларда юқори бўлганлиги ва бу материалнинг танқислиги қурилишда гидроизоляция жараёнини бажаришда қуйидаги камчиликларни вужудга келтирилмоқда:

1. Баъзи бино пойдеворларини гидроизоляция ишларини бажаришда автомобиллардан ишлаб чиққан мотор мойларини бинони пойдевори ён томонларига суртиб битумга ўхшаш ҳолга келтирилмоққа. Бунда бинони пойдевори етарлича қалинликда гидроизоляцияси амалга ошмайди, оқибда конструкциялар ташқи мухит таъсиридан тўла химоя қилинмайди.

2. Ҳозирги кунда қурилиш жараёнларида битум ёки қорақоғоз ўрнига полиэтилен плёнкалардан вертикал ва горизонтал гидроизоляция сифатида фойдаланишяпти. Ушбу қўлланнилан материал етарли даражада қалинликга эга бўлмаганлиги ва юпқалиги сабабли иш бажариш жараёнида йиртилиши ва талофат кўрганлиги сабабали химоя талаб даражасида бажарилмаяпти.

3. Кам ҳолатларда ҳеч қандай битумли гидроизоляция ишларини амалга оширмасдан пойдевор ёнларини тупроқ билан тўлдириб текислаб қўйишмоқда.

Бу камчиликларни келиб чиқишига асосий сабаб сифатида қурувчилар битум махсулотининг қимматлиги ва танқислиги ва чет давлатлардан импорт орқали келтирилишини кўрсатмоқдалар. Ушбу камчиликларни бартараф этилмаса кўплаб қурилаётган ва мавжуд бинолар пойдевори ташқи мухит таъсиридан емирилиб, шўрлашиб мустаҳкамлиги пасаяди, юк кўтарувчанлиги кескин камайиб боради. Бино пойдеворлари гидроизоляция қилиш ишлари тан нархини иқтисодий таҳлил қилиш объекти сифатида қуйидаги бинолар танлаб олинди. Юқоридаги муаммо учун вилоят хокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи инженеринг компанияси томонидан 2019 йил манзиллар дастурига киритилган ва ҳозирги замонда қурилиш ишлари олиб борилаётган қуйидаги жамоат бинолари танлаб олинди.


**Биринчи иқтисодий таҳлилда** кўриб чиқадиган объект мактаб биносидир. Бу мактаб биносини қуввати 315 ўқувчига мўлжалланган, қурилиш майдон ҳудуди эса Наманган шаҳар Янги қурилиш МФЙ да жойлашгандир. Бино 4 та блокдан иборат. Таҳлил ишлари учун №1-блокни танлаб олдик. 1-блок бинони қуриш учун смета бўйича умумий тан нархи **467716024 сўм** ни ташкил қилади. Смета асосида бажарилган ишлар, машина механзмлар ва материалларни таннархи қуйидагидан иборат: 1 блок

биноси пойдевори гидроизоляцияси учун ишчиларга тўланадиган иш ҳақлари қуйидагича: 1-суртишга 349438.52 сўм, 2-суртишга 239581.59 сўм.

Биринчи блок пойдевори гидроизоляцияси Битумли материал таннархи : 1-суртишга 2080100 сўм, 2-суртишга 2080100 сўм. Биринчи блок пойдевори гидроизоляцияси учун кетган харажатларнинг умумий миқдори 4766927.31 сўм. Бино пойдевори гидроизоляция ишлари тан нархини бинони умумий тўла тан нархига нисбатан 1.019 % ини ташкил қилди.  $(4766927.31 * 100 / 467716024)$ .

**Иккинчи иқтисодий таҳлилда** кўриб чиқиладиган объект мактабгача таълим муассасидир (МТМ). Бу МТМ биносини қуввати 125 ўринли бўлиб , қурилиш майдон худуди Наманган шаҳри Гулбоғ МФЙ да жойлашган. Таҳлил ишлари учун А-блокни танлаб олдик. А-блок бинони қуриш учун смета бўйича умумий тан нархи **876852539 сўм** ни ташкил қилади. Смета асосида бажарилган ишлар, машина механзмлар ва материалларни таннархи қуйидагидан иборат: МТМнинг А блок биноси пойдевори гидроизоляцияси учун ишчиларга тўланадиган иш ҳақлари қуйидагича: 1-суртишга 1226416.48 сўм, 2-суртишга 840854.11 сўм. МТМ нинг А блоки пойдевори гидроизоляцияси Битумли материал таннархи : 1-суртишга 7300480.00 сўм, 2-суртишга 7300480.00 сўм. МТМнинг А блоки пойдевори гидроизоляцияси ишлатилган машина ва механизмлар таннархи : 1-суртишга 31073.28 сўм, 2-суртишга 31073.28 сўм. Бино пойдевори ёстикчаси остига битум шимдирилган чақиқ тош (шебень) -1014795.960 сўм. МТМнинг А блоки пойдевори гидроизоляцияси учун кетган харажатларнинг умумий миқдори 17745173.11 сўм. Бино пойдевори гидроизоляция ишлари тан нархини бинони умумий тўла тан нархига нисбатан 2,023 % ини ташкил қилди.  $(17745173.11 * 100 / 876852539)$ . Гидроизоляция ишлари учун битум материалига кетган харажат **17712421.28 сўм**ни ташкил қилди.

**Учинчи иқтисодий таҳлилда** кўриб чиқиладиган объект оилавий поликлиникадир. Бу оилавий поликлиника биносини қуввати 100 ўринли бўлиб, қурилиш майдон худуди Наманган шаҳри Мустақилликнинг беш йиллиги МФЙ да жойлашган. Оилавий поликлиника бинони қуриш учун смета бўйича умумий тан нархи **1621408337сўм** ни ташкил қилади. Оилавий поликлиника биноси пойдевори гидроизоляцияси учун ишчиларга тўланадиган иш ҳақлари қуйидагича: 1-суртишга 687604.83 сўм, 2-суртишга 471434.75 сўм. Оилавий поликлиника пойдевори гидроизоляциясида ишлатилган Битумли материалнинг таннархи : 1-суртишга 4093100 сўм, 2-суртишга 4093100 сўм. Оилавий поликлиника пойдевори гидроизоляцияси ишлатилган машина ва механизмлар таннархи: 1-суртишга 17421.75 сўм, 2-суртишга 17421.75 сўм. Оилавий поликлиника пойдевори гидроизоляцияси учун кетган харажатларнинг **умумий миқдори** 9321408.78 сўм. Бино пойдевори гидроизоляция ишлари тан нархини бинони умумий тўла тан нархига нисбатан 0,57 % ини ташкил қилди.  $(9380082.78 * 100 / 1621408337)$ . Гидроизоляция ишлари учун битум материалига кетган харажат **9242027.52 сўм**ни ташкил қилди.



**1- расм.** Пойдевор гидроизоляцияси харажати бино қурилишининг тўла тан нархига нисбатан % ҳисобидаги умумий миқдори.

Синов ишлари ўтказилган учта жамоат бинолари пойдеворлари гидроизоляция ишларининг ўртача таннархи бинонинг тўла таннархининг 1,203 % қисмини ташкил этар экан (1- расм).



**2-расм.** Жамоат биноси пойдевори гидроизоляцияси учун материал, машина механизмлар ва ишчи кучи сарфларини харажати.

Иқтисодий таҳлил учун хар бир жамоат бино пойдеворлари гидроизоляциялари ишларининг унга кетган битум материали, ишчилар меҳнат сарфи ва ишлатиладиган машина механизмлар учун кетадиган сарф харажатлар (2-расм)да келтирилган.

Хулоса ўрнида иқтисодий таҳлил шуни кўрсатмоқдаки гидроизоляция ишлари таннархини энг катта қисми битум материали бўлиб у ўртача 87,5 % ни ташкил қилмоқда. Гидроизоляция ишларида ишчиларни меҳнат сарфи учун харажат 12, 1% ни ва машина механизмлар харажати 0,4% ни ташкил қилмоқда. Гидроизоляция ишларида энг катта харажат битум материалга тўғри келмоқда.

Иқтисодий таҳлил натижасида гидроизоляция ишлари учун энг катта сарф харажатни ўз ичига олган битум материали ўрнига бошқа янги материалларни топиш ва қўллаш вазифасини қўймоқда. Бу борада Наманган қурилиш-муҳандислик институти «Бино ва иншоотлар қурилиши» кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан битумни ўрнини босидиган материал устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқдалар.

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ЎРТА АСР МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.

кат. ўқит. Д.М.Хатамова, талаба Б.М.Абдуллаев  
(Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

*Анотация:* Бу мақолада афтор Фарғона водийсидаги рўйхатга олинган тарихий ва маданий мерос объектларини жумладан меъморий ёдгорликлари ва уларни hozirги кундаги ахамияти ҳақида илмий баён этган.

Гўзал ва сўлим Фарғона водийси Марказий Осиё гавҳари деб номланиши бежиз эмас. Маскур гўша бетакрор иқлим ва манзарали табиати билан барчани ўзига мафтун этади. Қадимий Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳридаги сингари Фарғона водийсида ҳам кишини ҳайратга солувчи тарихий ёдгорликлар бисёр. Жумладан...

Фарғона вилоятида 334 та маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, улардан 179 таси меъморий археологик ва 42 таси мономентал ёдгорликларидир.

Андижон вилоятида маҳаллий ва республика ахамиятига молик 371 та тарихий ва маданий мерос объектлари рўйхатга олинган. Улардан 114 таси археологик, 66 таси меъморий ёдгордиклар бўлса, 117 таси маҳобатли санъат ёдгорликлари ва хайкаллар, 74 таси диққатга сазовар жойлар.

Наманган вилоятида 128 та меъморий ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойлар мавжуддир.

Ёдгорликлар бу маданий мерос: Маданий мерос – ўтмишдан қолган қадриятлар, ғоялар, тажрибалар, билимлар, уларнинг ўзлаштириш ёки аниқроғи, маданий мерос жараёни ўта муҳим бўлиб, маданиятнинг ҳаракатидаги асосий қонунларидан бири ҳисобланади. Бу жараён инсониятнинг ўтмиши, бугуни ва келажagini бир бутун ҳолда бирлаштириб, оддий тарзда тайёр ютуқларга айланади.

### **Ёдгорликлар турлари**

1. Меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжолар.
2. Археологик ёдгорликлар, тепаликлар, қўрғонлар, сирли мўжизавий маконлар.
3. Мажмуа ва мақбаралар.
4. Ҳаммомлар.
5. Ҳовли-ашёлар.
6. Қабристондаги битиклар.

### **I. Ёдгорликлар сони ва тоифаси.**

1. Архитектура
2. Монументал санъат асарлари
3. Ўзгача қийматга эга бўлган маданий мерос объектлари
4. Археология

### **II. Ансамбллар.**

### **III. Диққатга сазовор жойлар.**

### **Фарғона меъморий ёдгорликлари**

1. Юсуфхоншоҳ комплекси(XVIII аср).
2. Камолқози мадрасаси(XIX аср).
3. Минхазрат(АХАД) мадрасаси(XVII аср).
4. Дахмоишоҳон(шоҳлар дахмаси)(XIX аср).
5. Норбўтабий мадрасаси
6. Ғиштли масжид (XX аср).
7. Хўжамағиз мақбараси(XVIII аср).
8. Чақар масжиди (1911 йил.)
9. Саидахмадхўжа мадрасаси(XIX аср).
10. Риштон тумани жоҳонобод масжиди(1912 йил).
11. Қорихон ханоқоҳи(XVII- XVIII асрлар).

### **Андижон меъморий ёдгорликлари**

12. Пансад масжиди(XIX аср).
13. Гумбаз мадрасаси(1872 йил).
14. Ахмадбекхожи меҳмонхонаси(1905-1907 йил).

### **Наманган меъморий ёдгорликлари**

15. Мулла Қирғиз мадрасаси(1910-1912 йиллар).
16. Ота валихонтўра масжиди(XX аср).
17. Мавлонбува комплекси (1806 йил).
18. Хўжа Амин қабри комплекси(XVIII аср).
19. Сирли масжид(XIX аср).
20. Ғойибназар мадрасаси (XIX- XX аср).
21. Жоме масжиди(XVIII аср).
22. Лутфулло Мавлоно масжиди.

Эришилган ютуқлардан келиб чиқиб, жамият ўз мақсадларини йўлларини танлайди. Бундан ташқари маънавий мерос кишиларнинг савиясини оширади, уларнинг ҳаётини ақлий ва ҳиссий жиҳатдан бойитади, билимнинг туганмас манбаи бўлиб хизмат қилади.

Миллий истиқлол мафкурасининг пойдевори бўлган тарихий меросимизни ўрганиш жамият маънавиятини юксалтиришнинг асосий шартларидан биридир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. М.Қ. Аҳмедов Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи Ўзбекистон нашриёти 1995 й.
2. Б.Рўзиев, С.Ражабова, Ю.Исмоилов, А.Қосимов. Наманган вилояти маданий мероси, Наманган 2013 й.
3. Ё. Қосимов қадимги Фарғна сирлари Наманган 1992 й. П.Ш.Зоҳидов Меъмор олами Тошкент 1996 й.

## ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН БИНО ВА ИНШООТЛАРДА ГЕОТЕХНИК КУЗАТУВ ИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ МАСАЛАЛАРИ

доц. Ш.А.Хакимов, кат.ўқит. Б.Мақсуд ўғли, Б.А.Мамадов,  
талаба С.Сайфиддинов, Ж.Махмудов  
(Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

**Анотация:** мақолада бино ва иншоотларнинг ер ости қисмида содир бўладиган масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Бинонинг ер ости конструкцияларига салбий таъсир этувчи экологик ечимлар, атроф-муҳит муҳофазаси чора тадбирлари ҳам қисқача баён этилган.

Қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар, қурилиш -монтаж ишлари маълум бир ёки бир неча сабаблар асосида бир муддатга тўхтатиб қўйилган(тугатилган) объектлар киради. Ушбу ҳолатларда бино ва иншоотлардаги барча ишлар батамом тўхтатилади[1,58 б.].

Геотехник кузатув(мониторинг)нинг асосий масалаларидан бири, техник ечимларни ишлаб чиқиш, қурилишни тугалланмаган объект бўйича бино қурилишини вақтинчалик тўхтатиш(тугатиш) жараёнларига доир барча масалаларни бажарилишини назорат қилиб боришдан иборат.

- пайдо бўлаётган салбий омилларни экологик муҳитга таъсирини камайтириш чораларидан бири –бу геотехник кузатув(мониторинг) ишлар мажмуасидан иборат.
- бино ва иншоотнинг қурилиш ишларини тўхтатиш(музлатиб қўйиш) мобайнида амалга оширилиши муҳим бўлган қуйидаги ишлар:
- кузатув(мониторинг) мақсади –бино ва иншоотнинг дастлабки ҳолатидан салбий ҳолатга ўзгарганлиги, ҳозирги ҳолатни меёрий талабларга мос келиш-келмаслиги ва унинг меёрий таълабларга жавоб бермаслиги.
- бинонинг лойиҳавий кўрсаткичларига пойдевор ости ва ён атрофларидаги грунтнинг салбий таъсирлари ва натижада асосни ишончилигини бузилиш ҳолатлари;
- пайдо бўлган салбий ҳолатлар бўйича огоҳлантирувчи ва уни тиклаш, тузатиш чора тадбирларни ишлаб чиқиш;
- пайдо бўлган салбий ҳолатларни бартараф этиш;
- қурилиши тугалланмаган объектни ён атрофида мавжуд бўлган бино ва иншоотларни сақлаб қолишни таъминлаш;
- атроф-муҳитни мавжуд табиий ҳолатини яхшилаш сақлаб қолиш ;
- бино ва иншоотнинг ҳозирги мавжуд ҳолатини синчиклаб кузатиш;

Геотехник кузатув(мониторинг) ишлари қурилиши тугалланмаган объектда қурилиш ишларини тўхтатиш(музлатиб қўйиш) ҳолатлари бўйича қуйидаги тахлилий чора - тадбирларни ўтказишга замин яратади:

- ҳозирги ва дастлабки ҳолатлар бўйича пайдо бўлган салбий омилларни атроф-муҳитга, бинонинг ён-атрофларига, экологияга, гидрогеологик, геологик, гидрологик муҳитга таъсир этиш ҳолатларини баҳолаш, ўз вақтида четланиш ва нуқсонларни аниқлаш;

- пайдо бўлган салбий жараёнларни тиклаш ёки огохлантириш;
- шунингдек, башорат натижалари ва лойиҳавий ечимлар, ҳисоб-китоб ишларида тўғри ечимларни танлаш;
- қабул қилинган усулларни баҳолашдан иборатдир.

Геотехнологик кузатув(мониторинг) тизимларига қуйидаги масалалар киради:

- қурилиши тугаланмаган объектнинг атроф-муҳит, асос ва ер ости пойдеворлари шунингдек барча юк кўтарувчи конструкцияларнинг табиий ҳолатдаги жойнинг ўзидаги кузатув ишларини амалга ошириш;
- геологик, гидрогеологик, шунингдек грунтнинг ҳолатини ўзгаришини кузатиш ишлари, ер ости сувларининг таркиби ва баланд-пастлиги, салбий ҳолатларни ривожланиб (деструктив) бориши, эрозия, кўчки, емирилиш, чўкиш ҳарорати ёки электро магнит майдонларини пайдо бўлиб қолиш ҳолатлари;
- геозкологик ҳолатлар, геологик муҳит, атроф-муҳит ва унинг ифлосланишини ўзгариб бориш, ҳолатларини кузатиш ишларини ўз ичига олади;
- кузатув натижаларини таҳлилий ва аналитик баҳолаш, ҳисоб китоб ишларини олдиндан бажариб бориш;
- ўлчов ва кузатув натижаларини таққослаш, салбий ва зарарли омилларни, огохлантирувчи ёки бутловчи чора тадбирларни ишлаб чиқиш;
- ушбу салбий омилларни олдини олиш ва уни ривожланиб боришига имконият бермаслик, шунингдек уни бартараф этиш;

Атроф-муҳитни ҳимояси бўйича қўшимча чора -тадбирлар мавжуд олинган геозкологик кузатув натижалари асосида “радар” кузатув ишлари орқали, шунингдек жойдаги атроф-муҳитнинг ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилади[2,76б.]. Агарда бирор сабаб билан қурилиш-монтаж ишларини бажариш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолатлар бўлса, дарҳол пойдеворларни ҳақиқий ҳолати бўйича жойлашув схемаси, баландликлари ва пойдевор жойлашган чуқурлиги бўйича кўрсатилган лойиҳа режаси расмийлаштирилади.

Бундан ташқари атроф-муҳит гўзлаллиги, ландшафтлар ҳолати, ер ости сувларини кўтарилиши, кимёвий тузларни пайдо бўлиши, шўрланиш ва ҳ.к. Салбий ҳолатлар тўхтовсиз пайдо бўлиб бораверади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Пилягин.А.В Проектирование оснований и фундаментов зданий и сооружений. Учебное пособие.М.изд. Ассоциация стр.вузов.2006.,248с.
2. Пособие. к МГСН.2.07-01. Обследование и мониторинг при строительстве и реконструкции зданий и подземных сооружений.М.,2004.

## ИССЛЕДОВАНИЕ ГИДРАВЛИЧЕСКОГО СОПРОТИВЛЕНИЯ РОТОРНО-ФИЛЬТРУЮЩЕГО АППАРАТА

*А. С.Исомидинов, А.А.Муйдинов, А.О.Хошимов  
(Ферганский политехнический институт)*

***Аннотация:** В статье приведены результаты экспериментов по определению гидравлического сопротивления пылеулавливающего роторно-фильтрующего аппарата с мокрым способом. Предложена формула для определения коэффициента гидравлического сопротивления в зависимости от соотношения активной и пассивной поверхностей фильтрующего материала сетки на роторно-фильтрующем аппарате. На основе опытных данных общее потерянное давление на аппарате определено в зависимости от диаметра фильтрующей сетки.*

Выбор оптимальной нагрузки, созданной на рабочих органах аппарата, влияет на скорость запыленного воздуха, движущегося на пылеулавливающих аппаратах с мокрым способом, считается одним из основных характеристик.

Это характеристика определяет гидравлическое сопротивление аппарата и допускаемого количества рабочей жидкости, выходящего из аппарата [1, 2, 3]. Кроме этого, повышение гидравлического сопротивления на рабочем органе аппарата влияет на улучшение эффективности улавливания, уменьшение производительности аппарата и затекаемости частиц пылей в трубах. В свою очередь, это приводит увеличению расхода энергии.

Исследования были проведены с целью определения оптимальных значений этих факторов. Однако полное решение для достижения максимальной эффективности очистки и производительности при минимальных значениях гидравлического сопротивления не было разработано.

Общее исследование проблем устройства с роторным фильтром для очистки газов от пыли и запыленного воздуха мокрым способом [2] проведено для определения влияния на гидравлическое сопротивление устройства, на эффективность и результативность очистки.

Эксперименты проводились на приведенных ниже параметрах в пределах: диаметры отверстия фильтрующего материала покрытие на ротор  $d_{\phi} = 2; 3; 4$  мм; частота вращения ротора 15; 25; 35 об/мин; скорость газа  $u_r = 7,67 \div 34,4$  м/с (указанный диапазон скоростей выбран вблизи с диапазоном скоростей, применяемых в промышленности); Эксперименты проводились на жидкой и газовой системах при температуре  $20 \pm 2^{\circ}\text{C}$ .

Потеря давления наблюдается при перемещении запыленного воздуха на всех типах воздухоочистительных аппаратов. Это объясняется конструктивной структурой аппарата и количеством рабочих органов.

Разработанный аппарат состоит из диффузора 2, рабочих поверхностей



А и Б, фильтра 3, конфузора 4. Движущийся запыленный поток воздуха проходит через диффузор 2, поток расширяясь на рабочих поверхностях А и Б фильтра, переходит на линейное движение. Прямолинейное движение потока осуществляется распределительным зонтом 8 и жидкостью, очищающуюся в ванне 5. Очищенный воздух на поверхности фильтра 3 выходит через конфузор 4. Потеря давления происходит на трех рабочих органах аппарата.

Тогда общее гидравлическое сопротивление аппарата можно записать следующим образом [4]:

$$\Delta P_{об} = P_{диф} + P_{рп} + P_{конф}, \text{ Па} \quad (1)$$

где  $\Delta P_{об}$  – общее гидравлическое сопротивление аппарата, Па;  $P_{диф}$  – гидравлическое сопротивление в диффузоре аппарата, Па;  $P_{конф}$  – гидравлическое сопротивление в конфузоре аппарата, Па;  $P_{рп}$  – гидравлическое сопротивление в рабочих поверхностях аппарата, Па.

$P_{рп}$  определяется по следующей формуле:

$$P_{рп} = P_1 + P_2, \text{ Па} \quad (2)$$

где  $P_1$  – гидравлическое сопротивление в рабочем органе А, Па;  $P_2$  – гидравлическое сопротивление в рабочем органе Б, Па; Эксперименты для определения общего гидравлического сопротивления роторно-фильтрующего аппарата проводились в неоросительном состоянии очистки.

Общее гидравлическое сопротивление не в оросительном состоянии ротор-фильтрующего аппарата определяется по формуле Дарси – Вейсбаха:

$$\Delta P_{сyx} = \xi_{об} \frac{\rho_{г} \cdot v_{г}^2}{2}, \text{ Па} \quad (3)$$

где:  $\rho_{г}$  – плотность газа, кг/м<sup>3</sup>;  $v_{г}$  – потерянная скорость газа в рабочих органах аппарата,  $\xi_{сyx}$  – коэффициент общего сопротивления аппарата.

Определение и расчет коэффициентов сопротивления имеет сложную природу и требует различных отклонений, которые могут быть определены только путем экспериментов.

Коэффициент гидравлического сопротивления роторно-фильтрующего аппарата определяется вышеуказанными факторами и определяется по следующей формуле [4]:

$$\xi_{об} = \xi_{диф} + \xi_{рп} + \xi_{конф} \quad (3)$$

где  $\xi_{диф}$  – коэффициент сопротивления определяется приблизительно по формуле И.Е.Идельчика и Флингера [7].

$$\xi_{диф} = \frac{\lambda_{диф}}{8 \sin \frac{\alpha_{кб}}{2}} \left( 1 - \frac{1}{n_{диф}^2} \right) + \sin \frac{\alpha_{кб}}{2} \left( 1 - \frac{1}{n_{диф}} \right)^2 \quad (4)$$

где  $\lambda_{диф}$  – коэффициент трения в диффузоре;  $n_{диф}$  – степень расширения

диффузора;  $\alpha_{ур}$  – угол расширения диффузора;  $\xi_{конф}$  – коэффициент сопротивления конфузора и это определяется по следующей формуле

$$\xi_{конф} = \frac{\lambda_{конф}}{8 \sin \frac{\alpha_{тб}}{2}} \left( 1 - \frac{1}{n_{конф}^2} \right) \quad (5)$$

где  $\lambda_{конф}$  – коэффициент трения конфузора ;  $\alpha_{ус}$  – угол сжатия конфузора;  $n_{конф}$  – степень сжатия конфузора.

Коэффициенты сопротивления в диффузоре и конфузоре роторно-фильтрующего устройства были определены экспериментально в соответствии с приведенными выше формулами (4) и (5).

#### СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Алиев Г.М. “Техника пылеулавливания и очистки промышленных газов”. Москва.: Металлургия, 1986. - 544 с.
2. Andersen B.O., Nielsen N.F., Walthe J.H. “Численное и экспериментальное исследование импульсно-струйной очистки в тканевых фильтрах”. Дисс. Кандидат философских наук: 06.10.2017г.203р.
3. Валдберг А.Ю., Николайкина Н.Е.. “Процессы и аппараты защиты окружающей среды”. Москва.: “Дрофа”, 2008.- 239стр.

## ЁШЛАР СПОРТ МАЖМУАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШДА ВАНТЛИ ОСМА ТОМ ЁПМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

*ўқит. Б.А.Мамадов, К.К. Мўминов, талаба. А.Ю.Юнусова  
(Наманган муҳандислик-қурилиш институти)*

**Анотация:** мақолада катта оралиқли бино ва спорт иншоотларининг том ёпма қисмида содир бўладиган масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Бино ва иншоотларнинг том ёпма конструкцияларига салбий таъсир этувчи экологик ечимлар ҳам қисқача баён этилган.

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакиллантириш, ахолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шар-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончини мустахкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасида иқтидорли спортчиларни саралаб олишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўлламли ишлар амалга оширилмоқда.

Катта оралиқли ноёб объектлар, спорт мажмуалари, транспорт воситаларини қулай харакатланишлари учун кўприкларни вантли осма том ёпма конструкциялари билан барпо этишда, лойиҳалаш ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, уларнинг илмий асосларини яратиш бўйича

кенг камровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан спорт иншоотларини вантли том ёпишда, том ёпмалари ичида энг ишочли ҳисобланади, вантли олдиндан зўриктирилган осма ёпмалар, технологик жихатдан йиғиш ва барпо этиш қулай бўлган олдиндан зўриктирилган конструкцияларнинг таянч контурларини деформацияланишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш ҳамда муҳандислик ҳисоблаш усулларини илмий асослаш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга вантли олдиндан зўриктирилган осма том ёпмаларнинг янги конструктив ечимларини яратиш зарурий эҳтиёжлардан ҳисобланмоқда.

Спорт ва саноат иншоотлари қурилишида осма том ёпмаларнинг кенг қўлланилишига яқин вақтларгача профилланган енгил тўшамаларнинг йўқлиги ва ёнмайдиган иситгич материалларининг тақчиллиги сабаб бўлган эди. Йғирманчи асирнинг 60 йилларига келиб, қурилган йирик иншоотлар осма ёпмаларни саноат ва спорт иншоотларида қўллашнинг реал имкониятлари мавжудлигини кўрсатди. Масалан, Еманжелинскда қурилган шнамбассейн режадаги кўриниши доира шаклида бўлиб диаметри 42 метрдан иборат эди. Унда иккиламчи Гаусс эгри чизиқли томёпма марказий юкланган устунга тиралган. Унинг боғловчиси сифатида диаметри 32 мм. дан иборат даврий профилли стержин арматура қўлланилган. Том плиталари йиғма темирбетондан бўлиб, вантлар бўйлаб ётқизилган ҳамда илмоқларга тиралган, улар орасидаги чоклар эса монолитлаштирилган.


Симметрик ва бир томонлама юклар таъсирида икки тасмали текис радиал жойлашган вантларни ҳисоблаш, бир-бирига нисбатан йўналтирилган чўзилмайдиган вертикал боғлама ҳовонлар билан ўзаро бириктирилган икки тасмали барқарорлаштирилган тизимларнинг кўриб чиқамиз(1.1-расм). Шарҳлаш осон бўлиши учун дискрет эмас балки дифференциал қайд қилиш шаклидан фойдаланамиз. Ҳовон боғламаларни узунлиги бўйича узлуксиз деб ҳисоблаймиз. Бу эса юкламаларни узунлиги бўйича узлуксиз деб ҳисоблашга имкон беради ҳамда симарқон ўқидаги бурилишларни тугунларда жуфт чизиқлар билан алмаштирилади.

Икки тасмали тизимнинг кўриниши симметрик ва бир томонлама юкланишлар схемалари, юклама остида мувозанат тенгламаси қуйдаги кўринишга эга

$$H_1 z_1 - H_2 z_2 = q$$

Бу ерда ва бундан кейин ҳам пастга йўналтирилган юк кўтарувчи симарқонга тегишлидир; 2 эса юқорига йўналтирилган барқарорлаштирувчи симарқонга тегишли.

Симарқоннинг шакли ҳисобий юклама билан мувозанатда бўлгани қулайдир, у ҳолда иккаласининг ординатаси оралиқ бўйлаб ўзгармас бўлиши мақсадга мувофиқ.



Агар юклама барқарорлаштирувчи тасмада бўлса, унинг заифлашишини ҳисобга олиш зарур. Юк кўтарувчи тасмани мустаҳкамликка ҳисоблашда қуйдаги юклама бўйича ҳисобланади

$$q = g + p + v$$

Икки тасмали тизимларни деформацияга ҳисоблаш, симарқоннинг ҳисобига ўхшаш бўлади, шаклига таъсир қилмайдиган даражада эластикни ортиб кетишини ажратиб олиш қулайдир, ҳамда юк кўтарувчи тасманинг узайишига йўл қўймаган ҳолда кнематик юкларни орттириб борилишига ажратиб олиш мақсадга мувофиқ. Икки тасмали тизимларнинг деформацияланишида шакилнинг ўзгариши ҳар иккала тасманинг узайиши билан биргаликда кузатилади, соф кнематикага эришиб бўлмайди. Лекин шакилнинг ўзгариши натижасида узайишнинг миқдори катта эмас.

Вантли том ёпма конструкциялари қурилиши жараёнларига атроф-муҳитнинг салбий таъсири бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриб чиқилади. Мавжуд олинган экологик натижалар асосида кузатув ишлари орқали, шунингдек жойдаги атроф-муҳитнинг ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилади. Агарда бирор сабаб билан қурилиш-монтаж ишларини бажариш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолатлар бўлса, дарҳол том ёпма конструкцияларининг ҳақиқий ҳолати бўйича жойлашув схемаси, баландлиглари ва том ёпмасининг кенглиги бўйича кўрсатилган лойиҳа режаси расмийлаштирилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Алимов Ж., Ахмадиёров У.С. Исследование работк двухпоясных преднапряженных всячихпокрытий.// В сб. Промышленное и гражданское строительство в современных условиях. Московский Государственный строительный университет. Москва, 2011-с. 3-5.
2. Кирсанов Н.М. Всячие покрытия производственных здании.–М: Стройиздат, 1990.-128с.

## ЗИЛЗИЛА ВА АВАРИЯЛАР ТАЪСИРИДА БИНО ВА ИНШООТЛАРНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

и.ф.н. М.А. Хусаинов  
(Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

**Аннотация:** Мақолада зилзила ва турли авариялар таъсирида бино ва иншоотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳисоблашлар физик, геометрик ва конструкциявий нозичликни ҳисобга олган ҳолда вақтга нисбатан ўзгарувчан ҳаракат тенгламаларини тўғридан тўғри интеграллаш йўли орқали ҳисоблаб чиқиш таклиф қилинади.

Қурилиш конструкциялари ва биноларнинг асослари (замин) шундай лойиҳаланиши лозимки, уларни барпо этиш ва эксплуатация жараёнида етарли даражада ишончли бўлсин. Ишончлиликни таъминлашда махсус таъсирлар (зилзила, сув тошқини, портлаш, ёнғин ва б.) га бардошли бўлишини ҳам ҳисобга олиш зарур[1].

Ишончлилик бу - конструкцияларнинг маълум хизмат муддати давомида унга қўйилган эксплуатацион сифатларни сақлай олиш қобилиятидир. Бино ва иншоотларнинг хавфсизлиги деганда ишга яроқлилик ҳолати бузилган тақдирда ҳам объектнинг инсонлар ҳаёти ва соғлиғига хавф солмаслик хусусияти тушунилади. Конструкцияларнинг ҳаётлиги деганда эксплуатация шароитларида назарда тутилмаган таъсирлар натижасида чекланган ишчи ҳолатини сақлаб қолиш хусусияти тушунилади.

Амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабига кўра нормал эксплуатация шароитида назарда тутилмаган (ёнғин, портлаш, зарбий таъсирлар, конструкция ва материаллардаги дефектлар, режага ноқонуний ўзгартиришлар киритиш ва б.) авария таъсирларидан муайян юк кўтарувчи элементларда пайдо бўлган локал емирилиш ёки вайрон бўлиш оқибатида бино ва иншоотлар ортиб борувчи ўпирилишдан ҳимояланган бўлиши лозим. Мазкур талаб шуни англатадики, авариявий таъсирларда айрим элементларнинг локал вайрон бўлишига рухсат этилади, бироқ бу бирламчи вайронгарчилик аввал авария натижасида вайрон бўлган элемент кўтариб турган юкламаларни қабул қилиб олувчи конструкцияларни вайрон бўлиши ёки ўпирилишига олиб келмаслиги керак.

Юқоридаги талаблар бино ва иншоотларни сейсмик таъсирларга ҳисоб-китоб қилишга ҳам тўлиқ ҳолда тааллуқлидир. Чунки, зилзила вақтида алоҳида элементларда локал вайронгарчиликка йўл қўйилади, лекин конструкция тўлиқ вайрон бўлмаслиги керак.

Ортиб борувчи ўпирилишга турғунлик ва барқарорликни таъминлаш бино ва иншоотларни комплекс хавфсизлиги (ташкилий, конструктив ва б.) тизимининг бир қисми ҳисобланади. Хусусан, монолит биноларнинг ортиб борувчи ўпирилишга барқарорлиги қуйидаги конструктив тадбирларни амалга ошириш орқали таъминланади [2]:

- авариявий вазиятларни рўй беришини инобатга олган ҳолда бинонинг

- рационал конструктив-режавий ечимларини танлаш;
- конструкцияларнинг узлуксизлигини таъминловчи конструктив чораларни қўллаш;
  - бино конструктив элементларининг фазовий ишлаши ва махсус таъсирлар вақтида юкларни қайта тақсимланишини таъминловчи конструктив ечимларни қўллаш;
  - вертикал юк кўтарувчи элементларда, ригелларнинг пастки ва устки қисмларида ҳамда ора ёпманинг бутун майдони бўйлаб узлуксиз арматуралашни амалга ошириш;
  - фазовий система ишлашига юк кўтармайдиган элементларни қўшилиб ишлашини таъминлаш;
  - конструкция элементлари ва уларнинг боғланиш жойларида пластик деформацияни ҳосил бўлишини таъминловчи материал ва конструктив ечимларни қўллаш.

Монолит биноларда ораёпмалар вертикал юк кўтарувчи конструкциялар билан ишончли боғланиши керак. Ораёпмани устун, ригель, диафрагма ва деворлар билан боғлаб турувчи боғламалар ораёпма вайрон бўлганида уни пастки қаватга тушиб кетишидан асраши лозим.

Амалдаги лойиҳалаш меъёрларига асосан дастлабки ташқи таъсир сифатида конструкциянинг бир ёки бир нечта юк кўтарувчи элементларини динамик эффектни ҳисобга олмайдиган гипотетик локал бузилиши назарда тутилади.

Масалан, кўп қаватли биноларда локал бузилиш сифатида битта қават доирасидаги вертикал юк кўтарувчи элементларнинг бузилиши (қулаши) деганда қуйидагилар назарда тутилади [3]:

- битта (ихтиёрий) қаватдаги деворларнинг ўзаро кесишув жойидаги (хусусан бино бурчагида) бузилиши (ўпирилиши) дан ҳар икки томондан яқин орадаги дераза туйнугигача ёки кейинги кесишган деворгача масофа 10 метргача бўлганда, конструкцияларнинг шикастланиш доираси 80 м<sup>2</sup> майдонни (локал бузилиш майдони) эгаллаганда;
- битта (ихтиёрий) қават доирасидаги локал бузилиш майдонида жойлашган устунлар ёки устун билан унга туташган деворнинг бир қисмини вайрон бўлиши;
- локал бузилиш майдонида битта қават ораёпмасининг қисман вайрон бўлиши.

Ортиб боровчи ўпирилишга бинонинг барқарорлигини баҳолаш учун вайрон бўлишнинг энг хавфли ҳисобий схемаларини кўриб чиқишга рухсат этилади. Конструкцияларни юк кўтарувчи элементларни гипотетик локал вайрон бўлиш ҳолатида ҳисоб-китоб қилиш фақат биринчи гуруҳ чегаравий ҳолат бўйича амалга оширилади.

Кўриб чиқиладиган фавқулодда ҳолатларда темирбетон конструкциялардаги силжиш ва дарзларни очилишидан пайдо бўладиган ноэластик деформацияларнинг ривожланиши чегараланмайди.

Шунингдек, доимий ва узок муддатли вақтинча юклар билан бирга конструкциядаги локал гипотетик бузилишларни келтириб чиқарувчи

таъсирларни инобатга олувчи юкларнинг махсус жамланмаси тузилади.

Юк бўйича ишончлилик коэффициентлари бирга тенг деб олинади. Материалларнинг мустаҳкамлик характеристикалари амалдаги лойиҳалаш меъёрларига асосан уларнинг норматив миқдорларига тенг деб қабул қилинади. Шунини таъкидлаш зарурки, меъёрий талаблар авария таъсирларининг хусусиятларини ҳисобга олишни назарда тутмайди. Аммо шу нарса маълумки, конструкциянинг реакцияси локал бузилишни келтириб чиқарган ташқи таъсирнинг характери ва у билан боғлиқ бўлган динамик эффектга боғлиқ бўлади.

Бино ва иншоотларни эксплуатацион юкларга ҳисоблашда аксарият ҳолларда ҳисоблашнинг чизикли эластик усуллари қўлланилади. Зилзила ёки авария натижасида юзага келадиган махсус таъсирлар одатда конструкцияларда катта деформация ва кўчишларни келтириб чиқаради, ҳаттоки айрим элементларни ишдан чиқариб, чегаравий кучланишга яқин бўлган кучланганлик ҳолатини пайдо қилади. Шунинг учун, ҳисоблашлар физик, геометрик ва конструкциявий ночизикликни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Шунини таъкидлаш лозимки, деярли барча махсус таъсирлар динамик хусусиятга эга. Конструкциянинг махсус таъсирлар остида ишлашини яққолроқ ифодалаш учун ҳисоблашнинг ночизик динамик усуллари қўллаш керак бўлади.

Биринчи навбатда бу масала масъуллиги юқори даражадаги кўп қаватли ва катта оралиқли бино ва иншоотларга тааллуқлидир. Бу масалани бошланғич чегаравий шартлари мавжуд бўлган катта ҳажмли дифференциал тенгламалар системаси ёрдамида ҳал қилиш лозим бўлади. Бундай тенгламалар системасини ечиш алоҳида қийинчиликлар туғдиради.

Зилзила ва авария таъсирларига бино ва иншоотларни ҳисоблашнинг усуллари ва амалий мақбул услубларини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади. Турли кўринишдаги ночизикликларни ҳисобга олишда вақтга нисбатан ўзгарувчан ҳаракат тенгламаларини тўғридан тўғри интеграллаш йўли орқали ҳисоблаб чиқиш керак бўлади.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Сухарев Ю.В. Реализация требований по безопасности и надёжности проектируемых зданий и сооружений от прогрессирующего обрушения: монография / – М. 2010. – 152 с.
2. ГОСТ 27751-88. Надёжность строительных конструкций и оснований. Основные положения по расчету.
3. Рекомендации по защите монолитных жилых зданий от прогрессирующего обрушения. – Москомархитектура, 2005 г.

## ИССЛЕДОВАНИЯ НАПРЯЖЕННОГО СОСТОЯНИЯ СЛОЖНОГО УЗЛА ПОДЗЕМНЫХ СООРУЖЕНИЙ ПРИ ЗЕМЛЯТРАСЕНИЯХ.

И.О.Жуланов, Х.А.Айнакулов  
(Джизакский политехнический институт)

**Аннотация.** В данной статье исследуется напряженное состояние сложного узла подземных сооружений при землетрясениях. Для определения напряжений в стенках сложного узла используется решение осесимметричной задачи теории упругости для толстостенных цилиндров (Задачи Ламе). Сейсмическое давление грунта на сложный узел воспринимается как внешнее давление на толстостенный цилиндр. В качестве сейсмической силы принимается одинарный сейсмический импульс. С помощью компьютера получена эпюра тангенциальных и радиальных напряжений в зависимости от балльности землетрясений. А также получены графики изменения напряжений в стенках сложного узла по времени, согласно третьей гипотезе прочности. На основе полученных результатов делаются выводы относительно сейсмостойкости сложного узла подземных сооружений.

В работах [1, 2] сложный узел считается абсолютно жестким и его напряженно-деформированное состояние не изучается. В [1] теоретически, а в [2] экспериментально установлено что сложный узел очень сильно влияет на динамику подземных сооружений. Сложный узел будем считать толстостенным цилиндром, если толщина его стенки:

$$\frac{1}{10} R_{\text{ср}} < R_{\text{кн}} - R_{\text{ке}}$$

При расчете тонкостенных цилиндров предполагается, что в окружном направлении напряжения постоянны по толщине стенки, а в радиальном вообще отсутствуют. Это допущения неприемлемы для толстостенных цилиндров. Предположим, что сложный узел находится под действием внутреннего и внешнего давления. Внутреннее давление в сложном узле состоит из гидростатического и напорного давлений от содержащейся в нем жидкости, которые будем считать постоянными по высоте сложного узла и обозначим как:  $q_{\text{ж}} = q_{\text{гг}} + q_{\text{нап}}$ . Внешнее давление на сложный узел состоит из сейсмического давления грунта, который определяется так:

$$P = k \cdot |\ddot{y}(t)| = k \cdot \left| \frac{1}{P_y} \cdot \int_0^t \ddot{U}_0(\tau) \cdot \sin P_y(t - \tau) d\tau \right| \quad (1)$$

где  $k$ -коэффициент взаимодействия сложного узла с окружающим грунтом,  $\ddot{y}(t)$ - относительные перемещения сложного узла в грунте  $\ddot{U}_0$ - ускорения почвы.

Для определения напряжений в стенках сложного узла воспользуемся решением осесимметричной плоской задачи теории упругости для толстостенных цилиндров (задача Ламе) [5]. Согласно этому решению, радиальное ( $\sigma_r$ ) и тангенциальное ( $\sigma_\theta$ ) напряжения в стенках сложного узла определяются формулами:



### **КЛИНКЕР ХОМ АШЁСИНИ ПИШИРИШДА ГАЗ ЁНИЛГИСИДАН ТЕЖАМЛИ ФОЙДАЛАНИШ**

*кат. ўқит. Б.Хурсанов, А.А.Хакимов, ўқит. А.Сулаймонов  
(Фаргона политехника институти)*

**Аннотация:** Мақолада бино ва иншоотларни қуриш учун ишлатиладиган цемент клинкерининг хом ашёсини пиширишда газ ёнилгисидан тежамли фойдаланиш йўллари тавсия этилган.

Бино ва иншоотларни қуришда ишлатиладиган цемент клинкерини ишлаб чиқариш айланувчи печларда амалга оширилади. Айланма печлар клинкер ўлчамларини меёрий талабларига мос келиши, юқори мустахамлиги, печ ички қисмида эркин пишишга кенг имконият мавжудлиги каби қулайликларга эга бўлиши билан бир қаторда, гил тупроқли бирикма таркибида кенгайиш камлиги сабабли пишириш жараёни қийин кечиши, материалларнинг бир бирига ёпишиб қолиши каби


камчиликлари бор. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун печни ўрнатиш ва монтаж қилиш, газ ёқилғисидан унумли, тежамкорли фойдаланишга асосий эътибор қаратиш керак.

Айланувчи печ икки учи очик, ичи иссиққа чидамли ғиштлар билан футеровка қилинган барабан. Печ ичида хом ашё ва иситиш газлари қарама-қарши ҳаракатланади. Қарама-қарши ҳаракатланаётган материал ва иситиш газлари орасида печнинг узунлиги бўйича ҳар бир нуқтасида ҳароратлар фарқи мавжуд ва бу фарқ жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилади.

Табиий оҳак тош ва тупроқдан тайёрланган аралашма юқори ҳароратда пиширилади. Пишириш жараёнида хом ашё таркибидаги кимёвий элементлар иссиқлик таъсирида маълум кетма-кетликда ўтадиган ўзаро кимёвий реакцияларга киришади ва натижада цемент клинкери ҳосил бўлади.

Клинкер хом ашёсини пиширишда газ ёнилғисидан тежамли фойдаланиш бўйича биз томонимиздан тадқиқот ишлари олиб борилди. Тажриба ишлари олиб борилган қурилма ва ўлчанган нуқталар 1-расмда кўрсатилган.

Айланма печларда клинкерни пишириш вақти 35 - 40 минутни ташкил этиб, шундан дастлабки 18 - 20 минут давомида 1050 - 1300°C ҳароратгача қиздирилади ва 2 - 4 минут давомида ҳарорат 1400 ÷ 1450°C гача оширилади, ушбу ҳароратда 10 ÷ 12 минут давомида пиширилади, сўнг 2-3 минутда 1000-900°C гача совитилади. Гранулларнинг ўзаро бир-бирига ва печнинг ички қисмида футеровкага ёпишишининг олдини олиш учун, кенгайишда максимал ҳарорат 1450°C дан ошмаслиги, кенгайишнинг ҳарорат интервали 50 ÷ 70°C дан кам бўлмаслиги керак. Печларда юқори сифатли клинкер ишлаб чиқариш, пишириш, совитиш жараёнлари тартибларига, гранулнинг таркиби ва газ ҳолатларига боғлиқдир.



1-расм.Клинкер пиширувчи айланма печнинг ўлчов тасвири.

Тажриба давомида ўлчанган нуқталар. А-газ ёндиргичга келаётган газнинг босими; Б-печнинг клинкер ишлаб чиқариш қуввати; В-печ бўйлаб иситиш газининг камайиши; Г-печдан чиқаётган иситиш газининг ҳарорати. 1-айланма ҳаракатланувчи клинкер пиширувчи печ; 2- печга гранулнинг узатилиши; 3-газ йўлаги; 4-тутун чиқувчи қувур; 5-печнинг қуйи қисми; 6-газ ёндиргич; 7-совутиш барабани.

Гранул хом ашёларига термик ишлов бериш печдаги газларнинг ҳолатларига ҳам боғлиқ. Босим остида барабанли печга узатилаётган иситиш ва хаво миқдори печнинг иш жараёнида маркази йўқ қисмига қараб ҳаракатланади. Ҳароратнинг ўзгаришига қараб айланувчи печларни шартли равишда қуйидаги оралиқ майдонларга бўлиш мумкин:

1. Иситиш оралиқ майдонида хом ашё  $150^{\circ}\text{C}$  гача қиздирилади.
2. Қуриш оралиқ майдони ёки газнинг ҳарорати  $150\div 750^{\circ}\text{C}$  ва материалнинг ҳарорати  $40\div 240^{\circ}\text{C}$  бўлган чегарада намликнинг ажралуви. Қуриш оралиғи узунлиги умумий печ узунлигининг  $25\div 36$  фоизини ташкил этиб гранул хом ашёсининг ғоваклиги, намлиги ва кенгайиши учун керакли бўлган вақтга боғлиқдир.
3. Декарбонизация жараёни майдони. Бунда газнинг ҳарорати  $1050\div 1250^{\circ}\text{C}$  ва материалнинг ҳарорати  $240\div 880$  чегарасида бўлади. Материални қиздириш жараёнида иссиқликнинг узатилиши иситиш газдан қиздирилаётган материалга берилди. Қиздирув майдонининг узунлиги умумий печ узунлигининг  $20\div 32$  фоизини ташкил этади.
4. Клинкернинг пишириш жараёни майдони. Ушбу жараёнда печда газнинг ҳарорати  $1300\text{--}1450^{\circ}\text{C}$  ва материалнинг ҳарорати  $880\text{--}1160^{\circ}\text{C}$  бўлиб, ушбу ҳолатда пиширилаётган клинкер гранулининг кенгайишидан газ ажралиб чиқиши давом этади. Пиширув жараёни оралиқ майдони, умумий печ узунлигининг  $15\text{--}20\%$  ни ташкил этади.
5. Пиширилган клинкернинг дастлабки совитилиш жараёни, печга олиб келинаётган иккиламчи ҳавонинг келиш жараёнига тўғри келади. Ушбу оралиқ майдонида гранулнинг юза қисмида турли хил темир бирикмаларининг оксидланиш кўнғир ва қизил кўринишга эга бўлади. Гранулнинг совишида ҳарорат  $1000\div 1050^{\circ}\text{C}$  гача пасаяди. Совитиш жараёнининг оралиқ майдони печ умумий узунлигининг  $5\%$  дан ошмайди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Алиматов Б.А. ва бошқ. Ишлаб чиқаришдаги технологик комплекслар. Ўқув қўлланма. Фарғона-техника. 2002. 172б.
2. Журавлев М.И. и др. Механическое оборудование предприятий вяжущих материалов и изделий на базе их. М.: Высшая школа. 1982. 417с.
3. В.С. Богданов и др. Технологические комплексы и механическое оборудование предприятий строительной индустрии. Учебник. Белгород. Изд-во БГТУ. 2008. 614 с.

# МОДЕЛИРОВАНИЕ ЭКСПЛУАТАЦИОННЫХ ХАРАКТЕРИСТИК ИНТЕГРАЦИОННЫХ ФОТОЭЛЕКТРИЧЕСКИХ СТАНЦИЙ (В СРЕДЕ DIGSILENT POWER FACTORY)

маг. Б.Х. Муродов  
(Ташкентский государственный технический университет)

*Аннотация.* СФЭС для энергосистемы является источником активной и реактивной мощности и не отвечает за стабилизацию частоты/напряжения. Таким образом, возможна работа СФЭС только в параллель с сетью.

При проектировании сетей данный подход может быть приемлемым. Предопределенные наборы параметров позволят определить подходящую и приемлемую динамику исследуемой системы. Данный подход также часто используется для анализа режимов энергосистем, в этом случае отклик должен соответствовать отклику реальной энергосистемы [1].

Для систем и конфигураций, для которых отсутствуют модели IEEE, такие как ветрогенераторы, высоковольтные системы постоянного тока и т.д., требуются мощные инструментарии для пользовательского моделирования. Для этой цели в PowerFactory можно создать высоко специализированные, точные модели.

Моделирование системы для анализа устойчивости является одной из наиболее важных задач в области анализа режимов энергосистем. В зависимости от точности построенных моделей, их корректности при возникновении больших возмущений, доступных параметров системы и рассматриваемых повреждений или испытаний, полученных результатов- все это можно использовать для ее верификации.

Это один из аспектов сложности исследования устойчивости при ПП. Другой аспект заключается в результатах, которые необходимо получить при использовании большого набора динамических моделей, каждая из которых, в свою очередь, может представлять собой сочетание других моделей. В конце концов все эти динамические модели объединяются в одну большую динамическую модель, на основании которой можно получить основной набор дифференциальных уравнений системы [2].

С учетом сложности задачи анализа ПП, философия моделирования PowerFactory направлена на строго иерархический подход, который сочетает графические и скриптовые методы моделирования.

Основа для моделирования формируется основными иерархическими уровнями динамического моделирования:

- Определения блоков DSL, которые основаны на «Языке программирования DIgSILENT» (DSL), все это определяет основные блоки построения для отображения передаточных функций и дифференциальных уравнений для более сложных динамических моделей.

- Встроенные модели и общие модели. Встроенные модели или

элементы являются динамическими моделями PowerFactory для стандартного оборудования энергосистем, т.е. для генераторов, двигателей, статических компенсаторов реактивной мощности. Общие модели основаны на определениях блоков DSL и являются интерфейсами пользовательских динамических моделей [3].

Взаимосвязь между этими моделями и способом их использования хорошо показана на следующем примере.

Предположим, что необходимо выполнить анализ отклонения частоты в отдельной энергосистеме вследствие внезапной потери блока мощностью 600 МВт. В зависимости от сети и необходимого детализирования результатов расчета, проведение данного анализа может потребовать детального моделирования регуляторов напряжения, первичных регуляторов или другого основного оборудования для всех генераторов большой мощности в энергосистеме.




Рисунок 1. Пример модели составного генератора или электростанции.

На рисунке 1 показана типовая конфигурация синхронного генератора со стабилизатором энергосистемы, регулятором напряжения, первичным регулятором и моделью первичного двигателя. Первичный регулятор и первичный двигатель можно представить общей моделью блока первичного регулятора. Для создания данного типа модели необходимо выполнить следующее:

1. Определить динамические модели для каждого необходимого типа регулятора или блока (Определение модели/блока).
2. Для каждого генератора необходимо модифицировать динамические модели отдельного регулятора, задавая соответствующие значения параметров (Общая модель).
3. Необходимо создать структурную схему, в которой будут определены связи между входными и выходными сигналами различных моделей (Составной фрейм).
4. Для каждого генератора необходимо объединить вместе структурные схемы и измененные динамические модели для определения индивидуальной «составной» модели генератора (Составная модель) [4].

Возможно, покажется лишним включать шаги 2 и 3: можно было бы создать усовершенствованные динамические модели непосредственно для каждого генератора со «встроенными» настройками параметров, а также связать эти модели с генератором без предварительного определения

структурной схемы. Однако это бы означало, что потребовалось бы создать новый регулятор напряжения, например, для каждого генератора в энергосистеме.

Часто многие из этих регуляторов напряжения являются идентичными. Поэтому необходимо избегать создания экземпляров этих регуляторов для каждого генератора, избыточных копий регуляторов или даже моделей всего генератора.

Таким образом, в случае, когда производители могут предоставить точные модели регуляторов, включая и его действительные параметры, модель системы можно улучшить, не используя стандартные модели IEEE, а построением, вместо этого, новой блок-схемы отдельного регулятора/механической системы для моделирования устройства. Это позволяет выполнять моделирование с высокой точностью.

#### ЛИТЕРАТУРЫ

1. Gonzalez-Longatt, Francisco, Luis Rueda, José (Eds.) PowerFactory Applications for Power System Analysis. January 2015 *with* 7,250 Reads. DOI: 10.1007/978-3-319-12958-7. First Edition. ISBN 978-3-319-12958-7. Publisher: Springer.
2. Контроллер солнечной электростанции, ASC Управление электростанцией. ASC Plant Management data sheet 4921240459 UK English-Russian. DEIF A/S. Frisenborgvej 33. DK-7800 Skive. [info@deif.com](mailto:info@deif.com). [www.deif.com](http://www.deif.com).
3. Abdullah Al Mahfazur Rahman. Active and Reactive Power Control Through P-Q Controller Base System to Replicate the Behavior of Full Power Converter of Wind Turbine. International Journal of Engineering Research and General Science Volume 2, Issue 5, August-September, 2014 ISSN 2091-2730.
4. Sushen Narkhede and Rajpritam. MODELING OF PHOTOVOLTAIC ARRAY. Scientific project. National Institute of Technology Rourkela Rourkela-769008, Orissa. 2015 y.

### ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРЛАРДА ЭНЕРГИЯТЕЖАМКОР ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛАНИШ ЭКВИВАЛЕНТ ҚУВВАТИНИ АНИҚЛАШ

*доц. А. Полвонов, ўқит. А. Мадрахимов, Д. Шодмонов  
(Наманган муҳандислик қурилиш институти)*


**Аннотация:** Мақола шаҳар циклида электромобилларни умумий энергия сарфини, аккумулятор батареясини тўйдириши учун энергия сарфини ҳисоби берилган.

Электромобилни шаҳарда ҳаракатланиш шароитларида, электромобилни энергетик кўрсаткичларини (битта зарядга босиб ўтган йўл, умумий босиб ўтган йўл ва энергия сарфи) баҳолаш учун транспорт




воситаларини мавжуд ДАСТ Р ЕН 1986–1–2011 ҳаракатланиш цикли ёрдамида моделлаштирилади.

Ҳаракатланиш цикллари ҳаракатланиш тезлигини вақтга нисбатидир, бунда аниқ кетма-кетликда бажариладиган вақтнинг ҳар бир лаҳзасида тезланиш, секинланиш миқдори ва ҳудудларнинг доимий тезлиги меъёрлаштирилади. Енгил ва енгил тижорат автомобиллари учун шаҳар циклини узунлиги-1,013 км, давомийлиги-195 сония, цикл учун ўртача тезлик-19,0 км/с., максимал тезлик 50 км/с. Шаҳар цикли 1-расмда кўрсатилган учта оддий шаҳар циклидан иборат. Битта оддий шаҳар циклида ҳаракатланиш вақти 195 сонияни ташкил этади, циклда ҳаракатланишни умумий вақти-780 соат.




1-расм. Оддий шаҳар циклини графиги

MATLAB/Simulink дастурий комплексида шаҳар циклида ҳаракатланишида энергия сарфини баҳолаш имконини берувчи электрюритмали тижорат енгил автомобилни математик модели ишлаб чиқилган. Транспорт воситасини динамик тенгламасидан ташқари, база модели ФИК ни статистик тавсифномасини намоён қилувчи электрюритма компонентлари моделини ҳам ўз ичига олади (батареялар ва электродвигател учун).




2-расм. Шаҳар цикли шароитида электромобилни динамик параметрларини ҳисоблаш кичик тизими (Simulink-модели).


3-5-расмларда шаҳар цикли шароитида электромобил ҳаракатини имитацион моделлаштиришни асосий натижалари кўрсатилган.



3-расм. Шаҳар циклида тезланиш олиш жадаллиги



4-расм. Электродвигател валидаги айланиш momenti ўзгаришини характери



5-расм. Шаҳар циклида ҳаракатланишга керакли бўлган электродвигател валидаги кувватни боғланиши.

Аккумулятор батареяси энергия сарфи куйидаги формула билан аниқланади:

$$W = W_B - W_P = \frac{\int P_{M\_тяг} dt}{\eta_{M\_тяг} \cdot \eta_{B\_азр}} - \eta_{M\_тяг} \cdot \eta_{B\_разр} \cdot \int P_{M\_тяг} dt, \quad (1)$$

бу ерда  $\eta_B$  – аккумулятор батареясидан фойдаланиш даражаси;  $\eta_M$  – электродвигателнинг ФИК и;  $P_M$  – электродвигател валидаги кувват, кВт.

Формула (1) ва 5-расмга мувофиқ аккумулятор батареясини энергия сарфи таркиби аниқланади. Оддий шаҳар циклида умумий энергия сарфи  $W_B=750$ кВт·с ни ташкил этади, қайтиши мумкин бўлган энергия (рекуперация энергияси) эса  $W_P=239$ кВт·с га тенг. Литий-ионли аккумулятор батареясини ишлатиш даражасини  $SOC=80\%$  ҳисобга олиб, қайтиш энергиясини  $W_P=179$  кВт·с лигини кутиш мумкин.

Шундай қилиб аккумулятор батареясини битта шаҳар циклига (тўртта оддий шаҳар циклидан иборат) энергия сарфи  $W_B=0,83$ кВт·с га, унинг батареяга қайтиши  $W_P = 0,2$  кВт·с га тенг, яъни шаҳар циклида аккумулятор батареясини энергия сарфи йиғиндиси:  $(W_B - W_P) = 0,63$  кВт·с га тенг.

Юқоридагидан келиб чиқиб, ДАСТ Р ЕН 1986–1–2011 цикли бўйича энергия сарфи йиғиндиси  $E_{ц} = 5,03$  кВт·с га, электромобилни ҳаракатланиши учун кувват  $P_{ц} = 5,03$  кВт ва электробус учун 5,43 кВт га тенг.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ

1. Листвинский М.С. ва др. Моделирование движения городского электромобиля с комбинированной энергетической установкой на базе емкостного накопителя. - М.: МАМИ, 1994.

# AVTOMOBIL YO'LLARINI MUSTAXKAMLIK XOSSALARINI OSHIRISH UCHUN TABIIY QUMLARNI MEXANIK FAOLLASHTIRISH USULI BILAN ASFALTOBETON QORISHMASINI ISHLAB CHIQRISH TEXNOLOGIYASI

*dots. Q. Inoyatov, dots. D. Maxkamov, talaba S. Rayimova  
(Namangan muhandislik-qurilish instituti)*

***Anotatsiya.** Maqolada avtomobil yo'llarini mustaxkamlik xossalarini oshirish uchun maxalliy xom ashyolar asosida bitumning xossalarini yaxshilashga qaratilgan hamda kompozitsiya tarkibidagi mineral materiallarni bitum yordamida o'zaro bog'lanish xususiyatini yaxshilanishiga qaratilgan tadqiqotlarning natijalari keltirilgan.*

**Kirish.** Umumiy foydalanishdagi avtomobil yo'llarini boshqarish tizimi, avtomobil yo'llarini saqlash, ta'mirlash, rekonstruksiya qilish va qurish ishlariga yo'naltirilayotgan mablag'lardan foydalanish samaradorligini oshirish hamda ana shu yo'llarning bugungi kundagi holati bilan bog'liq bir qator muammolar hal etilmasdan qolmoqda. Mamlakatimizda avtomobil yo'llari tarmog'i bo'yicha yuzaga kelgan haqiqiy holat va rivojlanish darajasi yo'l xo'jaligining barcha yo'nalishlariga doir aniq va samarali chora-tadbirlarni ishlab chiqishni, avtomobil yo'llarini boshqarishda hamda iqtisodiyot va aholi ehtiyojlariga muvofiq respublikamizda yo'l tarmog'i holatini sifat jihatidan o'zgartirishga qaratilgan qo'shimcha choralar qabul qilishni taqozo etmoqda.

Shuning uchun mamlakatimizni iqtisodiy rivojlanishining muhim sohasi bo'lgan innovatsion texnologiyalarning istiqbolli rivojlanishini belgilovchi zamonaviy talablar bilan bog'liq bo'lgan transport kommunikatsiyasini rivojlantirishni yaxshilovchi, yo'l qurilish ishlarini rivojlantirish hamda avtomobil yo'llarini xizmat muddatini oshirishda avtomobil yo'llarini ta'mirlash uchun kompozitsion materiallarni yaratishga alohida e'tibor qaratilgan.

Avtomobil yo'llari qoplamalarini xizmat muddatini oshirishni ta'minlash, xususan, yuqori va issiq iqlim sharoitlarida maxalliy va ikkilamchi xom ashyolar asosidagi organomineral komponentlarni fizik-mexano-kimyoviy modifikatsiyalab, gomogen asfaltbeton kompozitsiyasi olib, avtomobil yo'llari qoplamalarini ta'mirlash va qurilishida foydalanish mumkin.

***Ishning maqsadi.*** Avtomobil yo'llari uchun maxalliy va ikkilamchi organik va noorganik xom ashyolar asosida mexanik, ekspluatatsion va termobarqarorlik xossalari yaxshilangan, arzon, ishlash muddati uzaytirilgan fizik-kimyoviy modifikatsiyalangan asfaltbeton kompozitsiyasini olish texnologiyasini ishlab chiqish va o'zlashtirish hamda ularni beton asosida yo'l qoplamalarini qurilishida qo'llashdan iborat.

***Tadqiqot obyekti va usullari.*** Tadqiqot obyekti sifatida BND 60/90 bitumi, sheben, qum, gossipol smola, rezina kukuni, so'ndirilgan oxak, ikkilamchi polivinilxlorid, ozokerit kukuni tanlab olindi.

GOSTlarda qabul qilingan talablarga mos holda yumshash harorati, 25<sup>0</sup>S

haroratda cho‘ziluvchanlik, ignani botish chuqurligi, beton bilan bog‘lanish mustahkamligi, suv shimuvchanlik va kompozitsion materiallarni fizik-mexanik xossalarini aniqlovchi boshqa standart usullardan foydalanildi.

**Olingan natijalar va ularning taxlili.** Yuqori adgeziyali va fizik-mexanik xususiyatga ega bo‘lgan, keskin o‘zgaruvchan iqlim sharoitida siljishga va yorilishga bardoshli (yumshash va mo‘rtlik xarorati yuqori bo‘lgan) kompozitsion asfaltobeton ishlab chiqish dolzarb muammo xisoblanadi.

Maqsadga erishish yo‘lida bir qator asfaltobeton qoplamasini tarkibini o‘rganib, taxlil qilib chiqildi. Siljish va yorilishlarga sabab, asfaltobeton qoplamasini tarkibidagi sheben bilan bitum orasidagi bog‘lanishi va asfaltobeton qoplamalari tarkibidagi erkin bitumlar xisobiga ekan. Bu muammoni bartaraf etish maqsadida bir qator ilmiy izlanishlar olib borildi. Ishlatilayotgan bitumlarni fizik-xossalarini tekshirib GOST talablari bilan solishtirildi.

Jadvaldan ko‘rinib turibdiki, yo‘l qurilishida ishlatilayotgan bitumlarni fizik-mexanik xossalari GOST talablariga to‘liq javob bermayapti. Shuning uchun bitumni tarkibiga ingredientlarni qo‘shib, bitumni fizik-mexanik xossalarini oshirish kerak.

**1-jadval**

Ko‘rsatkichlar nomi	Norma GOST 11952-66 Bo‘yicha		Olingan natijalar	
	BND 60/90	BND 40/60	BND60/90	BND40/60
Ignani botish chuqurligi (penetratsiya): 25 <sup>0</sup> S da 0 <sup>0</sup> S da (GOST11501-65)	61-90 20	41-60 13	60 25	50 16
Yumshash harorati, <sup>0</sup> S, (GOST11505-66)	47	51	45	49
Fraasa bo‘yicha mo‘rtlashish harorati, <sup>0</sup> S, (GOST11507-65)	-15	-12	-15	-10
Cho‘ziluvchanlik 25 <sup>0</sup> S, mm, (GOST11505-65) kamida	55	45	54	44
Suv shimuvchanligi, %, (GOST11508-65)	0,3	0,3	0,25	0,25

**Bitumlarni solishtirma xarakteristiklari**

Bitumning fizik-mexanik xossalarini oshirish maqsadida, tadqiqot o‘tkazildi. Tadqiqotlar natijalariga ko‘ra asfaltobeton qoplamasi olishda ishlatilayotgan BND 40/60 bitumi tarkibiga gossipol smola, rezina kukuni, so‘ndirilgan oxak, ikkilamchi polivinilxlorid, ozokerit kukuni qo‘shib bitumni modifikatsiyalandi va asfaltobeton kompozitsiyasini olishning tarkibi ishlab chiqildi.


Tadqiqotlar natijalariga ko‘ra, daryo va cho‘l qumlarini dismembrator qurilmasidan foydalanib mexanik faollashtirib, mineral kukun o‘rnida foydalanildi.

Tadqiqotlar natijasiga ko'ra, daryo qumlaridan foydalanilsa, cho'l qumlaridan foydalanishga nisbatan yuqoriroq ko'rsatkichlarga erishish mumkin. Mexanik faollashtirish jarayonlarida qum zarrachalarini zarb bilan yanchish kuch ta'siri ostida bir qator o'zgarishlar sodir bo'ladi. Birinchidan, o'sha zarrachalarning geometrik yuzasi kattalashadi, ikkinchidan, adsorbsion xossalari ortadi hamda yangi faol markazlar hosil bo'ladi. Solishtirma yuzalarining ko'payishi asfaltobeton qoplamasini fizik-mexanik xususiyatlarini oshishiga olib keldi.

Maxalliy va ikkilamchi organik va noorganik xom ashyolar asosida mexanik, ekspluatatsion va termobarqarorlik xossalari yaxshilangan, arzon, ishlash muddati uzaytirilgan, fizik-kimyoviy modifikatsiyalangan asfaltobeton kompozitsiyasini olish texnologiyasini ishlab chiqildi.

Tabiiy qumlarni mexanik faollashtirish usuli bilan olingan asfal'tobeton qorishmasini ishlab chiqarish texnologiyasi

(1-rasm)



1-rasm. 1,2,3,4-uzatmali va rubashkali maxsus idishlar, 5,6,7,8,12-me'yorlagichlar, 9-quritgich, 10-maydalagich, 11-13-aralashtirgichlar,14-tayyor maxsulotni qabul qilish idishi.

**Xulosa.** Ushbu tadqiqotlar asfaltobeton qoplamalarini ishlab chiqishda asosiy ingredien bo'lgan bitumni tejash va uning fizik-kimyoviy xossalarini maxalliy xom ashyolar asosida yaxshilashni ilmiy imkoniyatlarini asoslaydi. Shuningdek asfaltobeton kompozitsiyasini ekspluatatsion xossalari 15-20 foizga yaxshilash imkonini ko'rsatmoqda, jumladan, suvga chidamlilik, past va yuqori xaroratlarda qoplamaning deformatsiyalanish qobiliyati, qoplamaning eyilishga chidamliligi ortdi, qoplamaning surilishi kamaydi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Абед Н.С., Махкамов Д.И., Негматов С.С., Хусанов Н.С., Рахмонов Б.Ш., Иноятлов К.М. Асфальтобетонные композиционные материалы для покрытия автомобильных дорог. Монография. Ташкент: Фан ва тараккиёт. 2017. 130 с.
2. Негматов С.С., Собиров Б.Б., Иноятлов К.М., Салимсаков Ю.А. Композиционные асфальтобетонные материалы для покрытия дорог. – Ташкент: ГУП “Фан ва тараккиёт”, 2012.

3. Негматов С.С., Собиров Б.Б., Абдуллаев А.Х., Рахмонов Б.Ш., Иноятов К.М., Салимсаков Ю.А. Модифицированные битумные композиции многофункционального назначения. – Ташкент: ГУП “Фан ва тараккиёт”, 2012.
4. Патент № IAP 04849. Герметизирующая композиционная мастика. Негматов С.С., Собиров Б.Б., Салимсаков Ю.А., Рахмонов Б.Ш., Абдуллаев А.Х., Солиев Р.Х., Махкамов Д.И., Облакулов Л.Н., Шодиев Х.Р., Ирисметов Х.Э.
5. Патент № IAP 04848. Битумная композиция. Негматов С.С., Собиров Б.Б., Абдуллаев А.Х., Гулямов Г., Салимсаков Ю.А., Махкамов Д.И., Солиев Р.Х., Облакулов Л.Н., Шодиев Х.Р.

## **ЎЗГИ ВАҚТЛАРНИНГ ЙЎЛ ҚОПЛАМА ҲОЛАТИНИНГ ИЛАШИШ СИФАТИГА ТАЪСИРИ**

*Ж.З Худойбердиев (Жиззах политехника институти)*

***Аннотация:** Изложены практические мероприятия, методы и технология работ по очистку и содержанию автомобильных дорог, организации и повышению безопасности движения на эксплуатируемых дорогах.*


Автомобиль йўллариининг транспорт воситалари билан юкланганлик даражасини йилдан-йилга ортиб бориши, уларнинг транспорт-фойдаланиш сифатларидаги кескин ўзгаришларга, бу ўзгаришларнинг салбий томони мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам тўғридан-тўғри ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шундай экан барча турдаги автомобиль йўл тармоқларида транспорт воситаларининг бутун йил давомида хавф-хатарсиз, узлуксиз қатновини таминлаш учун белгиланган асосий иш турлари ўз вақтида бажарилиши шарт. Баҳор келиши билан қор ва муз қатламлари бутунлай эригач, барча турдаги қопламалар лой, чанг, қум ва қишки сирпанчиқда ишлатилган материаллардан тозаланиши лозим.

Эстетика ва экология муаммоларидан ташқари автомобиль йўлларида қопламаниннг чангланиши ва ғилдиракнинг қоплама юзаси билан илашиш сифати пасайиши сабабли ҳам йўл ҳаракати хавфсизлигига таъсири бўлади. Қоплама сиртидаги чанглар транспорт ҳаракати давомида ҳавога кўтарилиб, йўлнинг кўринишини қийинлаштиришидан ташқари ёмғир ёғиши натижасида ёпишқоқ ва сирпанчиқ ҳолатга келиши оқибатида автомобиль ғилдирагининг илашиш коэффициентини қиймати пасайиб кетади. Бундай ноқулай вазиятларда ҳам ҳаракатнинг қулайлигини таминлаш учун қандай тартибдаги тадбирларни ишлаб чиқиш кераклиги кузатув ва синовлар ёрдамида аниқланади. Муаммони ечиш асосан йўл ва унинг элементлари ҳолати, қоплама юзасининг чангланиши, қуйидаги 1.1-расмда аниқланган уларнинг пайдо бўлиш манбалари ҳақидаги тўпланган маълумотларга таяниб

амалга оширилади.

Йўлларни ёзги сақлашдаги технологик жараёни ўлчамлари. Жадвал 1.2

Технологик жараёнлар	Қопламага ишлов бериш ҳажми	Суткада ўртача ўтказилиши	Машинанинг ҳаракат тезлиги км/соат	Ишни бажариш вақтлари	Ишни бажариш учун шароитлар
Ювиш	100 %	1	20 гача	23.00-7.00	Ҳаво ҳарорати 0 градусдан катта бўлганда
супириш	20-40 %	2	6-15	7.00-21.00	Фақат куруқ об-ҳаво шароитида
Сув сепиш	100 %	Қоплама ҳароратига ва об-ҳаво шароитига боғлиқ ҳолда ўтказилади	20-30	Кундуз куни	Куруқ, иссиқ об-ҳавода, ҳаво ҳарорати 25 градусдан юқори бўлганида



1.1. Расм. Шаҳар кўча ва йўлларининг чангланиш манбалари.

Бунинг учун ёмғир ёқганидан кейин йўл шароитида кузатувлар олиб борилади. Ёмғирдан кейинги биринчи кузатувданок йўл қопламасининг

илашиш сифати пасайиши натижасида йўл транспорт ходисаси содир бўлиш эҳтимоли ортиши кузатувлардан маълум бўлди. Тажрибаларни қулай ўтказиш мақсадида, йўл қопламасини сунъий равишда чангсизлантириб ва намлаб, улар миқдорини ошириб бориш орқали транспорт воситалари ҳаракатланганида ғилдираклар билан йўл сиртининг илашиш коэффиценти бошлаб икки мартага, сўнг анча камайиб кетганлиги кузатилди. Илашиш коэффиценти қиймати ППК-МАДИ-ВНИИБД асбоби ёрдамида аниқланади. Тажриба натижаларини қуйидаги 1.1 жадвалда келтирамиз.

Жадвал 1.1

Йўл қопламаси чангланишининг илашиш коэффиценти қийматига боғлиқлик жадвали.

Ўлчовлар рақами №	Илашиш коэффиценти қиймати $\varphi$							
	Куруқ қоплама да $q_{\text{бош}}=30$ г/м <sup>2</sup>	Нам қоплама да $q_{\text{бош}}=30$ г/м <sup>2</sup>	Чангл нишда $q_1=45$ г/м <sup>2</sup>	Чангланишда $q_2=60$ г/м <sup>2</sup>	Чангланишда $q_3=75$ г/м <sup>2</sup>	Чангланишда $q_4=90$ г/м <sup>2</sup>	Чангланишда $q_5=100$ г/м <sup>2</sup>	Ёпишқоқ ҳолдаги чанглан ишда $q_{\text{в}}=100$ г/м <sup>2</sup>
	Ўлчашларнинг серия рақамлари							
	1	2	3	4	5	6	7	8
1	0,41	0,36	0,28	0,28	0,24	0,23	0,21	0,14
2	0,4	0,33	0,31	0,25	0,26	0,24	0,23	0,18
3	0,41	0,34	0,32	0,31	0,28	0,24	0,19	0,12
4	0,39	0,3	0,31	0,29	0,25	0,24	0,2	0,15
5	0,42	0,34	0,29	0,26	0,23	0,23	0,22	0,13
6	0,41	0,29	0,28	0,27	0,26	0,22	0,2	0,17
7	0,38	0,33	0,3	0,26	0,24	0,24	0,19	0,14
$\varphi$ нинг ўртача қиймати	0,40	0,33	0,30	0,27	0,25	0,23	0,21	0,15

Йўл қопламасининг ғадир-будирлиги “қумли доғ” усулида аниқланганида 0,35 мм ни ташкил этди. Юқоридаги жадвалдан синовларнинг биринчи серияси куруқ қопламада ўтказилди. Ҳар бир ўлчовнинг серияларида илашиш коэффиценти қийматлари етти мартадан ўлчаш орқали аниқланди. Биринчи бошланғич чанглантиришдан кейин илашиш сифатининг ўзгариши ўрганилди. Шу асосда йўл қатнов қисми қанчалик кўпроқ чанглантилганида илашиш коэффиценти қиймат кўрсаткичи шунчалик пасайиб бориши кузатилди. Юқоридаги 1.1-жадвалда аниқланганидек синовнинг биринчи сериясида қопламанинг ўртача илашиш



коэффициенти  $\varphi = 0,40$ ; иккинчи синовда  $\varphi = 0,33$ ; учинчи синовда  $\varphi = 0,30$ ; тўртинчи синовда  $\varphi = 0,27$ ; бешинчи синовда  $\varphi = 0,25$ ; олтинчи синовда  $\varphi = 0,23$ ; еттинчи синовда  $\varphi = 0,21$ ; саккизинчи синовда  $\varphi = 0,15$  каби кўрсаткичларга пасайиб борди. Шунинг учун шаҳар кўча ва йўлларини, уларнинг қатнов қисмини, йўл четини, тротуарлар, бекатлардаги йўловчилар чиқиб тушиш майдончаларини 1.2-расмда кўрсатилган замонавий ишчи агрегатлар билан жихозланган ҳудудий йўллардан фойдаланиш корхоналари томонидан белгиланган вақтда чангдан тозалаш ва сақлаш лозим. Акс ҳолда йўлнинг айрим жойларида йўл транспорт ҳодисалари содир этилиши хавфи ошиши мумкин.



1.2-расм. “Multicar” базавий автомобили ва унга ўрнатиш мумкин бўлган ишчи агрегатлар.

Йўлларни бундай сақлаш ишларини бажаришнинг белгиланиши йўл хўжалиги ташкилотлари томонидан кечаю-кундуз, танаффуслари билан маълум вақт оралиғида, яни соат 12.00 дан 13.00 гача, 19.00 дан 20.00 гача, 2.00 дан 3.00 гача бажарилиши белгиланган. Автомобиль йўллари энг кўп чангланадиган баҳор ва куз ойларида йўлнинг қатнов қисмини ювишда йўл юзасига сепиладиган сувнинг 1 м<sup>3</sup> ҳажмига 1 литр қўшимча “Чистодор” суюқлиги аралаштирилади. Шунингдек қопламаларни CaCl<sub>2</sub>, Mg Cl<sub>2</sub>, NaCl хлоридларининг 18...35 фоиз сувли эритмалари билан ювиш ҳам яхши самара беради. Биринчи сепиш меъёри 1,5...4,0 кг/м<sup>2</sup> бўлиб, унинг таъсир муддати ( $T_1$ ) 15...25 кун ҳисобланади. Чангга қарши ишлов беришларнинг сони куйидаги формула билан аниқланади:

$$N = (T - D) / T_1$$

бу ерда  $T$ - йилнинг илиқ даври давомийлиги;

$D$ - ёмғирли кунлар сони;

$T_1$ - чангни босувчи материалнинг самарали таъсир муддати.

Жадвал 1.2

**Йўлларни ёзги сақлашдаги технологик жараёни ўлчамлари.**

Технологик жараёнлар	Қопламага ишлов бериш ҳажми	Суткада ўртача ўтказилиши	Машинанинг ҳаракат тезлиги км/соат	Ишни бажариш вақтлари	Ишни бажариш учун шароитлар
ювиш	100 %	1	20 гача	23.00-7.00	Ҳаво харорати 0 градусдан катта бўлганда
супириш	20-40 %	2	6-15	7.00-21.00	Фақат куруқ об-

					ҳаво шароитида
Сув сепиш	100 %	Қоплама ҳароратига ва об-ҳаво шароитига боғлиқ ҳолда ўтказилади	20-30	Кундуз куни	Қуруқ, иссиқ об-ҳавода, ҳаво ҳарорати 25 градусдан юқори бўлганида

Йўл қопламаларини супириш механик чўтка билан жихозланган машиналарда йўл ўқидан бошлаб, йўл четига қараб тозаланади. Машиналар бир-бири изига 0,25...0,50 м кирган ҳолда ҳаракатланади. Тозалаш йўлнинг қуруқ ва нам қопламаларида олиб борилади. Йўл қопламаларини қуруқ ҳолдаги чангсизлантиришда супириш кенглиги 1,5...3,0 м бўлган вакуум-ҳаво сўргичли қурилма билан жихозланган йиғиштириш машиналари ёрдамида 3,5...25 км/соат ишчи тезлиги оралиғида бажарилади.

Йўл қопламаларини ювиш ўзининг ҳаракат йўналишига нисбатан 75...80 градусда жойлаштирилган конусли найчали учликдан 0,4 МПа босим билан сув сепадиган машиналар ёрдамида бажарилади. Сув сарфи 0,9...1,2 л/м<sup>2</sup> га етиб, асосан автотранспортлар ҳаракати пасаядиган кечки вақтларида бажарилиши режалаштирилади. Турли ювувчи машиналарнинг қоплама юзасини ювиш кенглиги 2,2...8,5 м, ишчи тезликлари 3,5...16,5 км/соат, цистерналари ҳажми 6...11 м<sup>3</sup> оралиғида бўлади. Лекин юқори тоифадаги йўлларни ювишда 70...80 градусда жойлаштирилган юпқа конусли найчали учликдан анча катта босим билан сув сепадиган машиналар ёрдамида бажарилади. Бунда сув сепадиган машиналарнинг тезлиги соатига 60 км/с га етади.

Йўл қопламаларига сув сепиш ёзнинг иссиқ кунларида ва аҳоли яшаш жойлари атрофида бажарилади. Қопламага сув сепиш, уларни ювишдан шу билан фарқ қиладики, машина ўз ҳаракат йўналиши бўйлаб юқорига сув пурқаб қопламани намлайди ва микроклимининг яхшилади. Асфальтбетон қопламаларига сув сепишдаги сувнинг сарфи 0,2...0,3 л/м<sup>2</sup> га етади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз лозимки, айрим жойлардаги йўл тармоқлари таркиби ёмонлашишининг ўсиб бориши, улардан фойдаланишдаги эътиборнинг пасайиши натижасида юзага келмоқда. Йўлларнинг транспорт-фойдаланиш сифатларини ошириш учун тўпланган маълумотларга асосланиб, йўл қисмларини ўз вақтида сақлаш, жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ва унинг сифатли ўтказилишининг таъминлаш лозим.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Васильев А. П. Эксплуатация автомобильных дорог: Учебник., Том 2.: 2010. - 318 с.
2. Борисюк Н.В., Дмитров С.М. Содержание и ремонт автомобильных и городских дорог. Учебное пособие - Москва. МАДИ:, 2018. - 108 с.
3. Бабков В. Ф. Дорожные условия и безопасность движения : учебник / В.

- Ф. Бабков. - М. : Транспорт, 1993. - 271 с.
4. Методические рекомендации по назначению мероприятий для повышения безопасности движения на участках концентрации дорожно-транспортных происшествий / Росавтодор. - М. : Информавтодор, 2000. - 79 с.
  5. Рекомендации по обеспечению безопасности движения на автомобильных дорогах. - М. : Информавтодор, 2002. - 204 с.
  6. Технические указания по устройству дорожных покрытий с шероховатой поверхностью. - М. : Транспорт, 1990. - 45 с.

## QURILISHDA ISHLATILUVCHI KO'PRIKLI KRANLAR O'TKINCHI JARAYONLARI FUNKSIYALARINI TUZISH.

*kat. o'qit. O.U Nurullayev (Jizzax politexnika instituti)*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada ko'priqli kran elektr yuritmasi sxemasining turli parametrlarining matematik modelini tuzish va ularning tahlili haqida so'z yuritilgan.

Qarama qarshi aloqada kuchlanish tushuvi 10 V olamiz ,natijada taxogenerator uzatish funksiyasi quyidagicha ko'rinish oladi.

$$W_{TG} = K_{TG} = \frac{U_{OC}}{\omega_{HMex}} = \frac{10}{105} = 0,095 \quad (V*s/rad)$$

Uzatish funksiyasi quyidagi shaklda ifodalanadi:

$$W_{DT}(p) = \frac{U_{DT}}{I_{II}} = \frac{U_{DT}}{4 \cdot I_H},$$

Bu yerda

$U_{DT}$  - Shunt qarshilikdagi kuchlanish tushuvi,

$I_{II}$  - ishga tushirish toki,

$I_H$  - Dvigatel nominal toki

$$W_{DT}'(p) = \frac{0.15}{4 \cdot 275} = 0.00014 \quad (V/A)$$

Bazadagi operatsion kuchaytirgich tok datchigidagi signalni summatorga tushishini ta'minlaydi. Teskari aloqa natijasida kuchlanish 10 V, bu quyidagi ifoda bilan aniqlanadi.

$$W_{CY}(p) = \frac{10}{U_{DT}} = \frac{10}{0.15} = 66.67$$

Berilagan uskunadan tok datchigining uzatish funksoyasi quyidagicha ifodalanadi.

$$W_{DT}(p) = W_{DT}'(p) \cdot W_{CY}(p) = 66.67 \cdot 0.00014 = 0.0093 \quad (V/A)$$

Tristor ko'prigining uzatish funksiyasi impuls fazali boshqarish tizimi bilan

qoidaga ko'ra apereodik birinchi tartibli bo'g'ini doimiy  $T_{t,p}=0.01$  s bilan ifodalanadi.

$$W_{T.\Pi}(p) = \frac{U_{T.\Pi}(p)}{U_y(p)} = \frac{K_{T.\Pi}}{T_{T.\Pi}p + 1},$$

Bu yerda

$U_{t,p}$  – tristorli o'tkazgichning chiqish kuchlanishi


$U_y$  – Tristorli o'zgartirgichning IFBT kirishidagi kuchlanish;

$K_{t,p}$ - tristorli o'tkazgichning uzatish koeffitsienti

$$K_{m.n} = \frac{U_{m.n}}{U_y} = \frac{220}{10} = 22$$

$$W_{m.n} = \frac{22}{0,01p + 1}$$

Texnik realizatsiya:



1-rasm. Tristorli o'tkazgich sxemasi

Yopiq sistemaning statistik xatoligi

$$\Delta\omega p = \Delta M / \beta$$

Yopiq sistemaning nisbiy birliklardagi statistik xatoligi:

$$\Delta\omega p\% = \Delta\omega p * D / \omega_{MIN} * 100\%$$

Bu yerda

$D$  – tezlikni toslash diapazoni = 100

$\beta$  – tizim mexanik xarakteristikasin qattiqligi,

$$\beta = \frac{(C \cdot \Phi)^2}{R_{яц}}$$

$\Delta M$  – qarshilik momentining mumkin bo'lgan pasayishi.

$$\beta = \frac{(C \cdot \Phi)^2}{R_{яц}} = \frac{25}{0.42} = 60$$

$\Delta M=500$ , u holda:

$$\Delta\omega p=8.33$$


$$\Delta\omega p\%=7933\%$$

U holda  $a=df$ :

$$K_{pc} = \Delta\omega p\% / \Delta\omega z\% - 1 = 7932$$


**Kontur tokni sozlash**

Kontur tokni ko'rib chiqamiz:



2-rasm. Kontur tokni sozlash sxemasi

O'tkinchi jarayon:




3-rasm. Kontur grafik shakli

Grafikdan ko'rinib turibdiki konturdagi o'tish jarayoni tebranma xarakterga ega (nominal qarshilik momenti). Bu ko'rsatgichni to'g'irlash uchun quyidagi to'g'irlagichdan foydalanamiz:

$$W_{p.n.} = \frac{p+1}{0.1 \cdot p+1}$$

Texnik realizatsiya:



$$T1 = L/R2$$


$$T2 = T1 \cdot (1 + R2/R1)$$

$$L1 = 10^2 \text{ mGn, u holda}$$


$$R2 = 2 \text{ mOM}$$

$$R1 = 1 \text{ OM}$$

O'tkinchi jarayon quyidagicha ko'rinish oladi:




4-rasm. O'tkinchi jarayon kontur grafik shakli  
Tezlik konturini ko'rib chiqamiz:



5 -rasm. Oraliq kuchaytirgichsiz kontur grafik shakli

Bunday konturning oraliq kuchaytirgichsiz chastotali xarakteristikasi quyidagicha kurinishga ega:



Yopiq sistema tristorli koeffitsienti 6 ga teng. Yopiq sistema uchun esa bu koeffitsient 7930 bo'lishi lozim.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Ковчин С.А., Сабинин Ю.А. Теория электропривода. СПб. Энергоатомиздат. 2000. 126 с.
2. Кузьмин А.В., Марон Ф.Л. "Справочник по расчетам механизмов подъёмно-транспортных машин", Минск. Высшая школа, 2003.
3. Aripov N.M Avtomatlashtirilgan elektr yuritma (I qism) F. 2001.88 b


### MINORALI YUK KO'TARISH KRANLARIGA O'RNATILGAN ASINXRON DVIGATELLER STATIK XUSUSIYATLARI TAHLILI

O.N Olimov (Jizzax politexnika instituti)

*Annotatiya:* Ushbu maqolada minorali kran elektr yuritmasi sxemasining turli parametrlarining matematik modelini tuzish va ularning tahlili haqida so'z yuritilgan.

Qurilish mashinalariga o'ranatiladigan asinxron mashinalarda statik xususiyatlarining hisobi elektr yuritmaning tuzilish sxemasining alohida elementlarining parametrlari asosida amalga oshiriladi.

1- rasm. Minorali kran elektr yuritmasi mantiqiy sxemasi.



Elektr yuritma harakatining berilgan tezligini qo'llab-quvvatlash statik aniqligi quyidagi tenglama orqali aniqlanadi

$$\Delta\omega_3 = \frac{\Delta\omega_p}{1+K} \quad (1)$$

Bu yerda  $\Delta\omega_3$  - yopiq tizimning statik aniqligi%;

$\Delta\omega_p$  -ochiq tizimning statik aniqligi %;

K –ochiq tizimni kuchaytirishning statik koeffitsiyenti

Ochiq tizimning berilgan aniqligidan kelib chiqqan holda, tenglama bo'yicha ochiq tizimni kuchaytirishning zarur bo'lgan koeffitsiyenti hisoblab chiqiladi.

Ochiq tizimning statik holati

$$\Delta\omega_p = \frac{\Delta M_c}{\beta} \quad \text{Bilan aniqlanadi}$$

Ochiq tizimning statik xatoligi nisbiy birliklarda eng past tezlikda

$$\Delta\omega_p = \frac{\Delta\omega_p \cdot D}{\omega_{\min}} \cdot 100 \quad (2)$$

Bu yerda D –tezlikni roslash diapozoni

$\Delta\omega_p$  -valdagi qarshilikdan moment o'zgarishidan kelib chiqqan dvigatel tezligining farqi, %;

$\Delta M_c$  – dvigatel valiga keltirilgan qarshilik momentining mumkin boʻlgan farqi

$$\beta = \frac{\Delta M}{\Delta \omega} \quad \text{-tizimning mexanik xususiyatlarining qattiqligi}$$

Mustaqil qoʻzgʻatish chulgʻamiga ega Oʻzgarmas tok dvigateli uchun

$$\beta = \frac{(c\Phi)^2}{R_{яц}} \quad (3)$$

Bu yerda  $c$  – dvigatelning konstruktiv koeffitsiyenti

$\Phi$  - qoʻzgʻatiish oqimi

$R_{яц}$  -yakor zanjirining qarshiligi.

Dvigatel valiga keltirilgan statik xatolik joylashtirish tizimlarda quyidagilarda aniqlanadi:

1) aylanma harakat uchun

$$\delta_{cm} = \frac{M_c}{i_p \cdot k \cdot \beta} \leq \delta_{зад}$$

(4)

Bu yerda  $k$  –ochiq tizimning kuchayish koeffitsiyenti;

$i_p$  – reduktorning uzatish nisbati;

$\delta_{зад}$  –joylashtirishning berilgan xatoligi;

$M_c$  – dvigatel valiga tushadigan qarshilik momenti, Нм;

2) koʻchuvchi harakat uchun

$$\delta_{cm} = \frac{F \cdot \rho}{k \cdot \beta} \leq \delta_{зад}$$

(5)

Bu yerda  $\delta_{зад}$  - berilgan xatolik, м;

$$\rho = \frac{V_{y \max}}{\omega_{y \max}} \quad \text{- keltirilgan radius, м/рад;}$$

$V_{y \max}$  - mexanizm harakatining maksimal belgilangan tezligi, м/с;

$\omega_{y \max}$  -dvigatelning maksimal burchak tezligi, рад/с.

Kuzatuv tizimlarda kuzatuvning maksimal belgilangan tezligi  $\omega_{y,yoki} V_y$  boʻicha hisoblangan tezlik xatoligi  $\delta_{ck}$ ,ni ham inobatga olish zarur.

Oʻrganilgan tizimning maksimal tezligi mexanizmdagi kuzatuv xatosi.

$$\delta_{ck} = \frac{V_{y \max}}{k} \quad , \quad [M],$$

Bu yerda  $V_{y \max}$  - mexanizm harakatining maksimal tezligi, м/с.

Maksimal tezlik bilan oʻrnatilgan aylanma harakatning mexanizmdagi kuzatuv xatosi

$$\delta_{ck} = \frac{\omega_{y \max}}{k} \quad , \quad [rad]$$

Bu yerda  $\omega_{y \max}$  -mexanizm aylanma tezligining maksimal qiymati, рад/с.

Kuzatuv tizimlarda summator xatoligi belgilangan xatolikdan oshmasligi



lozim

$$\delta_{\text{зад}} \geq \delta_{\text{см}} + \delta_{\text{ск}}, \quad (6)$$

(6), (4) va (5) tenglamalarga ko'ra systema kuchayishining K umumiy koeffitsiyenti hisoblanadi unga ko'ra –oralik kuchautirgichning kuchlanish koeffitsiyenti aniqlanadi.

3 ifodadagi mexanik xususiyatlarning qattiqligini hisoblashda yakor zanjiri  $R_{\text{ЯЦ}}$  qarshiligiga yakor zanjirining dvigatel  $R_{\text{ЯД}}$  qarshiligidan tashqari tristor qarshiligi ham kiritilishi lozim.

Ko'priqli tog'irlash sxemalari uchun

$$R_{\text{ЯЦ}} = R_{\text{ЯД}} + 2R_{\text{ТР}}(R_{\text{ТОР}}) + 2R_{\text{YP}} + 2R_{\text{д}} + R_{\text{К}}, \quad [\text{ОМ}] \quad (7)$$

Bitta yarim davrli sxemalar uchun

$$R_{\text{ЯЦ}} = R_{\text{ЯД}} + R_{\text{ТР}}(R_{\text{ТОР}}) + R_{\text{YP}} + R_{\text{д}} + R_{\text{К}}, \quad [\text{ОМ}] \quad (8)$$

Bu yerda  $R_{\text{ЯЦ}}$  – yakor zanjirining to'la qarshiligi;

$R_{\text{ЯД}}$  – dvigatel yakorining qarshiligi

$$R_{\text{ЯД}} = 1.24 \cdot (R_{\text{Я}} + R_{\text{д.п.}} + R_{\text{КО}}) + R_{\text{Ц}};$$

$R_{\text{Я}}$ ,  $R_{\text{д.п.}}$ ,  $R_{\text{КО}}$  – yakor qo'shimcha va kompensatsion o'ramning mos qarshiliklari

$R_{\text{Ц}}$  – kontakt cho'tkalarining qarshigi

$$R_{\text{Ц}} = \frac{\Delta U_{\text{Ц}}}{I_{\text{ЯН}}} = \frac{2}{I_{\text{ЯН}}}, \quad [\text{ОМ}]$$

$R_{\text{YP}}$  – raektorning tenglashtirilgan qarshigi;

$R_{\text{ТОР}}$  – tokni cheklovchi reaktor qarshiligi;

$$\frac{\Delta P_{\text{КЗ}} U_{\text{H}}}{P_{\text{H}}^2}$$

$R_{\text{ТР}} =$  - transformatorning keltirilgan aktiv qarshiligi,

Bu yerda,  $\Delta P_{\text{КЗ}}$  – qisqa tutashuv tajribasida yo'qotish miqdori, Вт;

$U_{\text{H}}$  – ikkilamchi cho'lg'amning nominal kuchlanishi, V;

$P_{\text{H}}$  – transformatorning nominal quvvati, Вт;

$$R_{\text{д}} = \frac{(0.2 \div 0.3) U_{\text{T}}}{I_{\text{ТН}}} \quad \text{- tristorning dinamik qarshiligi,}$$

Bu yerda  $U_{\text{T}}$  – Tristordagi klassifikatsion kuchlanish tizimi

$I_{\text{ТН}}$  – dvigateldagi nominal qarshilik momentidagi tristor orqali o'tayotgan tokning o'rtacha qiymati bitta parallel va uch fazali

to'g'irlagichda ;

$$I_{\text{ТН}} = \frac{I_{\text{H}}}{3};$$

$$R_{\text{К}} = \frac{X_{\alpha} m}{2\pi} \quad \text{- tristorning komutatsion qarshiligi,}$$

Bu yerda  $m$  – o'zgartirichning faza sonlari (ko'priqli uch fazali sxema uchun  $m = 6$ );

$$X_{\alpha} = \sqrt{Z_{\text{ТР}}^2 - R_{\text{ТР}}^2} \quad \text{- transformator o'ramlarining keltirilgan induktiv qarshiligi;}$$

$$Z_{TP} = \frac{U_K \cdot U_H^2}{100 \cdot P_H} - \text{transformator o'ramlarining to'liq keltirilgan qarshiligi,}$$

Bu yerda  $U_K, \%$  - qisqa tutashuv kuchlanishi  $\%$  larda .

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Ключев В.И., Терехов В.М. Автоматизированный электропривод общепромышленных механизмов. – М.: Энергоатомиздат, 2000.
2. Белов М.П., Новиков В.А., Рассудов Л.Н. Автоматизированный электропривод типовых производственных механизмов и технологических комплексов. Учебник. – М.: Академия, 2004.
3. Соколова Е.М. Электрическое и электромеханическое оборудование: Общепромышленные механизмы и бытовая техника. Учебник. – М.: Мастерство, 2003.
4. Белов М.П., Новиков В.А., Рассудов Л.Н. Автоматизированный электропривод типовых производственных механизмов и технологических комплексов. Учебник. – М.: Академия, 2004.

#### ЌУРИЛИШ ИШЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УНИНГ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ТАЊЛИЛИ.

*кат. ўқит. А.Пардабоев (Жиззах политехника институти)*

**Аннотация:** Ушбу мақолада қурилиш ишларининг тизимли режаслаштириши жараёнида электр таъминотининг ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Ќурилиш бу индустриал методлар базасида бино ва иншоотларни барпо этиш ва реконструкция қилишдан иборат бўлган ишлаб чиқариш соҳасидир. Бино ва иншоотларни барпо қилиш нолинчи цикл ишларидан бошланади. Бу ишларда жуда кўп турли ҳилдаги машина ва меҳанизмлар ишлатилади.

Котлован экскаватор ёрдамида қазилади. Экскаватор, одатда, ички ёнув двигателига эга бўлади. Ер ишларининг хажми катта бўлганида электродвигателли юритмали экскаваторлар ишлатилиши мумкин. Қиш пайтида ер ишларини бажариш учун баъзида грунтни иситишга тўғри келади. Зарур бўлган ҳолларда сувни чиқариб ташлаш учун насослар ишлатилади.

Ер ишлари тугатилгандан кейин фундаментни монтаж қилишга киришилади. Қозиқ оёқли фундаментни монтаж қилишда дизель-болға, виброжойлаштиргич ёки чиғирли копёр қурилмаси қўлланилади. Лентали фундамент фундамент блокларидан монтаж қилинади ёки кранлардан фойдаланиб бетонланади.

Ќурилиш майдончаларида монтаж крани сифатида пневмоғилдиракли, гусеничали ва рельсли кранлар қўлланилади. Ишлаётган цехларда қурилиш ишлари бажарилаётган пайтда кўприксимон кранлар

ишлатилади. Рельсли кранларга минорали, кўприксимон кранлар киради. Бу кранлар, қоида бўйича, кўпдвигателли электроюритмага эга бўладилар. Бино ва иншоотларни қуриш жараёнида бетон ишлари бажарилади. Бетонни зичлаштириш мақсадида вибраторлар қўлланилади. Вибраторлар электр тармоғига трансформаторлар ёки частота ўзгартиргичлари орқали уланадилар. Қурилиш материаллари ва жиҳозлари иш жойларига асосан минорали кран ёрдамида узатилади. Сочилувчан, бурдаланган, майда донали материалларни кўчириш учун электроюритмали лентали транспортёрлар қўлланилиши мумкин.

Пўлат ва темирбетон конструкцияларни монтаж қилиш пайвандлаш йўли билан амалга оширилади. Темирбетон конструкциялар, қоида бўйича, темирбетон конструкциялар заводида тайёрланадилар. Баъзида бунақа конструкцияларни қурилиш майдончасида тайёрлашади. Бу пайтда турли хилдаги арматура станоклари ва буқиш станоклари ишлатилади. Опалубкадаги конструкцияларни яхшилаб буғлаш ёки электроқиздириш керак бўлади. Қурилиш майдонларида ишни субподредчи монтаж ташкилотлари олиб борадилар (санитария-техник ишлар, электротехник ишлар, махсус жиҳозларни монтаж қилиш). Бу ташкилотлар зарур бўлган электрланган жиҳозлар ва асбобларга эга бўладилар. Жиҳозлар ва асбоблар электр энергиясини талаб қиладилар.

Бино ва иншоотларнинг барпо қилиб бўлингандан кейин пардозлаш ишларига киришилади. Ҳаракатланадиган ёки кўтариб юриладиган қуриштиш мосламалари ёрдамида сиртлар қурилади. Қоронғи вақтда иш бажарилганда электроёритиш қурилмалари қўлланилади.


Қурилиш ишлабчиқариш объектларининг электротабминот системаси – электроэнергия ишлабчиқариш, узатиш ва тақсимлаш, унинг ҳисобини олиш ва сифат кўрсаткичларини назорат қилиш учун мўлжалланган электр қурилмалар ва мосламалар тўпламидир. Электроэнергияни ишлаб чиқариш ва узатиш учун мўлжалланган электроқурилмалар қурилиш ишлаб чиқариш корхонасининг мулки бўлиши мумкин ёки бошқа корхона ёки бирлашмага тааллуқли бўлиши мумкин.

Қурилиш корхоналари хусусий электростанцияларига эга бўлишлари ва ҳамма технологик қурилмалар ва процессларни электроэнергия билан таъминлашлари, электроэнергияни хусусий электр тармоқлари орқали узатишлари мумкин. Корхоналар электроэнергияни энергосистемага ёки қўшни саноат корхонасига тегишли электроқурилмалардан (электростанциялардан ва подстанциялардан) олишлари мумкин. Регионал энергосистеманинг район электр тармоқларидан корхонанинг электроэнергия олиш схемаси энг кўп тарқалган схема ҳисобланади.

Қурилиш объектларининг технологик қурилмаларининг, қурилиш майдончаларининг майший қурилмаларининг кўпчилик электроприёмниклари 1 кВгача кучланишда ишлашга мўлжалланган бўладилар. Электроэнергияни ўзгартириш исьтемомолчилар подстанцияларида амалга оширилади, уни тақсимлаш эса – 0.4 кВ кучланишдаги тақсимлаш тармоқлари бўйлаб амалга оширилади.

1- расм. Қурилиш тармоқларининг электротаъминот системалари: а – хусусий электростанция генераторларидан; б – умумий электр тармоғидан.

